

ИМОМ БУХОРИЙ ХАЛҚАРО
ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ МАРКАЗИ

Аҳмад ҲОДИЙ МАКСУДИЙ

«Аллоҳ ҳузуридаги чин дин Исломдир».
(“Оли Имрон” сураси, 19-оят)

ИБОДАТИ ИСЛОМИЯ

“Имом Бухорий халқаро маркази”
Самарқанд – 2019

УЎК 821.512.-133

КБК 86.38

А 52

Масъул муҳаррир:
Шайх Абдулазиз Мансур

Тақризчи:
Абдулҳамид Муҳаммад Турсун

Нашрга тайёрловчи:
Иброҳим Нуруллоҳ

Мақсудий, Аҳмад Ҳодий

Ибодати исломия / А.Ҳ.Мақсудий. – Самарқанд: “Имом Бухорий халқаро маркази” нашриёти, 2019. – 240 бет.

Ушбу китоб шариатимиз қоидалари аҳли сунна вал жамоа, хусусан, ҳанафий мазҳаби кўрсатмаларига асосан тушунтирилган. Асар ўтган аср бошларида ўша пайтдаги тил меъёрларига мос ифода ва иборалар ила битилган. Бу йўсиндаги ифода ҳозирги замон ўқувчисининг тушинишига бироз қийинчилик туғдиради, албатта. Шу боис муаллиф тилини бироз бўлса-да, замонавийлаштиришга журъат этдик.

Ушбу қўлланма кенг китобхонлар оммасига мўлжалланиб, эътиқоду амал масалаларини ўрганишда хизмат қиладди, деган умиддамиз.


*Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги
Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2019 йилдаги 3804-сонли
хулосаси асосида нашрга тайёрланди.*

УЎК 821.512.-133

КБК 86.38

ISBN 978-9943-5196-6-4

© А. Турсунов, И. Нуруллоҳ
© “Имом Бухорий халқаро
маркази”, 2019



МУАЛЛИФ ҲАҚИДА

Аҳмад Ҳодий Мақсудий 1868 йилнинг 28 сентябрида Қозон уездидаги Тошсув қишлоғида мулла оиласида туғилди.

Ўғлининг зиёли бўлишини истаган отаси Низомиддин уни ёшлигиданоқ Қозондаги «Қосимия» мадрасасига ўқишга жўнатди. Мадрасада 10 йил ўқигандан сўнг ўша замоннинг илғор кишиси Исмоил Ғаспиралининг ўқитиш усули бўйича «Муаллими аввал» китобини ёзди. Жуда кенг тарқалган бу дарслиқдан татарлардан бошқа туркий халқлар ҳам фойдаландилар. 30 марта қайта чоп этилган «Муаллими аввал» Мисрда ҳам дарслик сифатида қўлланди.

Шогирдининг муваффақиятини кўрган Исмоил Ғаспирали уни Қримдаги «Зинжирли» мадрасасига таклиф этди. Уч йилдан сўнг, 1896 йилда Аҳмад Ҳодий Қозонга қайтиб муаллимлик ишини давом эттирди. У таълиф қилган китобларининг умумий адади 1 миллион донадан ортиб кетган.

1906 йилда «Йоддиз» деб аталган газетага асос солди. Аҳмад Ҳодий Шаҳар думасига ҳам сайланган. Аммо унинг барча режалари давлат тепасига большевиклар келиши билан барбод бўлди. Унинг уйи ва дала ҳовлисини тортиб олишди. Бироз вақтдан сўнг муаллимлик фаолияти билан шуғулланишни ҳам тақиқлаб қўйишди. Оилани боқиш учун Аҳмад Ҳодийдек олим киши артелга китоб саҳҳофи бўлиб ишга жойлашди... Бир қанча китоблар муаллифи бўлган олим 1941 йилнинг 28 июнида дорулбақога риҳлат қилди.

Аллоҳ у кишининг охиратини обод қилсин!

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ

Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм

БИРИНЧИ ҚИСМ

ДИН ВА ШАРИАТ



Дин ва шариат нима?

Аллоҳ таолонинг бандаларига юборган ҳукмлари тўплами.



Аллоҳ таоло бандаларига қандай ҳукмлар юборган?

Бандаларига дунё ва охираат роҳатларига етишмоқлари учун тўғри йўл-йўриқлардан иборат ҳукмлар юборган.



У ҳукмларда қандай ишларнинг баёни бор?

Банда қилиши лозим бўлган ва қилиши таъқиқланган вазифаларнинг баёни бор.



Аллоҳ таоло дин ва шариат ҳукмларини бандаларига қайси йўл билан билдирди?

Аллоҳ таоло бандалари ичида энг лойиқларини пайғамбар этиб сайлади ва ўша пайғамбарларга фаришта Жаброил (а.с.) воситасида дин ҳукмларини ўргатди. Сўнгра пайғамбарлар бу ҳукмларни одамларга етказдилар.

ИМОН ВА ИСЛОМ



Имон нима?

Аллоҳ таолодан келган ҳақ динга ишонмоқ имондир.



Ислом нима?

Аллоҳ таолодан келган ҳақ диндир. Бу динга ишониб, шу динда буюрилган вазифаларни бажаришга интилиш барча бандаларнинг бурчидир.



Бизлар қайси пайғамбарнинг умматларимиз?

Муҳаммад алайҳиссаломнинг умматларимиз. Муҳаммад алайҳиссаломга келган динга ишониб, ўша динда буюрилган амалларни қиламиз, таъқиқланганларини эса тарк этамиз.



Аллоҳ таолодан Муҳаммад алайҳиссаломга келган диннинг номи нима?

Ислом. Алҳамдулиллаҳ, биз ушбу динга эътиқод қўйган мўмин-мусулмондирмиз.

АМАЛ



Амал нима?

Банданинг ҳаётда қилган ишлари.



Исломда банданинг амали неча қисмга бўлинади?

Ҳаммаси саккиз қисмга бўлинади: Биринчиси, фарз. Иккинчиси, вожиб. Учинчиси, суннат. Тўртинчиси, мустаҳаб. Бешинчиси, мубоҳ. Олтинчиси, ҳаром. Еттинчиси, макруҳ. Саккизинчиси, мустакраҳ. Ушбу саккиз қисм амалнинг баъзиларини бажариш, баъзиларини бажармаслик шарт. Яна айримларини қилиш-қилмаслик ихтиёрий.



Фарз қандай амал?

Фарз Аллоҳ таоло буюрган амалдир. Уни қилган киши савоб топади. Узрсиз бажармаган киши гуноҳкор бўлади. Унинг зарурлигига ишонмаган киши эса кофир ва имонсиз саналади.



Фарз амали қайси ҳолатларда кўринади?

Аллоҳ таолога имон келтириш, Ислом динидаги беш вақт намозни ўқиш, рамазон ойида ҳар куни рўза тутиш, закот бериш ва ҳаж қилиш.



Вожиб қандай амал?

Вожиб Ислом динида бажарилиши шарт бўлган амал. Уни бажарган киши савоб олади, бажармаганлар гуноҳкор бўлади. Вожиб амалга ишонмаган киши кофир ва имонсиз бўлмаса ҳам, катта гуноҳга ботади.



Қандай амаллар вожиб амалга киради?

Витр намозини ўқиш, ҳайит намозларини ўқиш, садақа ва фитр бериш, қурбонлик сўйиш, Қуръондан сажда оятлари ўқилган пайтда сажда қилиш кабилар.



Суннат қандай амал?

Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссаломнинг қилган амаллари. Суннат амалини қилган киши савоб топади. Қилмаган киши гуноҳкор бўлмаса-да, Қиёмат куни маломатга қолади, Пайғамбаримиз шафоатларига лойиқ бўлмайди.



Суннат амали нималарда кўринади?

Яхши ишларни «**Бисмиллаҳир роҳманир роҳим**», дея бошлаш, мўмин кишиларга салом бериш, Қуръон ўқишни «**Аъзу биллаҳи минаш шайтони рожим**» сўзлари билан бошлаш сингари амаллардир.



Мустаҳаб қандай амал?

Мустаҳаб Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссалом баъзан бажарган ва баъзан бажаришни лозим кўрмаган амалдир. Уни қилган киши савоб топади. Аммо қилмаса, гуноҳкор бўлмайди. Қиёмат куни азоб ва маломатга ҳам қолмайди.



Мустаҳаб амалига қандай юмушлар киради?

Нафл намоз ўқиш ва нафл рўза тутиш, нафл садақа бериш ва доим таҳоратли юриш кабилар.



Мубоҳ қандай амал?

Мубоҳ шундай амалки, қилинса ҳам, қилинмаса ҳам дуруст бўлаверади. Ундан киши савоб ҳам, гуноҳ ҳам топмайди. Қилиш-қилмаслик банданинг ихтиёридадир.



Қандай амаллар мубоҳга мисол бўлади?

Ҳалол таомларни ейиш, ҳалол ичимликларни ичиш, ўтириш, туриш, юриш ва зарарсиз сўзларни сўзлаш.



Ҳаром қандай амалдир?

Ҳаром Ислом динида қатъий таъқиқланган амалдир. Уни қилган киши қаттиқ гуноҳга ботади, уни ҳалол, дегувчилар кофир ва имонсиз ҳисобланади.



Қандай ишлар ҳаром қилинган?

Ноҳақ одам ўлдириш, одамзот ва ҳайвонотга зулм қилиш, ғийбат қилиш, ўғирлик, ёлғончилик, ароқхўрлик ва зинокорлик каби ишлар.



Макруҳ қандай амал?

Макруҳ Ислом дини таъқиқлаган амал. Макруҳни қилмаган киши савобга

қолади, қилган киши эса азобланиши мумкин. Уни қилган киши кофир бўлмаса-да, гуноҳга ботади.



Макруҳ амали нималарда кўринади?

Масжидга туфлаш, (фаҳш) нағмаларга кулоқ солиш, одобсиз шеърларни куйлаб ҳофизлик қилиш, одамлар ичида масхарабозлик қилиш, уятсиз шеърларни битиш кабилар макруҳ амаллардир.



Мустакраҳ қандай амал?

Мустакраҳ шундай амалки, уни қилгандан кўра қилмаган яхшироқдир. Қилган киши гуноҳкор саналмаса-да, одобсиз бўлади. Қиёматда азобга қолиши мумкин.



Мустакраҳга қандай амаллар киради?

Таомни катта-катта ейиш, бозорда, кўчада овқатланиш, баланд овоз билан кекириш ва ҳайқириб эснаш кабилар.

БАЛОҒАТ ВА ОҚИЛЛИК



Фарз, вожиб, суннат амалларини қилиш ва ҳаром, макруҳ, мустакраҳ амалларини қилмаслик кимларга буюрилган?

Балоғат ёшига етган ва ақлини таниган кишиларга.



Балоғат ёшидагилар кимлар?

Камолотга етган кишилардир. Гўдаклар балоғат ёшида эмаслар.



Кимларни оқил деса бўлади?

Ақлли кишиларни. Ақли заиф одамлар оқиллар ҳисобига кирмайди.



Гўдаклар ва девоналар фарзу вожиб амалларни адо қилмасалар ёки ҳаром амаллардан сақланишга қодир бўлмасалар гуноҳкор бўладиларми?

Гуноҳкор бўлмайдилар. Чунки улар узрлидирлар.



Неча ёшда балоғатга етадилар?

Ўғил болалар эркаклик аломати билинганида. Яъни, ўн икки ёшларида. Қизларда қизлик аломати зоҳир бўлганида. Яъни, тўққиз ёшларида.



Мазкур ёшларда ул аломатлар зоҳир бўлмаса, неча ёшда балоғатга етган ҳисобланади?

Ўн беш ёшларда. Болиғ ва оқил бўлгандан сўнг ҳар бир кишига умри охиригача шариат буюрган ҳар бир амални қилиш ва ман этилганини қилмаслик лозим бўлади.

ИБОДАТ



Мусулмон кишига фарз амаллар ва ибодатларнинг улуғроғи қайсилар?

Улуғроғи бешта амалдир. Биринчиси, Аллоҳ таолонинг борлигига, ҳар бир сифатига ва Ислом динига, буюрилган ҳар бир ҳукмнинг ҳақлигига ишониш. Иккинчиси, ҳар куни беш вақт намоз ўқиш. Учинчиси, рамазон ойи давомида ҳар куни рўза тутиш. Тўртинчиси, ортиқча молидан ҳар йили бир марта муҳтожларга закот бериш. Бешинчиси, қурби етса, умри давомида бир бора Маккаи Мукаррамага бориб ҳаж қилиш.

ИМОН ВА ИҚРОР



Имон нима?

Эътиқод қилмоқ, яъни ишонмоқ. Бутун оламларнинг яратувчиси ва эгаси бўлган Аллоҳ таолонинг борлигига, ёлғизлигига, улуғ сифатларига, Муҳаммад алайҳиссаломнинг пайгамбар элчи эканига, ул зотга юборилган китоб Қуръони каримнинг ҳақ китоб эканига ишонмоқ имондир.



Мусулмон бўлиш учун фақат Ислом динининг ҳақлигига ишониш kifоями?

Ҳақиқий мўмин бўлмоқ учун киши чин дил билан ишониши, ишонганини баён қилиши лозим. Дилида ишонсаю тилида иқрор бўлмаса ёки ак-

синча, тилида айтсаю дилида тан олмаса, мўмин ҳисобланмайди.



Нима қилса, тили билан иқрор бўлган ҳисобланади?

Ушбу калимаи шаҳодатни таъкид-ламоғи лозим:

أَشْهَدُ أَنْ لَا إِلَهَ إِلَّا اللَّهُ وَأَشْهَدُ أَنَّ مُحَمَّدًا عَبْدُهُ وَرَسُولُهُ

«Ашҳаду анла илаҳа иллаллоҳу ва ашҳаду анна Муҳаммадан ʼабдуҳу ва росулуҳ».

Маъноси: «Гувоҳлик бераманки, Аллоҳ ягона, Ундан ўзга илоҳ йўқ. Ва гувоҳлик бераманки, Муҳаммад Аллоҳнинг бандаси ва пайғамбаридир (элчисидир)».

ИМОН КАЛИМАСИ

آمَنْتُ بِاللَّهِ وَمَلَائِكَتِهِ وَكُتُبِهِ وَرُسُلِهِ وَالْيَوْمِ الْآخِرِ وَالْقَدَرِ خَيْرِهِ
وَشَرِّهِ مِنَ اللَّهِ تَعَالَى وَالْبَعْثِ بَعْدَ الْمَوْتِ

«Аманту биллаҳи ва малаикатиҳи ва кутубиҳи ва русулиҳи вал явмил ахири вал қодари хойриҳи ва шарриҳи миналлоҳи таъала вал баъси баъдал мавт».

Маъноси: «Аллоҳ таолога ва Унинг фаришта-ларига, китобларига, пайғамбарларига, Қиёмат кунига ва барча ишлар яхшиликлар ҳам, ёмонлик-лар ҳам Аллоҳ таолодан эканига ҳамда ўлгандан сўнг қайта тирилишга ишондим».

АЛЛОҲ ТАОЛОГА ИМОН



Аллоҳ таолонинг шакли-шамойили ва зотини билиб бўладими?

Йўқ, билиб бўлмайди. Инсон ақли бунга ожизлик қилади.



Қайси жиҳатларини билса бўлади?

Фақат исм ва сифатларини.



У сифатлар қайсилар?

Аллоҳ таоло Мавжуддир, Қадимдир, Боқийдир, Ягонадир, Ҳайдир, Олимдир, Сомеъдир, Басирдир, Мутакаллимдир, Қодирдир, Фариддир, Холиқдир, Мухтордир, Азимдир, Жамилдир, Ҳамиддир, Қуддусдир, Роббдир, Раҳмондир, Раҳимдир, Шокирдир, Қахҳордир, Одилдир, Собирдир, Таввобдир, Ғофирдир, Мужибдир, Носирдир, Ҳакимдир, Ғанийдир, Каримдир, Раззоқдир, Маъбуддир, Ҳодийдир.



«Аллоҳ» сўзи нимани билдиради?

Аллоҳ оламни яратган ҳақ маъбуднинг номидир. Форсийча «Худо», туркийча «Тангри» дейилади.



«Аллоҳ» сўзининг ўхшашлари ҳам борми?

Бор. Катта китобларда тўқсон тўққиз хил номланади. Биз эса ўттиз беш туринигина таърифлаймиз.



«Мавжуд»нинг маъноси нима?

Доимо бор бўлган ва бундан кейин ҳам бор бўлгувчи ва ҳеч қандай бор қилгувчига муҳтож бўлмаган Зот демақдир.



«Қадим»нинг маъноси нима?

Бошланиши йўқ. Яъни, қачондир йўқ бўлиб, сўнгра бор бўлган эмас, балки доим бор бўлган.



«Боқий»нинг маъноси нима?

Борлигининг ва бор бўлмоқлигининг сўнги йўқ: абадийдир, борликдадир.



«Аҳад»нинг маъноси нима?

Ягона, демақдир. Яъни, «Унинг шериги йўқ» маъносидадир.



«Ҳай»нинг маъноси нима?

Тирик, аммо бизлардек жон ва бадан бирла эмас, балки Ўзининг ҳаёт сифати, мароми билан тирикдир.



«Олим»нинг маъноси нима?

Бўлган ва бўладиган нарсаларнинг, воқеаларнинг ҳар биридан хабардор билгувчидир. Аллоҳ таолонинг билиши биз каби ўрганиши ёки фикр қилиши билан эмас, балки ёлғиз Ўзига хос илм сифати биландир.



«Сомеъ»нинг маъноси нима?

Эшитгувчи, деган маънодадир. Ҳар бир овоз ул Зотга эшитилмай қолмас. Ул Зотнинг эшитмоқлиги биз каби эмас, балки ёлғиз Ўзига хос кўриш сифати биландир.



«Басир»нинг маъноси нима?

Кўргувчи, деган маънодадир. Аллоҳ таоло ҳар нарсани кўради. Кўрмоқлиги бизларнинг кўришимиздек кўзлар билан эмас, балки ёлғиз Ўзига хос кўриш сифати биландир.



«Мутакаллим»нинг маъноси нима?

Сўзлагувчи, деган маънодадир. Аллоҳ таоло сўзлагувчидир. Масалан, Қуръони карим оятлари Аллоҳнинг сўзларидир.



«Қодир»нинг маъноси нима?

Куч-қудратли, куч-қудратининг чега-раси йўқ.



«Фарид»нинг маъноси нима?

Истагувчи, танловчи, деган маънода-дир. Аллоҳ истаган иш қаро топади, истамагани амалга ошмайди. Исташи Ўзининг ирода сифати биландир.



«Холиқ»нинг маъноси нима?

«Пайдо қилгувчи» ва «қарор топтир-гувчи» маъносидадир. Бу жараён Ўзи-нинг холиқ сифати билан намоён бўлади.



«Мухтор»нинг маъноси нима?

Аллоҳ таоло ҳар бир амални Ўз ихтиёри билан, бировнинг ихтиёрисиз қилади.



«Азим»нинг маъноси нима?

Улуғ ва тенгсиз, деган маънодадир. Аллоҳ таолодан улуғроқ, мартабаси баландроқ зот йўқ.



«Жамил»нинг маъноси нима?

«Баркамол» ва «соҳибжамол» маъносидадир.



«Ҳамид»нинг маъноси нима?

«Ҳар қандай таърифун тавсифдан юксак, ҳар қандай тақсимдан улуғвор, пок зот» маъносидадир.



«Қуддус»нинг маъноси нима?

«Ҳар қандай нуқсонун камчиликдан холи, ҳар бир сифати етук» маъносидадир.



«Робб»нинг маъноси нима?

«Тарбия бергувчи» ва «эғалик қилгувчи» маъносидадир.



«Раҳмон»нинг маъноси нима?

Дунёга инъом ва эҳсон қиладиган, жамики одамзотга, махлуқотга, шу жумладан, мўмину кофирга ҳам марҳаматини дариг тутмайдиган, ҳар бир бандани тенг кўрадиган,

Ўзи истаган кишига зиёда мол-давлат берадиган
Зотнинг сифатидадир.



«Раҳим»нинг маъноси нима?

«Охиратда раҳмат қилгувчи» маъносидадир. Аллоҳ таоло охиратда мўмин кишиларга раҳм қилиб, уларни жаннатга киритади. Аммо имонсиз кишиларга раҳм қилиб, раҳмат назари билан боқмайди. Улар доимо азобда бўладилар.



«Шокир»нинг маъноси нима?

«Мўмин бандаларнинг қилган ибодатларига яраша ажрини бергувчи» маъносидадир.



«Қаҳҳор»нинг маъноси нима?

«Қаҳр қилгувчи ва жазолагувчи» маъносидадир. Шак-шубҳа йўқки, Аллоҳ таоло имонсиз ва гуноҳкор бандаларини азоблайди.



«Одил»нинг маъноси нима?

«Ўзининг ҳар бир ҳукмида энг одил Зот, ҳукмларида заррача нуқсон йўқ» маъносидадир.



«Собир»нинг маъноси нима?

Сабр этгувчи ва тоқат қилгувчи, деб англамоғи лозим. Аллоҳ таоло гуноҳкор бандаларининг айбларига сабр қилади, жазосини бу дунёда бермай, охиратда қолдиради.

Шунингдек, савоб қилган кишиларнинг ҳам ажрини бу дунёда бермаганини охиратда бергувчидир.



«Таввоб»нинг шарҳи қандай?

«Тавбаларни қабул қилгувчи» маъносидадир. Агар гуноҳкор мўмин чин дилдан пушаймон чекиб тавба қилса ва у гуноҳларини такрорламасликни ният қилса, Аллоҳ таоло унинг тавбасини қабул қилади.



«Ғофур» сифатининг таърифи қандай?

Гуноҳларни кечиргувчи, деган маънодадир. Аллоҳ таоло баъзи кишиларнинг гуноҳларини кечиради. Тавба қилган кишиларнинг ҳам ва сира тавба қилмаганларнинг ҳам гуноҳидан кечиш Ўзининг ихтиёридадир.



«Мужиб»нинг маъноси нима?

Дуо ва саволларни қабул этгувчидир. Аллоҳ таоло ихлос билан қилинган дуоларни, мабодо Ўз ҳикматига мувофиқ келса, қабул қилади. Ва Ўз фазлу карами билан бандаларининг ҳожатларини чиқаради.



«Носир»нинг маъноси нима?

Носир ёрдам бергувчидир. Аллоҳ таоло хоҳласа, ҳар ишда мададкор ва кўмакдошдир.



«Ҳақим»нинг маъноси нима?

«Ҳикматларга бой сўзлагувчи» маъносидадир. Ҳақимнинг ҳар бир буйруғида

инсон ақли қамраб ололмайдиган ҳикматлар мужассам бўлади.



«Ғаний»нинг маъноси нима?

«Ҳеч нарсага муҳтож бўлмаган, аксинча, барчага бойлигу салтанат тарқатувчи

Зот» маъносидадир.



«Карим»нинг маъноси нима?

Хайр-эҳсон этгувчи Зот Карим, дейилади.



«Раззоқ»нинг маъноси нима?

Ризқ бергувчи ва тўйдиргувчи.



«Маъбуд»нинг маъноси нима?

«Ибодатга лойиқ» маъносидадир. Ёлғиз Аллоҳгина-ибодатга лойиқ. Жами

бандаларга фақат Аллоҳгагина ибодат қилиш фарздир.



«Ходий»нинг маъноси нима?

«Тўғри йўлга солувчи», бу Аллоҳ таолонинг сифатларидан биридир. Аллоҳ

таоло тўғри йўлга ва ҳақ динга солмоқ учун ер юзига бир неча минг пайғамбар юборган.



Аллоҳ таоло ҳеч бир махлуқотга ўхшайдими?

Аллоҳ таоло одам ва ё бошқа махлуқотга ҳеч бир жиҳатдан ўхшамайди. Аллоҳ таоло жисмли ёки суратли эмасдир. У ҳеч бир маконда-ўринда

эмас, ҳеч тарафда эмас. Юқори ва ё паст, олд ва ё орқа, ўнг ва ё чап тарафларнинг ҳеч бирида эмас. Аллоҳ таолода емоқ, ичмоқ каби бандаларга хос жиҳатлар йўқ. Бу тариқа ишлар нуқсон ва камчиликдир. Аллоҳ эса нуқсонлардан холи, ҳар жиҳатдан мукамалдир.

ТАФАККУР ВА ТАШАККУР



Тафаккур ва ташаккурнинг таърифи қандай?

Фикр ва шукр қилиш демақдир. Борлиқдаги жамики мавжудотни яратишда Аллоҳ таолонинг беқиёс қудратини фикр ёрдамида кўрамиз ва шукр қиламиз.



Фикр қилиш лозимми?

Албатта, лозим. Аллоҳ еру осмонларни Ўз изнига солиб ҳаракатга келтирди. Инсонларни йўналишга солди. Инсонлар роҳатланишлари учун қора тупроқдан гулу гиёҳларни ундириб чиқарди. Аллоҳнинг қудрати билан барча мавжудот туғилмоқ, яшамоқ ва ўлмоқ жараёнидадир. Бутун оламлар йўқдан бор бўлди. Ва инсонлар мана шу борлиқни англаш қудратига эга бўлдилар. Бизнинг сўзлашимиз, кўринишимиз, эшитишимиз, ҳид сезишимиз – буларнинг бари мўъжизадир. Ўз танимизга ғоятда мувофиқ равишда қўл-оёғимиз ва ички аъзоларимиз бор. Юрагимизнинг уриб туриши ҳам Аллоҳнинг борлигига, қудратига далолатдир. Яратилган ҳар бир неъматнинг ажойиблиги Аллоҳ таолога ҳар қанча шукрона айтмоққа етарлидир. Дунёдаги ҳар бир

ғаройибликни кўрганда ушбу тарзда зикр қилиш лозим:

سُبْحَانَ اللَّهِ وَالْحَمْدُ لِلَّهِ وَلَا إِلَهَ إِلَّا اللَّهُ وَاللَّهُ أَكْبَرُ

«Субҳаналлоҳи валҳамду лиллаҳи ва ла илаҳа иллаллоҳу валлоҳу акбар».

ФАРИШТАЛАР



Фаришталар кимлар?

Улар ҳам Аллоҳ таолонинг бандаларидир. Улар доимо ибодат қилгувчи ва ҳар бир буйруқни ниҳоясига етказувчи, гуноҳлардан холи, емоқ-ичмоқ каби сифатлари йўқ, жинслари ҳам йўқ, жисмлари эса нурдан, ўзлари шамолдек майин, аммо кўзга кўринмайдиган, агар кўринишни исташса, ихтиёрий суратда кўринишга қодир зотлардир.



Уларнинг маконлари қаерда?

Кўпроқ осмонда. Фақат Аллоҳ таолонинг буйруқларини бажариш учун ер юзига тушадилар. Ер юзида ҳар бир банданинг қилган амалини ёзиб тургувчи фаришталар ҳам бор. Улар бандаларнинг яхшилик ва ёмонликларини амалномаларига ёзадилар. Қиёмат куни инсон шул номаларга қараб тафтиш қилинади. Яна ер юзида ҳар бир бандани офату фалокатдан сақлаб юрувчи фаришталар ҳам бор.



Фаришталарнинг машҳурлари қайсилар?

Жаброил, Микоил, Азроил, Исрофил кабилар. Ҳазрати Жаброил Аллоҳ таолодан пайғамбарларга ваҳий келтирувчидир. Ҳазрати Микоил бандаларнинг ризқларини таъминловчи, ёмғиру қорларга ҳукм қилгувчидир. Ҳазрати Азроил қазоси етган бандаларнинг жонларини олгувчидир. Ҳазрати Исрофил бандаларнинг жонлари турадиган сурга ваколатлидир.



Ҳазрати Исрофил сурни нима қилади?

Икки мартаба чалади. Биринчи бор чалганида барча жонзот ушбу сур ичига жам бўлади. Иккинчи бор чалганида барча ҳалок бўлади. Ҳар ким сурдан чиқиб ўз жасадини топади. Ва шу жасадга кириб, сўнгра қабрдан қайта тирилиб, ер юзига чиқади. Бу воқеалар замон охир бўлганда содир бўлади.

ПАЙҒАМБАРЛАР



Пайғамбарлар кимлар?

Аллоҳнинг биз каби бандаларидир. Улар ҳам Одам алайҳиссаломнинг фарзандлари бўлиб, туғилишдан оқ Аллоҳнинг паноҳи ва ҳимоятидаги оқил ва жисмонан соғлом, ҳақиқатгўй ва тақводор, нуқсонсиз бўладилар.



Улар қай тариқа сайланадилар?

Жаброил алайҳиссалом орқали ваҳий юборилади. Пайғамбар ушбу ҳукмлар кучи билан бандаларни ҳақ динга бошлайди.



Бандалар пайғамбарларнинг сўзларини қандай қабул қиладилар?

Бирданига қабул қилмайдилар. Далил сўрайдилар. Бундай ҳолда Аллоҳ таолодан мўъжиза сўрайдилар. Аллоҳ халойиқнинг талабига мувофиқ мўъжиза кўрсатади.



Шундан сўнг халойиқ пайғамбарнинг ҳақлигига ишонадими?

Зеҳни ўткирлари ва инсофлилари ишонишади. Ёмон хулқлилари эса ишонмай, уни сеҳр дейдилар. Аксар инсонлар дилларида ишондилару кибрлари боис итоат этишга ор қиладилар.

ПАЙҒАМБАРЛАРНИНГ МЎЪЖИЗАЛАРИ



Пайғамбарларнинг мўъжизалари қай тариқа бўлган?

Баъзи пайғамбарлар дуонинг кучи билан тош ичидан туя чиқарган. Баъзи пайғамбарлар оловга тушганда ҳам зарар кўрмаганлар. Баъзилари тушларни тўғри таъбир қилганлар. Баъзиларининг қўлидаги асо аждарҳога айланган. Баъзилари ўликларни тирилтирганлар. Баъзилари оз таомни бир неча юз кишига етарли баракали қилганлар. Баъзилари билан ҳайвонлар тилга кириб сўзлашган. Баъзиларининг қўл ишораси билан ой икки бўлакка бўлинган. Буларнинг бари ҳақида китобларда батафсил баён қилинган.

ПАЙҒАМБАРЛАРНИНГ САНОҒИ



Ҳазрати Одам алайҳиссаломнинг замонларидан бери дунёга қанча пайғамбар келди?

Аниқ маълум эмас. Бир юз йигирма тўрт минг, деган тахмин бор.



Уларнинг қайсилари бизга маълум?

Улардан Қуръонда ё ҳадисда зикр этилганларигина бизларга маълум. Қуръонда йигирма беш нафар пайғамбарнинг исми баён қилинган. Булар: Одам, Идрис, Нух, Худ, Солих, Иброҳим, Лут, Исмоил, Исҳоқ, Яъқуб, Юсуф, Айюб, Шуайб, Мусо, Хорун, Довуд, Сулаймон, Юнус, Илёс, Закариё, Яҳё, Аяса, Зулкифл, Исо, Муҳаммад соллаллоҳу алайҳумуссаломдурлардир. Азиз, Луқмон ва Зулқарнайн ҳазратларининг номлари ҳам Қуръонда бор. Лекин уларнинг пайғамбарликлари тахминийдир. Баъзилар уларни авлиё деб ҳисоблайдилар.



Қуръонда зикр қилинмаган, лекин номлари маълум бўлган пайғамбарлар ҳам борми?

Бор. Масалан: Шиш, Юуша, Хизр, Башир, Дониёл, Ишмуил, Ашъиё, Хироқул, Жиржис, Жакук, Ҳамзола кабилар.



Энг дастлабки пайғамбар ким?

Ҳазрати Одам алайҳиссалом.



Охиргиси-чи?

Муҳаммад алайҳиссалом.



Муҳаммад алайҳиссаломдан сўнг яна пайғамбарлар тушдимиз?

Қиёмат кунигача ўзга пайғамбар чиқмайди. Ислом дини то қиёматгача боқийдир. Жами пайғамбарларнинг тарихий баёнлари «Қисас-ул Анбиё» («Пайғамбарлар қиссаси») номли китобда битилгандир.

АЛЛОҲ ТАОЛОНИНГ МУҚАДДАС КИТОБЛАРИ



Аллоҳ таолонинг китоблари қандай китоблар?

Пайғамбарларига нозил қилган ҳукмлари-тўпламидир.



У китобларни Аллоҳ таоло нима сабабдан юборган?

Дин ва шариат ҳукмларини қавмларга етказиш ва ўргатиш учун.



Пайғамбарларга нечта китоб нозил қилинган?

Жами бир юзу тўрт китоб. Одам алайҳиссаломга ўн варақ, Шиш алайҳиссаломга эллик варақ, Идрис алайҳиссаломга ўттиз варақ, Иброҳим алайҳиссаломга ўн варақ келган. Бу айтилган юз варақ юз китобга тенгдир. Мусо алайҳиссаломга Таврот китоби, Довуд алайҳиссаломга Забур, Исо

алайҳиссаломга Инжил, Муҳаммад алайҳиссаломга Қуръони карим нозил қилинган.



Уларда нималар баён қилинган?

Ваъз ва насиҳатлар, ибратли қисса ва ҳикоялар, дуо ва ибодат сўзлари баён этилган, дунё ва охираат ободлигини топмоқ йўллари кўрсатилган.



Уларда шариат ҳукмлари бир-бирига мувофиқ келадими ёки мувофиқ келмайдими?

Кўплари мувофиқ, баъзилари хилофли.



Нега хилофли?

Чунки замона ва инсониятнинг камолот даражасига қараб янги-янги ҳукмлар келган. Шу сабабдан сўнг келган ҳукмлар аввалги ҳукмларга ўхшамайди. Аммо энг сўнггиси, яъни Қуръони каримда келган ҳукмлар то замон охир бўлгунча қатъий ва ўзгармасдир.

ҚУРЪОН – КАЛОМИ ШАРИФ



Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссаломга Қуръон қай тариқа келган?

Аллоҳ таолонинг амри билан фаришта Жаброил Муҳаммад алайҳиссаломга Қуръондаги сура ва оятларни баён қилган, хотираларига сингдирган. Жаброил алайҳиссалом кетганидан сўнг Пайғамбаримиз нозил бўлган оятларни саҳобаи киромларга ёдлатганлар.



Каломуллоҳ Муҳаммад алайҳис-саломга неча йил давомида келган?

Йигирма уч йил давомида бобма-боб, оятма-оят, бўлиниб-бўлиниб нозил бўлган.



Қайси тилда баён қилинган?

Араб тилида.



Қуръони карим неча сура ва оятдан иборат?

Бир юз ўн тўрт сура, олти минг икки юз йигирма олти оятдан иборат.



Унда неча сўз ва ҳарф бор?

Етмиш етти минг тўрт юз ўттиз тўққиз сўз, уч юз йигирма беш минг уч юз қирқ уч ҳарф бор.

ТАҚДИР ВА ҚАЗО



Тақдирнинг маъноси нима?

Оламда ҳар бир бўлган, бўладиган ва бўлиши тайин қилиб қўйилган ўлчовдир.



Қазонинг маъноси нима?

Тайин қилинган ишнинг бажарилишидир.



Оламда бўладиган нарсалар ва қилинадиган ишларнинг муддати аввалдан белгиланадими?

Албатта. Ҳар бир ишнинг қачон, қай тарзда, қандай сабаблар билан қилиниши ва муддати аввалдан белгилаб қўйилади. Улар «Лавҳул Маҳфуз»да ёзиб қўйилган.



«Лавҳул Маҳфуз» нима?

«Лавҳул Маҳфуз» осмонлар устидаги китобсимон мавжудликлардир.



Бандаларнинг савоб олишлари ёки гуноҳга ботишлари «Лавҳул Маҳфуз»да битилганми?

Албатта.



Одамлар «Лавҳул Маҳфузда»да ёзилгани туфайли савобга ботади ёинки гуноҳкор бўладими?

Ундай эмас. Бу нарсани Аллоҳ таоло Ўзининг азалий илми билан билади. Яъни, бирор банда агар ўз ихтиёрига қўйилса, қандай амалларни қилмоқлиги аввал-бошданок Аллоҳга маълум ва «Лавҳул Маҳфуз»га битилган.



«Лавҳул Маҳфуз»да аввалдан битилган экан-ку, деб бу дунёда тек юравериш, охиратга ҳозирлик кўрмасдан ётавериш, гуноҳ ишларни бот-бот қилавериш мумкин экан-да?

Ҳеч мумкин эмас! Ҳар бир банда қунт билан илм олиши, маърифат ўрганиши, ҳалол нон топиб ейиши, гуноҳлардан тўхташи лозим. Ҳар ишни тақдирга ҳавола қилиб, ўз ихтиёридаги ишларни тақдирга топшириб қўйиши маъқул эмас. Чунки

тақдир олий тушунча, Аллоҳ таоло белгилаб қўйган ўлчовдир. Аммо бу дунёда инсоннинг ўзига боғлиқ қилиб қўйилган жиҳатлар борки, бунга инсон ўзи ҳаракат қилиши керак.



Ажалнинг маъноси нима?

Берилган умр муҳлатининг тугаши.



Бирон офат ёки бошқа сабаб билан ўлган кишининг ажалини нима деб билмоқ лозим?

Улар ташқаридан қаралганда бирор сабаб билан ёки тасодифан ўлганга ўхшаб кўринса ҳам, аслида ажаллари етиб келгани туфайли қазо қилганлар. Чунки инсон умр муддати тугагани сабабли ҳам тасодиф ва бирор баҳонага йўлиқади.

БАНДАЛАРНИНГ ФЕЪЛ-АТВОРИ



Бандаларнинг феъли ким томонидан белгиланади?

Бандалар ўз феълларини ўзлари яратдилар. Аллоҳ таоло уларга куч-қувват, яъни бирор нарсани ихтиёр этмоққа кифоя қилгувчи ирода ва ихтиёр берган.



Аллоҳ таоло бандаларига яхши ва ёмон феълларни тақсимлаб берганми?

Албатта, банда қайси феъл-атворни ихтиёр қилса, Аллоҳ таоло унга ўша феълни раво кўради. Агар бирор киши ўз ихтиёри билан савоб ишни

қилмоқчи бўлса, Аллоҳ унга бу феълини бермоққа розидир. Агар гуноҳ феълни бандаси касб қилса, Аллоҳ таоло рози бўлмайди. Лекин синов муддати-ни бўйнига қўйган ҳолда уни ўз ихтиёрига қўяди.



Банданинг феълини Аллоҳ белгилайдиган бўлса, бандалар бажарган юмушлари учун савоб ёки гуноҳ орттирадиларми?

Албатта, агар банда яхши феълни касб қилса, савоб олади, мабодо ёмон феълга йўлиқса, гуноҳкор бўлади. Чунки Аллоҳ таоло танлаш ихтиёрини бандаларнинг ўзларига берган.

ЗАМОННИНГ ОХИРИ



Замоннинг охир бўлиши маъноси нима?

Ушбу дунёнинг охирлаши ва тугашидир.



Замон тугашининг белгилари қандай?

Ер юзининг жами мавжудоти одамзот ва ҳайвонот, осмонда эса буткул фаришталар қирилиб ҳалок бўлиши замон охирининг асосий белгисидир.



Замон қай вақтда тугайди? Унга неча йил қолди?

Замоннинг қачон ва қай ҳолатда тугаши ёлғиз Аллоҳга аёндыр. Биз фақат шуни айта оламизки, ҳар куни ва ҳар лаҳзада қиёмат бўлишининг эҳтимоли бор.



Замон тугамасидан аввал унинг қандай аломатлари кўринади?

Замон тугамасидан аввал ер юзини фақат бир миллат вакиллари эгаллаб олади. Аммо Ислом давлатлари жуда заиф бўлади. Сўнгра ўша қудратли миллат ҳам заифлашади ва ўзга қавмнинг тасарруфига кириб кетади. Муслмонлар эса тараққийлашиб кетади. Сўнгра яна жамики одамлар ибодатсизликка мубтало бўладилар. Жабр ва зулм кўпаяди. Зилзила, ернинг чўкиши, шаҳарларни сув босиши ҳодисалари кўп бўлади. Вабога ўхшаш турли-туман дардлар ва дардмандлар кўпаяди. Туғилувчидан кўра ўлувчи кўп бўлади. Эркаклардан кўра аёлларнинг ҳисоби ортиқ келади. Баъзи элларда тўқлик, фаровонлик ортиб, баъзиларида қаттиқ очлик ҳукм суради. Машриқ тарафдан Яъжуж-Маъжуж қавми ер юзига тарқалади. Улар мағриб халқларининг устидан ғалаба қозониб, ўз ҳукмини, жабрини ўтказадилар. Сўнгра бир каззоб кўпчиликни ўзига тобе қилади, фосиқликни ўргатади. Унинг исми Дажжолдир. Дажжол халойиқни йўлдан оздириб юрган вақтида Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссаломнинг қизлари ҳазрати Фотима наслидан бўлмиш солиҳ зот халқни ваъз ва насиҳат билан фосиқлик ва имонсизликдан қайтариб, яхшилик ва одилликни тарғиб қилади ҳамда кўшин тўплаб Дажжол қавмига қарши жанг қилади. Ул зотнинг исмлари Маҳдийдир. Ўша вақтларда осмондан Исо алайҳиссалом ерга тушиб, ҳазрати Маҳдийга ёрдам беради. Ушбу урушда Дажжол ҳалок бўлади ва аскарларининг ҳам аксари қирилиб кетади. Қолганлари ҳазрати Исо билан Маҳдийга тобелikka ўтадилар. Ўша замонда Исо билан Маҳ-

дий адолатли ҳукумат ўрнатиб, бир неча йиллар осойишта яшайдилар. Эзгу ниятли кишилар кўпаяди. Хазина ва чорва моллари жуда баракали ва зиёда бўлади. Давлатмандлар кўпаяди. Ҳатто, закот ва садақа олувчи киши топилмайди: Сўнг яна кишилар имонсизлик ва гуноҳ томонга юзланадилар. Кейин эса ғарб томонда совуқ шамол кўзғалиб, мўмину мусулмонларни адо қилади. Ер юзида фақат имонсиз, гуноҳкор кишилар қолиб, ҳамма томонни булғалайдилар. Ва ниҳоят, Аллоҳ таолонинг ҳикмати билан қуёш тескаридан, яъни мағрибдан чиқади. Ушбу кун дунёнинг сўнгги кунидир. Ушбу кунгача тавба қилиб қолиш керак. Сўнг тавба-тазарруълар қабул этилмас. Ер юзини дуд босиб, ҳар тирик кишининг ҳуши йўқолур. Сўнг фаришта Исрофил сурни чалиб, жондорларнинг танасидан жони чиқишига кўмаклашади. Қаттиқ шамол туриб ер юзини харобага, даштга айлантиради. Аллоҳ таолодан ўзга бирор тирик нарса қолмас.

ҚИЁМАТ КУНИНИНГ ШАРҲИ



Дунё махлуқоти тамоман ҳалок бўлгандан сўнг нима бўлади?

Ундан сўнг қиёмат бошланади. Аллоҳ таоло одамларни қайтадан тирилтиради. Қабрлардаги ва бошқа жойлардаги ўликлар Аллоҳ таолонинг қудрати билан бир жойга йиғилиб, худди тирик вақтларидагидек тўпланишади. Сўнг Аллоҳ таоло Исрофил алайҳиссаломга сурни иккинчи мартаба чалмоқни амр қилади. Сўнг ҳар бир банда маҳшар майдонига жам бўлади.



Маҳшар майдони қанақа майдон?

У бандаларнинг ўтқинчи дунёда қилган амалларини ҳисоб ва тафтиш қиладиган жойдир.



Маҳшар майдонида қандай ишлар бўлади?

Ҳар бандага ўтқинчи дунёдаги амаллари ёзилган дафтар берилиб, у амалларининг ҳар бири ўзига маълум қилинади. Ва ҳар кимнинг амали тўғрилиқ, одиллик тарозиси билан ўлчаниб, жаннат ва дўзах аҳллари сараланади.



Маҳшарда бандаларнинг амалларини кимлар ҳисоб ва тафтиш қиладилар?

Аллоҳ таоло тарафидан буюрилган вакил фаришталар.



Ҳисоботдан сўнг бандалар қайси ерга боришади?

Жаҳаннам устига қурилган Сирот кўпригининг ёнига борадилар.



Сирот кўпригидан кимлар ўтмоққа қодир?

Ҳар бир солиҳ ва гуноҳлари кечирилган мўмин зотлар. Аммо ундан ўтолмаган гуноҳқорлар Сирот кўпригидан қулаб жаҳаннамга тушиб кетадилар.

ЖАННАТ ВА ЖАҲАННАМ



Жаннатнинг таърифи қандай?

Жаннат роҳат ва фароғатга тўла. Унда хушҳаво боғлар, зилол чашмалар, тил билан баён қилиб бўлмас афзалликлар бор.



Жаннатдаги энг мўъжизавий ва хайратланарли воқеа нима?

Жаннат аҳлининг Аллоҳ дийдорига етишмоғи. Аммо Аллоҳни биз қай тариқа, яъни қай кўз билан кўрмоғимиз маълум эмас.



Жаҳаннам қандай макон?

Жаҳаннам қабоҳат ва разолатга тўла азоблар маконидир. У жойда Забония исмли фаришталар кофирлар ва гуноҳкорларга аёвсиз жазо берадилар.



Жаннатга кимлар киради?

Бу ўткинчи дунёда Аллоҳ буюрган амалларни бажариб, у Зот таъқиқлаган ишлардан қайтган диёнатли ва гуноҳлари кечирилган мўмин бандалар киради.



Жаҳаннамга-чи?

Кофирлар ва фосиқлар.



Кишилар жаннатда доимий қоладиларми?

Жаннат аҳли боқий қолади ва унда қазою қадар йўқдир.



Жаҳаннамга кирганлар-чи?

Имонсиз кишилар жаҳаннамда доимий маҳбус бўлиб қоладилар. Уларга ўлим йўқ. Аммо гуноҳлари кечирилмасдан жаҳаннамга кирган осий мўминлар гуноҳлари миқдорича жазоланиб, сўнг дўзахдан чиқадилар ва жаннатга қайтиб, у жойда қоладилар.

ГУНОҲКОРЛАР



Ислом динига эътиқод қўйган ва лекин ўзини тута олмай, гуноҳ қилган кишилар мусулмонликдан чиқадими ёки йўқми?

Чикмайди. Аммо фосиқ ва гуноҳкор бўлади.



Гуноҳкорлар дўзах азобидан сақланиши эҳтимолми борми?

Аллоҳ таоло кечирган баъзи бандалар дўзахга эмас, жаннатга кириши мумкин.



Аллоҳ баъзи гуноҳларни кечирадими?

Агар хоҳласа.



Аллоҳ қайси гуноҳларни кечиради?

Ҳар қандай гуноҳни кечириш Аллоҳнинг ихтиёридадир. Аллоҳ одилдир. Яна чин ихлос билан тавба қилган кишиларнинг гуноҳидан кечишга Аллоҳ ваъда қилган.



Бевақт вафоти туфайли тавба қилмай ўтган мўминларнинг гуноҳлари кечирилиши мумкинми?

Пайғамбарларнинг ва бошқа солиҳ кишиларнинг шафоатлари сабаб бўлиб кўп кишиларнинг гуноҳи кечирилиши мумкин. Фарз ва вожиб амалларини қилгандан сўнг суннат амалларини қилган кишиларни Муҳаммад алайҳиссалом шафоат қиладилар.



Пайғамбарларнинг ва бошқа солиҳ кишиларнинг шафоатларидан маҳрум бўлган гуноҳкорларнинг ҳам гуноҳи кечириладими?

Аллоҳ кечиргувчи. Марҳамат ул Зотнинг ўзидан. Аммо Аллоҳнинг марҳаматига таяниб гуноҳ қилмоқ жоиз эмас. Чунки Аллоҳ қаҳрли ҳамдир.

ҲАЗРАТИ ОДАМ (А.С.) ВА ҲАВВО



Дунёда энг аввал ким яратилгандир?
Отамиз Одам (а.с.) ва онамиз ҳазрати Ҳавволар. Улар жамики одамзотнинг ота-оналаридир.

МУҲАММАД АЛАЙҲИССОЛАТУ ВАСАЛЛАМ



Муҳаммад алайҳиссалом қачон дунёга келганлар?
Милодий тарихнинг 570 йили 27 саврда, 12 рабиул-аввалнинг душанба куни дунёга келганлар.



Муҳаммад алайҳиссалом қаерда дунёга келганлар?

Осиёда. Арабистоннинг Макка номли шаҳрида дунёга келганлар. Эллик уч ёшгача Маккаи Мукаррамада, охириги ўн йил Мадина шаҳрида яшаганлар.



Ул зот неча ёшларида пайғамбар этиб сайландилар?

Қирқ ёшларида.



Унгача умрлари қай ҳолда кечди?

У зот ёшликлариданоқ ақлли, фаросатли ва диёнатли киши эдилар. У кишини бутун Макка аҳли иззат қиларди. Севиб «Муҳаммад ал-Амин» (ишончли Муҳаммад), дерди.



Пайғамбар бўлгунларича машғулотлари нима эди?

Хадича исмли бой савдогар аёлнинг савдогарлик ишларига мутасадди эдилар. Йигирма беш ёшларида ҳазрати Хадичага уйландилар.



Ҳазрати Хадича у пайтда неча ёшда эди?

Қирқ ёшда.



Исломгача Арабистон аҳли қайси динда эди?

Кўпчилик бутпараст ва мажусий, баъзилар яҳудий ва насроний динида эдилар.

Баъзилари ўзларини Иброҳим алайҳиссалом динида ҳисоблаб, унинг миллатиданмиз, деб айтар эдилар.



Муҳаммад алайҳиссаломнинг пайғамбарликлари қандай бошланган?

Муҳаммад алайҳиссалом қирқ ёшларида дунё ишларини тарк қилдилар. Ақлу эътиқод билан Аллоҳ таоло борлигини билдилар ва Маккаи Мукарраманинг четидаги Хиро тоғидаги ғорга бориб, Аллоҳга ибодат қилдилар. Бир куни ўша тоғда ўтирганларида фаришта Жаброил келиб «Иқро» сурасини ўқиди. Яна бир келганларида Аллоҳ таоло у зотни пайғамбар этиб тайинлаганини ва одамларни Ислом динига даъват қилмоғи учун элчи этиб сайлаганини сўзлади.



Сўнг нима бўлди?

Сўнг Аллоҳнинг расули халойиқни Ислом динига таклиф қила бошладилар.



Дастлаб кимлар имон келтирди?

Ҳазрати Абу Бакр Сиддиқ, хотинлардан Хадичаи Кубро, ёш болалардан ҳазрати Али (розияллоху анҳум).



Пайғамбар бўлганларидан сўнг Маккаи Мукаррамада неча йил турганлар?

Ўн уч йил. Сўнг Аллоҳнинг амри билан Мадина шаҳрига ҳижрат қилганлар. У зот билан бирга мусулмонлар ҳам ҳижрат қилишди. Биз Муҳаммад алайҳиссалом Маккадан Мадинага ҳижрат қил-

ганларидан бошлаб ҳижрий тарих, деб ҳисоб юригамиз.



Аллоҳнинг расули Мадинада бўлган вақтларида қайси ишлар юзага келди?

Шаҳар аҳолиси исломий ҳукм асосида умр кечира бошлади ва имонсиз халқларни Исломга киргизмоқ ва Ислом давлати яратмоқ учун курашди. Кофирларга қарши жанглар бўлди. 8-ҳижрий санада Макка ҳам мусулмонлар қўлига ўтди. 10-санада барча мусулмон аҳли Маккаи Мукаррамага ҳажга борди. Ушбу ҳаж вақтида Аллоҳ таолодан Каломи шарифнинг сўнгги оятлари нозил бўлди. Муҳаммад алайҳиссалом у оятларни айтиб Аллоҳ таолонинг каломи Қуръон ниҳоясига етганини ва Ислом динининг ҳукмлари бутунлай баён қилинганини сўзладилар, ўзларининг қазолари яқинлашаётганини айтиб, халойиққа ваъз-насихатлар қилдилар.



Муҳаммад алайҳиссалом неча ёшда қазо қилдилар?

Мадинаи Мунавварада ўн йил тургандан сўнг олтмиш уч ёшларида милодий 632 санада, ҳижрий 11 сананинг 12 рабиул-аввалида, душанба куни бақога сафар қилдилар.



Ул зотнинг қабрлари қаерда?

Мадинаи Мунаввара шаҳрида, Масжиди набавийнинг ичида махсус бир гумбазнинг остида. Ҳожилар Равзаи мутаҳаррага зиёратга келиб кетадилар.

МУҲАММАД АЛАЙҲИССАЛОМНИНГ МЎЪЖИЗАЛАРИ



Пайғамбаримиз Муҳаммад алай- ҳиссалом ҳам мўъжизалар кўрсат- ганмилар?

Ҳа. «Сийари набий» ва «Таворихи анбиё» китобларида бу ҳақда кўп баён қилинган. Биринчиси, кофирлар у кишини синамоқ учун мўъжиза сўрашганида, ойни икки бўлакка бўлиб кўрсатганлар. Ойнинг бир бўлаги тоғнинг бир томонида, иккинчи бўлаги бошқа томонида кўринган. Иккинчиси, Муҳаммад алайҳиссалом Абу Бакр Сиддиқ (р.а.) билан Маккадан Мадинага келганларида Абу Айюб Ансорий икки кишилик таом келтирганлар. Ўшанда Муҳаммад алайҳиссалом Абу Айюбга Мадина шаҳри улуғларини мажлисга чақиришни буюрганлар. Бир юз саксон киши йиғилган ва ҳаммалари таомни тановул қила бошлаганлар. Аммо мўъжиза туфайли таом сира камаймаган. Учинчиси, Худайбия саҳросида уруш пайти саҳобалар ташна бўлишади. Шунда Расули акрам алайҳиссалом дуо билан сув чиқарадилар. Жами аскарлар тўйиб сув ичадилар. Тўртинчиси, яна ўшандай ҳолатларнинг бирида Расули акрам алайҳиссалом ярим коса сувга бармоқларини соладилар ва косага сув тўлиб, етмиш-саксон киши у сувдан ичадилар. Бешинчиси, Набий алайҳиссалом уч юз кишилик мажлис чақирадилар. Бир кичик лаганда хурмо қўядилар, мажлис аҳли хурмодан қанча тановул қилса ҳам ҳеч тугамаган. Олтинчиси, Муҳаммад алайҳиссаломнинг олдиларига бир яхудий аёл заҳарланган гўшт келтирганида, гўшт: «Мен заҳарланганман», деган экан.

Еттинчиси, бир бўри, эчки ва туя Пайғамбаримизнинг мўъжизалари туфайли тилга кирган. Саккизинчиси, бир киши: «Пайғамбар эканлигингизга гувоҳингиз борми?» деб сўраганида, бир дарахт Расул алайҳиссаломнинг ёнларига келиб шаҳодат калимасини айтган ва қайтиб жойига бориб турган. Тўққизинчиси, Хандақда уруш пайти бир дона арпа нонига барака келиб, минг киши тўйган. Ўнинчиси, Хунайн урушида Расул алайҳиссалом душман қўшинига бир ҳовуч тупроқ сепганларида, уларнинг кўзларига тупроқ тўлиб, мағлубликка гирифтор бўлган эди. Ўн биринчиси, ул зот тасбеҳ ўгирганларида, тасбеҳ тошларидан «Субҳаналлоҳ», деган овоз эшитилган. Ўн иккинчиси, Муҳаммад алайҳиссалом қариндошларининг хайр-дуоларини қилиб турганларида, унинг деворларидан «Омин» деган овоз эшитилган. Ўн учинчиси, Муҳаммад алайҳиссалом жума куни суяниб хутба ўқийдиганлари хурмо ёғочидан айрилганларида, у ёғоч устун ғамгин йиғи овози чиқарган. Ўн тўрттинчиси, Муҳаммад алайҳиссаломнинг энг катта мўъжизалари Қуръони каримдир.



Муҳаммад алайҳиссаломнинг ота-боболари кимлар?

Оталари Абдуллоҳ, унинг отаси Абдулмуттолиб, унинг отаси Хошим, унинг отаси Абдуманнофдир. Оналари Омина Ваҳоб исмли кишининг қизидир.



Муҳаммад алайҳиссаломнинг дастлабки хотинлари ким?

Ҳазрати Хадичаи Кубро розияллоху анҳодир.



Муҳаммад алайҳиссаломнинг фарзандлари нечта эди?

Уч ўғил, тўрт қизлари бўлган. Ўғиллари Қосим, Иброҳим, Абдуллоҳ; қизлари Руқия, Зайнаб, Уммукулсум, Фотимадир.

САҲОБАЛАР



Муҳаммад алайҳиссаломнинг саҳобалари ким эди?

Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссалом билан бирга мўмин-мусулмонликда яшаган ва мўмин-мусулмонликда вафот қилган кишилардир. Ҳар қайсиларини биз дўст тутмоғимиз лозим.



Саҳобаларнинг энг афзали кимлар?

Ҳазрати Абу Бакр Сиддиқ, ҳазрати Умар ибн Хаттоб, ҳазрати Усмон ибн Аффон, ҳазрати Али Муртазо розияллоху анҳумлар. Ушбу тўрт саҳоба муҳтараму мукаррам чорёрлардир. Жамики мусулмонлар ушбу чорёрларнинг ҳар қайсиларини дўст тутмоғи лозим.

ХАЛИФАЛАР



Расул алайҳиссалом қазоларидан сўнг ким халифа бўлди?

Саҳобаларнинг кенгаши билан Абу Бакр Сиддиқ икки йилу уч ой халифа бўлди. Сўнг ҳазрати Умар ўн йилдан зиёдроқ халифа бўлди. Сўнг ҳазрати Усмон ўн йилга яқин халифалик қилди. Сўнг ҳазрати Али Муртазо тўрт йил халифа бўлди.

Ҳазрати Али вафотидан сўнг унинг ўғли Ҳасан олти ойга яқин халифа бўлди. Сўнг Ислом аҳли ичида фитна чиққач, фитна босилиши учун ҳазрати Муовия подшоҳлик тожини кийди.

АҲЛИ СУННА ВАЛ ЖАМОА



Расул алайҳиссаломнинг саҳобалари вафот этиб кетгач, Ислом аҳли эътиқодида неча фирқа юзага келди?

Етмиш уч фирқа. Аммо машхурлари учтадир: аҳли сунна вал жамоа фирқаси, шиа фирқаси, мўътазила фирқаси.



Ушбу уч фирқанинг (мазҳабнинг) энг тўғри йўлдагиси қайси?

Аҳли сунна вал жамоанинг эътиқоди ҳақдир.



Биз қайси мазҳабданмиз?

Биз аҳли сунна вал жамоа мазҳабиданмиз.



Унинг тариқати қандай?

Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссалом ва у кишининг саҳобалари қандай йўл тутган бўлса, дин ва шариат ҳукмларига қай тариқа эътиқод қўйган бўлса, аҳли сунна вал жамоа ҳам шу йўлдан боради.



Шианинг эътиқоди қай йўсиндадир?

Улар кўп масалада аҳли сунна вал жамоа билан ҳаммаслак бўлсалар-да,

жузъий ноўхшашликлари ҳам бўлади. Масалан, аҳли сунна вал жамоа Абу Бакр Сиддиқни халифа этиб сайлади. Аммо шиа мазҳабидагилар Расул алайҳиссаломдан сўнг халифаликка у кишининг қариндоши ҳазрати Али мустаҳиқ, дедилар. Орада келишмовчилик пайдо бўлди.



Мўътазила мазҳабининг йўли қандай?

Уларнинг ҳам ноўхшашлиги бор. Масалан, улар қабрда маййитнинг тирилмоғига ва савол этувчи фаришталар келишига, ўлган кишининг роҳат ё азоб кўрмоғига, Сирот кўпригига, Аллоҳ таоло жаннати кишиларга кўринмоғига ва яна бошқа шу каби масалаларга ишонмайдилар.



Аҳли сунна вал жамоа мазҳабидагиларнинг номланиши қандай?

Сунний.



Шиа фирқасидагиларнинг-чи?

Ший.



Мўътазила мазҳабидагиларнинг-чи?

Мўътазилий, деб аташади. Ўз ақлига таяниб, шариат ҳукмларига зоҳиран эътиқод қилмайдиганлар мўътазила қаторига киради.



Шиа ва мўътазила мазҳабидан бўлган киши мусулмонми ёки йўқми?

Ислом динининг ҳақлигига имон келтириб, қибла томонга қараб намоз ўқиганлари мусулмондир. Баъзи масалаларда хато эътиқод қилганлиги учун гуноҳқордир. Уларни бесабаб кофир дейиш яхши эмас. Чунки улар Аллоҳ таолонинг борлиги ва бирлигига ишонишади. Муҳаммад алайҳиссалом Аллоҳнинг ҳақ пайғамбари эканлигига, Каломи шарифга имон келтиришади.

ШАРИАТ ҲУКМЛАРИ



Шариат ҳукмлари нимадир?

Ислом динидаги эътиқод, ибодат ва маишат масалалари бўйича ҳукмлардир.



Шариат ҳукмлари қай ерларда баён қилинган?

Қуръон оятлари ва ҳадиси шарифларда.



Ҳадиси шариф нима?

Пайғамбаримизнинг муборак сўзлари.



Қуръони карим ва ҳадиси шарифда шариат ҳукмларини қандай билса бўлади?

Шариат ҳукмларини билиш учун мужтаҳид бўлмоқ даркор.

МУЖТАҲИД



Кимлар мужтаҳид дейилади?

Араб тилини мукаммал билган, оят-ҳадислардаги ҳикмат ва сирларни яхши биладиган кишига айтилади.



Мужтаҳид бўлмаган кишилар шариат ҳукмларини қандай билдилар?

Бир мужтаҳиднинг йўлига тобеъ бўлиб, ҳар масалада ундан маслаҳат сўрайди.



Бу қандай йўлдир?

Мужтаҳиднинг шариат ҳукмларида оят ва ҳадислардан ижтиҳод билан фикр қилиб англаган йўли, демакдир.



Машҳур мужтаҳидлар кимлар?

Абу Ҳанифа имом Аъзам Собит ибн Нуъмон раҳматуллоҳи алайҳ, имом Шофеъий Муҳаммад ибн Идрис раҳматуллоҳи алайҳ, имом Молик ибн Анас раҳматуллоҳи алайҳ, имом Аҳмад ибн Ҳанбал раҳматуллоҳи алайҳ.



Ушбу мужтаҳидларнинг мазҳаблари бир-бирига мувофиқми ёки қарама-қарши?

Кўп масалада мувофиқдир. Баъзи масалаларда эса келишишмайди. Масалан, имом Аъзам Абу Ҳанифа мазҳабида бадандан қон оқса, таҳорат бузилади. Имом Шофеъийда эса бузилмайди. Имом

Аъзам мазҳабида эркак киши аёлининг танини ушлаганида таҳорати бузилмайди. Имом Шофеъий мазҳабида бузилган ҳисобланади. Имом Аъзам мазҳабида гўшти ҳаром бўлган (чўчқадан бошқа) ҳайвонларнинг терилари ишланиш ва ошланиш билан пок бўлади. Имом Шофеъий мазҳабида пок бўлмайди. Ва яна тулки гўшти имом Аъзам мазҳабида ҳаромдир. Имом Шофеъий мазҳабида эса ҳалол. Шу каби масалаларда зиддиятлар бор.



Ушбу имомлар асли кимдир?

Улар комил, ақлли уламо ва тақводор зотлар эдилар. Ҳар қайсиси Қуръон оятлари ва ҳадисларни тўлиқ ўзларига сингиргандирлар.



Ушбу имомлардан қайси бирининг мазҳаби ҳақ?

Ҳар бир масалада имом Аъзам раҳматуллоҳи алайҳ мазҳаби ҳақдир. Бошқаларникида баъзан хато кўринади. Лекин зоҳиран хато дейилсада, ҳақ бўлиши ҳам мумкин.



Бизлар амалда ушбу мазҳабларнинг қайсисидамиз?

Имом Аъзам Абу Ҳанифа ҳазратларининг шариат ва тариқат ҳукмларига бўйсунамиз.



Имом Шофеъий, имом Молик ва имом Аҳмад ибн Ҳанбал мазҳабларида ҳам тарафдорлар борми?

Бор. Мусулмонларнинг кўпроғи имом Аъзам мазҳабидадирлар.



Имом Аъзамдан бошқа уч имомнинг мазҳабидагилар ҳам тўла мусулмонми?

Ҳа, тўла мусулмондирлар. Ҳар мазҳабнинг аҳли иккинчи мазҳабнинг аҳлини дўст билиши лозим.



Ушбу имомларнинг ҳаёт тарихи қандай?

Имом Аъзам Абу Ҳанифа ҳазратлари ҳижрий 80 санада туғилиб, 150 санада 70 ёшда вафот этганлар. Имом Шофеъий ҳазратлари 150 санада туғилиб, 204 санада 54 ёшда вафот этганлар. Имом Молик ҳазратлари 90 санада туғилиб, 179 санада 89 ёшда вафот этганлар. Имом Аҳмад ибн Ҳанбал ҳазратлари 164 санада туғилиб, 241 санада 77 ёшда вафот этганлар.

ИККИНЧИ ҚИСМ

ПОКЛИК

إِنَّ الْإِسْلَامَ نَظِيفٌ فَتَنْظَفُوا فَإِنَّهُ لَا يَدْخُلُ الْجَنَّةَ إِلَّا نَظِيفٌ

«Иннал Ислама назифун фатаназзофу фа иннаҳу ла йадхулул жанната илла назифун».

Маъноси: «Ислом покловчи диндир. Покланишга шошилинг, нопок киши жаннатга қўйилмас».

بُنَى الدِّينِ عَلَى النَّظَافَةِ

«Бунийадину ʼалан назофати».

Маъноси: «Ислом динининг пойдевори покликдир».

الطُّهُورُ شَطْرُ الْإِيمَانِ

«Аттухуру шатрул ийман».

Маъноси: «Поклик имондандир».

Ислом дини энг тўғри ва покиза, шаффоф диндир. Шунинг учун ҳам у бандаларга жисмоний ва маънавий тозаликни, кийим кийишдаги озодаликни, озиқланишдаги покизаликни амр этади. Айниқса, намоз чоғи бу поклик мукамал бўлмоғи лозим.

ТАҲОРАТ



Намозхон нималарга эътибор бермоғи лозим?

Тани, либоси, намоз ўқийдиган жойи ҳар хил ифлосликлардан холи бўлиши лозим.



Таҳоратнинг йўл-йўриқлари қандай?

Таҳоратда саккиз тартиб бор: 1. Дастлаб тоза сув билан аврат ювилади. 2. Қўл ювилади. 3. Оғиз уч марта чайилади. 4. Бурунга уч маротаба сув тортилиб, чайилади. 5. Юз уч бора ювилади. 6. Икки қўл тирсакларигача сув тортилиб ювилади, панжалар оралиғидан сув юргизилади. 7. Икки қўл ҳўлланиб, аввал бошга, сўнг икки қулоққа, ундан сўнг гарданга масҳ тортилади. 8. Аввал ўнг оёқ, сўнг чап оёқ тўпикларигача ювилади. Бу пайтда оёқ панжалари ҳам покланиши мустаҳабдир. Агар маҳси ёки этик кийиб юрилган бўлса, панжалари ҳўлланиб, уч бармоқ баробарида уларга масҳ тортилади. Лекин ўрганишнинг энг яхши йўли ўрганувчи буларни амалда, устознинг кўмагида ўрганмоғидир.

ТАҲОРАТ ФАРЗЛАРИ



Таҳорат фарзлари нечта?

Тўртта: юзни ювмоқ, қўлни ювмоқ, бошни ҳўлламоқ, оёқни покламоқ.



Юз ювиш тартиблари қандай?

Юзнинг пешонадан ияккача бўлган очиқ қисми ювилиши лозим. Соқол-мўйловларга масҳ тортилади.



Қўлларнинг ювилиш тартиблари қандай?

Панжалар учидан тирсаккача, тирсак ҳам, тирноқлар ораси ҳам ювилади.



Бошнинг ҳўлланиш тартиби қандай?

Бошнинг сочли қисмининг тўртдан бирига масҳ тортилиши фарз, ҳам-масига масҳ тортиш суннат.



Оёқнинг қанчаси ювилади?

Панжадан тўпикқача, сўнг тўпикнинг ўзи ҳам.



Оёқларда маҳси ёки этик бўлган ҳолда-чи?

Таҳорат кетмасидан олдин кийилган бўлса, масҳ тортилади.

ТАҲОРАТ СУННАТЛАРИ



Таҳоратнинг суннати нечта?

Ўн саккизта: 1. «Бисмиллаҳир роҳман-нир роҳим», деб бошламоқ. 2. Таҳорат қилишни дилга тугмоқ. 3. Қўлни ювмоқ. 4. Тишни мисвок ёки қўл билан ювмоқ. 5. Ўнг қўлга уч марта сув олиб оғиз чаймоқ. 6. Ўнг қўлга уч марта сув олиб бурунни ювмоқ. 7. Қош, мўйлов ва лаб остига сув етказмоқ. 8. Соқол ораларига панжа уриб ишқаламоқ. 9. Оёқ панжаларига қўл панжалари билан сув етказиб чоғиштирмақ. 10. Юз, қўл ва оёқни уч мартадан ювмоқ. 11. Ўнг қўлни чап қўлдан, ўнг оёқни чап

оёқдан илгари ювмоқ. 12. Бошга масҳ тортганда пешонадан бошламоқ. 13. Бошнинг сочли жойининг ҳаммасини ҳўлламоқ. 14. Кўрсаткич бармоқ билан қулоқ ичига масҳ тортмоқ, бош бармоқ билан эса қулоқ ташқарисига масҳ тортмоқ. 15. Икки қўлнинг орт тарафи билан гарданга масҳ тортмоқ. 16. Таҳоратнинг барча фарзларини ўрнига қўймоқ. 17. Таҳорат орасида бошқа амаллар билан машғул бўлмаслик. 18. Қўл ва оёқни ювганда панжа учидан бошламоқ.

ТАҲОРАТНИНГ МУСТАҲАБЛАРИ



Таҳорат қай тарзда қилинса, мустаҳаб бўлади?

Таҳорат қилишда беш иш мустаҳабдир: либосларга сув сачрамаслиги учун баландда туриш; қиблага қараб ўтириш; таҳорат сувини ўзи ҳозирлаш; таҳорат чоғи дуода бўлиш; таҳорат чоғи тобеъ ва сертавозеъ туриш.

ТАҲОРАТ ДУОЛАРИ



Таҳорат бошланиб, икки қўл ювилаётганда қайси дуо ўқилади?

Ушбу дуо ўқилади:

الْحَمْدُ لِلَّهِ الَّذِي جَعَلَ الْمَاءَ طَهُورًا وَالْإِسْلَامَ نُورًا

«Алҳамду лиллаҳиллази жаъалал маа таҳуран вал ислама нуран».

Маъноси: «Сувни ҳам, Ислом динини ҳам поклик манбаи қилиб яратган Аллоҳга ҳамд бўлсин».

Оғиз чайилаётганда ушбу дуо ўқилади:

اللَّهُمَّ طَهِّرْ نَفْسِي وَاسْقِنِي مِنْ حَوْضِ نَبِيِّكَ

«Аллоҳумма тоҳҳир накҳати васқини мин ҳавзи набиййика».

Маъноси: «Илоҳим, оғзимни пок қил, Пайғамбар ичган «Ҳавзи кавсар» сувидан ичишни насиб эт».

Бурунга сув тортилаётганда ушбу дуо ўқилади:

اللَّهُمَّ أَرِحْنِي رَائِحَةَ الْجَنَّةِ وَلَا تُرْحِنِي رَائِحَةَ النَّارِ

«Аллоҳумма ариҳни роиҳатал жаннати ва ла туриҳни роиҳатан-нари».

Маъноси: «Илоҳим, жаннат ҳидидан баҳраманд эт, дўзах исидан нари тут».

Юз ювилаётганда ушбу дуо ўқилади:

اللَّهُمَّ بَيِّضْ وَجْهِي بِنُورِكَ يَوْمَ تَبْيِضُ وُجُوهُ أَوْلِيَاءِكَ وَلَا تُسَوِّدْ

وَجْهِي يَوْمَ تُسَوِّدُ وُجُوهُ أَعْدَائِكَ

«Аллоҳумма баййиз важҳи би нурика йавма табйаззу вужуху авлияика ва ла тусаввид важҳи йавма тасвадду вужуху аъдоик».

Маъноси: «Илоҳим, сеvimли бандаларинг юзлари пок ҳолатда турувчи куни менинг юзимни ҳам ёруғ қил. Гуноҳкорлар юзи қора бўлғувчи кундан асрагил».

Ўнг қўл ювилаётганда ушбу дуо ўқилади:

اللَّهُمَّ أَعْطِنِي كِتَابِي بِيَمِينِي وَحَسَابِي حِسَابًا يَسِيرًا

«Аллоҳумма аътини китаби бийамини ва ҳосибни ҳисабан йасирон».

Маъноси: «Илоҳим, қиёмат куни амалларим ёзилган дафтарни ўнг тарафимдан бериб, ҳисобимни енгиллатгин».

Чап қўл ювилаётганда ушбу дуо ўқилади:

اللَّهُمَّ لَا تُعْطِنِي كِتَابِي بِشِمَالِي وَلَا مِنْ وَرَاءِ ظَهْرِي وَلَا تَحَاسِبْنِي
حِسَابًا شَدِيدًا

«Аллоҳумма ла туътини китаби бишимали ва ла мин варои зоҳри ва ла тухосибни ҳисабан шадидан».

Маъноси: «Илоҳим, амаллар ёзилган дафтарни чапимдан ҳам, ортимдан ҳам бермагил, қаттиқ ҳисоб-китоб қилмагил».

Бошга масҳ тортилаётганда ушбу дуо ўқилади:

اللَّهُمَّ غَشِّنِي بِرَحْمَتِكَ وَأَنْزِلْ عَلَيَّ مِنْ بَرَكَاتِكَ

«Аллоҳумма ғашшини бироҳматика ва анзил ъалаййа мин барокатика».

Маъноси: «Илоҳим, Ўз раҳматинг билан бошимни силагин, устимга баракотларингни ёғдиргин».

Қулоққа масҳ тортилаётганда ушбу дуо ўқилади:

اللَّهُمَّ اجْعَلْنِي مِنَ الَّذِينَ يَسْتَمِعُونَ الْقَوْلَ فَيَتَّبِعُونَ أَحْسَنَهُ

«Аллоҳумма ижъални миналлазина йаста-миъунал қовла фаяттабиъуна аҳсанаҳу».

Маъноси: «Илоҳим, мени яхши сўзларга тобеъ қилгил ва эргаштиргил».

Бўйинга масҳ тортилганда ушбу дуо ўқилади:

اللَّهُمَّ أَعْتِقْ رَقَبَتِي مِنَ النَّارِ وَاحْفَظْنِي مِنَ السَّلَاسِلِ وَالْأَغْلَالِ

«Аллоҳумма аътиқ рақобати минан нари ваҳфазни минас салосили вал ағлоли».

Маъноси: «Илоҳим, мени дўзах азобидан асрагил ва занжирларда судрамагил».

Ўнг оёқ ювилаётганда ушбу дуо ўқилади:

اللَّهُمَّ ثَبِّتْ قَدَمِي عَلَى الصِّرَاطِ يَوْمَ تَزُلُّ فِيهِ الْأَقْدَامُ

«Аллоҳумма саббит қодамаййа ғалас сироти йавма тазиллу фиҳил ақдаму».

Маъноси: «Илоҳим, қиёматда оёқлар тойгувчи кунда оёқларимни тойдирмагил».

Чап оёқ ювилаётганда ушбу дуо ўқилади:

اللَّهُمَّ اجْعَلْ سَعْيِي مَشْكُورًا وَذَنْبِي مَغْفُورًا

«Аллоҳумма ижъал саъйи машкурон ва занби мағфурон».

Маъноси: «Илоҳим, қилган ишларимни савоб йўлига бургил ва гуноҳларимни авф этгил».

Таҳорат якунида ушбу дуо ўқилади:

اللَّهُمَّ اجْعَلْنِي مِنَ التَّوَّابِينَ الْمُتَطَهِّرِينَ وَاجْعَلْنِي مِنْ عِبَادِكَ الصَّالِحِينَ الَّذِينَ لَا خَوْفٌ عَلَيْهِمْ وَلَا هُمْ يَحْزَنُونَ

«Аллоҳумма ижъални минат-таввабинал мутатоҳҳирина важъални мин ъибадикас-солиҳиналлазина ла ховфун ғалайҳим ва ла ҳум йаҳзанун».

Маъноси: «Илоҳим, мени Ўз тарафингга юзланувчи покиза инсонлар сафига сол, қиёмат куни яхши бандаларинг қаторида қўллагил, азоблардан асрагил».

ТАҲОРАТДАГИ МАКРУҲ АМАЛЛАР



Таҳоратда қайси амаллар макруҳдир?

Улар саккиздадир: 1. Сувни кўп ишла-тиб, исроф қилмоқ. 2. Бурунни ўнг қўл билан ювмоқ. 3. Ювилаётган аъзоларни уч мартадан кўп ёки кам ювмоқ. 4. Бошга икки марта масҳ тортмоқ. 5. Юзга сувни қаттиқ чапламоқ. 6. Таҳорат қилганда бошқа кишини ишга солмоқ. 7. Таҳорат чоғи дунёвий сўзларни сўзламоқ. 8. Таҳорат чоғи сувга туфламоқ, унга бурунни қоқмоқ.

ТАҲОРАТНИ БУЗУВЧИ АМАЛЛАР



Нималар таҳоратни бузади?

Уларнинг сони ўн биттадир: 1. Орқа авратдан ел келиши. 2. Нажас чиқиши. 3. Бадандан қон, йиринг ёки сариқ сув оқиши. 4. Бурун ёки тишнинг қонаши. 5. Касаллиги сабабли кўздан қон ё йиринг ёш келиши. 6. Қон қусиш. 7. Оғиз тўлдириб таом қусиш. 8. Ётиб ёки суяниб ухлаш. 9. Девона бўлиш ёки хушдан кетиш. 10. Намоз чоғи овоз чиқариб кулиш. 11. Эр-хотин қўшилиши.

ТАҲОРАТСИЗ КИШИ



Таҳоратсиз киши Қуръони каримни ёки Аллоҳ таоло сўзлари ёзилган қоғозни ушлаши жоизми?

Йўқ, аммо муқовасини ушлаши мумкин.



Таҳоратсиз киши Қуръони карим оятларини ўзича ўқиши мумкинми?

Мумкин, лекин таяммум билан ўқиш ундан яхшироқдир.



Таҳоратсиз кишининг масжидга кириши, қабристонни зиёрат этиши мумкинми?

Мумкин.

МАҲСИ ЁКИ ЭТИККА МАСҲ ТОРТИШ



Этик ёки маҳси кийган киши таҳорат чоғи оёғини ювиши лозимми?

Йўқ. Масҳ тортилса, кифоя. Аммо маҳси ёки этик таҳорат билан кийилган бўлмоғи лозим.



Масҳ қандай тортилади?

Икки қўл панжалари яхшилаб сув-ланиб, бармоқ тарафдан тўпикқача уч марта бармоқ тортилади. Маҳси ёки этик юзи ҳам уч бармоқ кенглигида тозаланади.



Таҳорат билан кийилган маҳси ёки этикка неча кун масҳ тортилади?

Сафарда бўлмаган киши 24 соат, уч кундан ортиқ сафарда бўладиган киши 72 соат давомида масҳ тортиши мумкин.



Бу муддат маҳси кийилган пайтдан ҳисобланадими?

Йўқ, биринчи таҳорат бузилган пайтдан бошланади.



Маҳси ёки этикдан бошқа яна нималарга масҳ тортиш жоиз?

Кигизли этикка, қўнжли ковушга, маҳси устидан кийилган ковушга.



Мабодо маҳси ёки этик йиртилган бўлса-чи?

Улар жамланганда уч бармоқ катталигидан катта бўлса жоиз эмас, кам бўлса жоиз.



Йиртиқлар кичик-кичик, икки-учта бўлса-чи?

Улар жамланганда уч бармоқ катталигидан катта бўлса, янгидан таҳорат қилинади.



Агар тешиклари тўпиқнинг юқорисида бўлса-чи?

Масҳ тортилади.



Маҳсига қачон масҳ тортиб бўлмайди?

Маҳси ўз хизматини бажара олмайдиган ва товон қўнжининг юқорисига чиқиб кетган бўлса.



Агар таҳорат кетмасдан маҳсилар алмаштирилса, яъни ечилиб бироз муддатдан сўнг кийилса, таҳорат бузилиб, оёқ ювиладими?

Йўқ.

ҒУСЛ

**Ғуслнинг маъноси нима?**

Бутун баданни ювиш.

**Ғусл қай тариқа қилинади?**

1. Аввало, истинжо қилинади. 2. Сўнг қўл ювилади. 3. Таҳорат қилинади (бундан фақат оёқ ювилиши мустасно). 4. Ундан сўнг бошга, сўнгра ўнг елкага, сўнгра таннинг бошқа аъзоларига сув етказилиб, ҳамма жой ювилади. 5. Сўнг яна икки марта шу тариқа ювинилади. 6. Якунда оёқ ювилади.

**Ғусл таҳорат ўрнига ўтадимми?**

Ўтади.

**Ғуслнинг фарзи нечта?**

Учта: 1. Оғизга сув солиб ғарғара қилиш. 2. Бурун ичини ювиш. 3. Баданнинг ҳамма жойини ювиш.

**Ғуслнинг суннатлари нечта?**

Ўнта: 1. Истинжо қилиш. 2. Нажас бор ерни ювиш. 3. Қўлни ювиш. 4. Ўн саккизта суннатга амал қилиб таҳорат қилиш. Лекин оёқлар ювилмай турилади. 5. Аввал бошга, сўнг ўнг елкага, сўнг тананинг қолган барча аъзоларига бир маротаба сув етказиб ювиш. 6. Қўл етган жами жойларни бир маротаба ишқалаб ювиш. 7. Ҳар бир

аъзога уч бора сув етказиш. 8. Ўнг тарафни чап тарафдан олдин ювиш. 9. Сувни кераклича сарфлаш. 10. Ғусл вақти қиблага олдини ўгирмаслик, яъни терс туриш лозим.



Соч ва соқолнинг ҳар бир толасига сув етказиш фарзми?

Эркакларга фарз. Аммо аёлларнинг соч остиларига сув етса, бас. Ўрилган сочларни ёйиш лозим эмас.

ҒУСЛНИНГ САБАБЛАРИ



Ғусл қачон лозим бўлади?

Уч ҳолда: 1. Жунуб бўлганда. 2. Аёлларда ҳайз қони келганда. 3. Нифос қони келганда.

ЖУНУБ



Жунуб деб қайси ҳолатга айтилади?

Жисмоний яқинлик қилса, уйқудан турган киши кўрпасида ё либосида маний ё мазий топса, бу ҳол жунуб, дейилади. Жунубдаги кишининг Куръон ўқиши, ёзиши, оят ёзилган диний китобларни ушлаши, масжидга кириши яхши эмас.



Жунуб ҳолатида овқатланса бўладими?

Қўл, оғиз, бурун ювилса, бўлади.



Жунубдан сўнг бироз вақт ўтказиб ювинса бўладими?

Тезроқ ювиниш мустаҳаб.



Икки-уч бор жунубда бўлиб, бир бор ювинса бўладими?

Бўлади.

ҲАЙЗ ВА НИФОС



Ҳайз нима?

Балоғатдаги қизлар ва аёллар бачадонидан ҳар ойда келадиган қон.



Бўйга етмаган қиздан, туғмас аёлдан, ҳомиладор аёлдан келган қон ҳайз ҳисобланадими?

Йўқ, улар истиҳоза қонидир.



Ҳайз неча кун келади?

Ҳар аёлда ҳар хил. Баъзиларида уч кун, баъзиларида ўн кунгача.



Нифос нима?

Аёллар тукқандан ёки бола тушгандан сўнг келадиган қон. Нифос хусусида ҳар аёлнинг мижози ҳар хил – баъзилариники бир соатда тўхтайтиди, баъзилариники қирқ кунгача давом этади. Қирқ кундан ошса, у истиҳоза қонидир.



Ҳайз ва нифос кўрган аёллар ҳукми қандай?

Намоз ўқимайдилар, рўза тутмайдилар, Қуръон ўқимайдилар, Қуръон ва оят ёзилган нарсаларни ушламайдилар, масжидга кирмайдилар, Каъба-туллоҳни тавоф қилмайдилар, киндикдан то тиззаларигача жойларидан баҳра олиб бўлмайди. Қон тугагач, ювинмоқлари фарз.



Хайз ё нифос кўрган аёллар Қуръоннинг муқоваси ё жилдидан уш-лашлари ва ҳар хил дуолар ўқишлари дуруст бўладими?

Дуруст бўлади.



Истиҳозадаги аёлларга қандай ҳукм бор?
Улар пок аёллар қиладиган жами амал-ни қилишга ҳақлидирлар.



Хайз ва нифосдаги аёллар намоз ва рўза қазосини кейинчалик бажа-радиларми?
Намоз қазолари кейинчалик ўқилмайди, лекин рўза қазоси кейинчалик тутилади.

УЗРЛИ ОДАМ



Бир киши хасталиги сабабли на-мознинг бошидан сўнгигача таҳо-ратини ушлаб туролмаса, унга қан-дай ҳукм бўлади?

У киши ҳар намоз ўқишиш оралиғида бир бор таҳорат қилиши лозим. Таҳорат қилиб, то намозга қадар ўзини тутиб туролмаса, қайта таҳорат қилмаса ҳам жоиз.



Узрли кишилар кимлар?

Бурни доимо қонаб юрувчи, кўзидан йирингли ёш доим келувчи, олдидан доим сийдик суви келувчи кишилар. Уларнинг ушбу аъзоларидан бошқа аъзолари таҳоратни синдирса, узрга ўтмайди.

ТАЯММУМ



Таҳорат ёки ғуслга сув топа олмаган киши нима қилади?

Таяммум қилади. Таяммумнинг баёни бундай: намоз ўқишга ният қилинади. Икки қўл кафтлари тоза тупроққа урилиб, ишқаланади, юзга суртилади. Худди сув билан таҳорат чоғидагидай иш тугилади, ҳатто бурун оралари, қошнинг остларига ҳам масҳ тортилади.



Таҳорат ва ғуслнинг таяммумдан фарқи борми?

Ҳар иккисининг амали бир хилдир.



Таяммумда нечта амал бор?

Тўртта: 1. Қилган таяммуми билан намоз ўқишни ният қилмоқ. 2. Қўл ишқаланган нарса ер жинсларидан бири бўлмоғи. 3. Ер жинсига қўлни уриб, юзга ишқаламоғи. 4. Бу ҳолатларни икки мартадан қайтармоғи.



Таяммумнинг суннати нечта?

Олтита: 1. «Бисмиллаҳир роҳманир роҳим», демоқ. 2. Бармоқларни очиб

кафтни урмоқ. 3. Қўл тупроққа урилгач, бир оз мударат қўлни тупроқ узра тутиб турмоқ. 4. Қўлларни аввал олдинга келтириб назар ташламоқ, сўнг юзга суртмоқ. 5. Аввал юзга, сўнг ўнг қўлга, сўнг чап қўлга масх тортмоқ. 6. Худди таҳоратдаги сингари бунда ҳам орага бошқа амалларни қўшмаслик.



Сув бўлса ҳам, таяммум қилишга қайси ҳолда рухсат бор?

Сув икки чақирим миқдорида йироқ бўлса; сув иллатли бўлса ёки ғоятда совуқ бўлиб, касал қиладиган бўлса; сувга таҳорат учун борадиган тақдирда ўзига ё мол-ҳолига хавф яқин бўлса; сув олишга идиши бўлмаса; мусофирликда бўлиб, суви фақат ичишга мўлжалланган бўлса, бу ҳоллардаги таяммум таҳорат ғусл ўрнида ўтади.



Намоз вақти бошланиб қолганда, таҳоратга вақт қолмай, таяммум қилинса бўладими?

Йўқ. Чунки намоз вақти ўтса ҳам, уни қазо қилиб ўқиш мумкин.



Ер жинсига нималар киради?

Ўтга тушса, ёнмайдиган, эримайдиган нарсалар киради. Масалан, тупроқ, чанг, қум, тош кабилар. Лекин улар тоза ҳолда бўлмоғи лозим.



Бир таяммум билан икки-уч вақт намоз ўқиш мумкинми?

Бузилгунча неча вақт намоз келса, ўқилавериши мумкин.



Таяммумни қайси амаллар синдиради?

Таҳоратни қайси амал синдирса, таяммумни ҳам ўша амал синдиради. Таҳорат қилишга етарли сув топилгач, қилинган таяммум ҳам синади.

НАЖОСАТ



Нажаслар неча тоифага бўлинади?

Икки тоифага. Бири оғир нажаслар (нажосати ғализа), иккинчиси енгил нажаслар (нажосати хафифа) тоифаларидир. Енгил нажасларга қарчиғай, лочин каби гўшти ҳаром паррандаларнинг тезаги; от, хўкиз, қўй каби ҳайвонларнинг сийдиги киради. Оғир нажасларга одамзот ахлати ва сийдиги; гўшти ҳалол ҳайвонларнинг тезаги; гўшти ҳаром ҳайвонларнинг тезаги ва сийдиги; тезаги бадбўй бўлган паррандалар тезаги; қусуқ, йиринг, ароқ, чўчка гўшти; шариатга номувофиқ сўйилган ҳайвонларнинг гўшти ва қони киради.



Тезаги бадбўй бўлмаган қушларнинг тезаги-чи?

Нажас эмас.



Сичқоннинг сийдиги ва тезаги-чи?

Сувга тушса, оғир эмас, либосга тегса, енгил нажас ҳисобланади.



Балиқ, бурга қони-чи?

Нажасга кирмайди.



Ўлган нарсанинг териси, жуни ҳалолми?

Чўчқадан бошқа ҳайвонларники ҳалол. Фақат у терилар ошланган бўлмоғи лозим. Шариятга мувофиқ «Бисмиллаҳ» деб сўйилган бўлса, ошланмаса ҳам, покдир.



Чўчқа териси-чи?

Чўчқа териси тугул, бутун бадани нажасдир. Ҳеч бир амал билан лоақал бирор аъзосини ҳам тозалаб бўлмайди.



Одам териси-чи?

Инсон муқаддас зотдир. Унинг тани ёки терисини емоқ, сақламоқ гуноҳ.

ПОКЛАНИШ



Маҳси, этикка ўхшаш чарм пойафзалларга нажас теккан бўлса, қандай тозаланади?

Агар тезак қаттиқ бўлса, ерга ишқаланади, суюқ бўлса, сувда ювилади.



Либосга маний теккан бўлса-чи?

Қуриган бўлса, уқаланади, суюқ бўлса, бошқа амаллардаги каби уч марта сувга чайилади.



Либосга нажас тегиб, унинг қаерга текканлиги билинмай қолса ёки хотирадан чалкаштириб қўйса, киши нима қилиши керак?

Гумондаги жойни ўша гумоннинг катталигича ювилса бўлади.

КУДУҚНИНГ ТОЗАЛАНИШИ



Агар кудуққа нажас тушса, қай тариқа тозаланади?

Кудуқдаги жами сув олиб ташланади.



Агар ҳаммасини олиб бўлмаса-чи?

Кудуқда жами сув миқдорича сув олиб ташланади, ердан янги сизиб қўшилган сув ҳисобга кирмайди.



Агар кудуққа бир ҳайвон тушиб ўлган бўлса-чи?

Агар ҳайвон жуссаси қўйниқидан катта бўлса, жами сув олиб ташланади. Агар товуқ, ғоз сингарилар бўлса, қирқ челак сув олиб ташланади. Агар олтмиш челак сув олиб ташланса, мустаҳабдир. Агар чумчуқ, мусича сингарилар бўлса, йигирма челак миқдорида сув олиб ташланади, қўшимча яна ўн челак олиб ташласа, мустаҳабдир. Челакнинг катталиги ўртача бўлмоғи лозим.



Агар кудуққа нажас тушган бўлиб, шу сувдан таҳорат қилинса, сўнгра сувнинг ифлос эканлиги англаб қолинса, нима қилмоқ керак?

Қайтадан таҳорат қилиниб, қайтадан намоз ўқилади. Ювилган жойлар қайтадан ювилади, мабодо сув ичилган бўлса, истиғфор айтилади.



Агар қудуқда ҳайвон ўлган бўлсаю қачон қудуққа тушиб бўкканлиги ноаниқ бўлса, сув қайси кундан ифлос деб тахминланади?

Агар ўша ҳайвон шишган бўлса, қудуқ уч кеча-кундуздан бери ифлос деб, агар шишмаган бўлса, бир кеча-кундуз деб ҳукм қилинади.

ИСТИБРО ВА ИСТИНЖО



Ҳожатхонага қай тариқа кирилади?
Аввал чап оёқ, сўнг ўнг оёқ қўйилади. Чиққанда аввал ўнг оёқда чиқилади. Ҳожатга ўтирганда қиблага рўбарў ўтирилмайди, ортини ҳам ўгирмайди, қиблага чап ённи қилиб ўтирилади; аврати ва ахлатига қарамайди. Ҳожати битгач, ҳожатхонани тезда тарк этади.



Очиқ жойда қай тариқа ўтирилади?
Қиблага, офтобга, ойга, шамолга қараб ўтирилмайди.



Чўнтакда, сумкада диний китоблар бўлса, илож йўқлигидан ҳожатхонага бирга олиб кирилса бўладими?

Олиб кирилмаса, мустаҳаб бўлади.



Хожатдан сўнг нима қилинади?

Истинжо, яъни ахлат чиққан жой кесак ё тош билан артилади, сўнг ювилади.

Бу амал суннат ва мустаҳабдир.



Истинжо ва истибро қайси қўл билан қилинади?

Чап қўл билан. Ўнг қўлда қилиш макруҳдир.



Суяк, ҳайвон тезаги ё қоғоз билан истинжо қилиш мумкинми?

Йўқ, макруҳдир.



Ювилиш тартиби қандай?

Кўнгил қарор топгунча ювилса кифоя. Авратдан елнинг ўзи келган бўлса,

ювилмаса ҳам бўлади.

ТОЗА СУВ



Қайси сув таҳоратга лойиқ?

Асосан, оқар сувлар. Агар уларга тоза нарса қўшилсаю сувнинг тозалик табиати бузилмаса, лойиқ. Масалан, лойқа сув. Бироқ айрон, сирка, шарбат қўшилса, жоиз эмас. Шунингдек, тарвуз сувига ҳам таҳорат лойиқ эмас, лекин либосни артса бўлади.



Нажас аралашган сувга таҳорат қилиш мумкинми?

Оқар сув бўлса, кенглиги қирқ метр, чуқурлиги ярим қарич ҳовуз ёки кўл бўлса, мумкин. Аммо бу шартларга мувофиқ келмаса, мумкин эмас.



Одам ичган сувнинг қолгани тозага ўтадими?

Ўтади, аммо оғизда ароқ асорати бўлса, ўтмайди.



Гўшти ҳалол ҳайвонлар ичган сувга таҳорат қилса бўладими?

Ҳа. Лекин йиртқич ҳайвонлар ичган сувга таҳорат қилиб бўлмайди. Товуқ ва қарчиғай ичган сув тозага ўтади, лекин таҳорат қилмоқ макруҳ.

АВРАТ АЪЗОЛАР



Намоз пайти қандай кийимда бўлиш лозим?

Намоз пайти аврат аъзолар либосда бўлмоғи фарз. Аврат жойларга эркак кишининг тиззасидан то киндигигача киради. Бу жойлар берк бўлмаса, намозга туриш яхши эмас.



Аёл кишининг қай ерлари аврат ҳисобланади?

Агар аёл бировнинг чўриси бўлмаса, икки қўл кафти, икки оёқ кафти ва юзидан бошқа ҳамма жойи намоз пайтида беркитилмоғи лозим.

Агар аёл чўри бўлса, киндигидан то тиззасигача аврат жойи ҳисобланади. Лекин у қорни ва белини ҳам беркитса, яхши бўлади.



Аврат жойларнинг қанчаси очилса, намоз ўқилмас?

Аврат жойларнинг тўртдан бири очилса, намоз ўқиш яхши эмас.



Либослар ифлос бўлса, ювмоққа сув бўлмаса, намоз мумкинми?

Либос ифлос бўлса ҳам, ўқилади, бироқ либос бўла туриб яланғоч намоз ўқилмайди.



Либос топилмаса, қандай қилиб намоз ўқилади?

Ул вақтда ўтириб, аврат ва ғализасини қўл билан беркитиб, имо-ишора билан ибодат қилмоқ мустаҳабдир. Баъзан туриб ўқиш ҳам жоиз.

УЧИНЧИ ҚИСМ

НАМОЗ ЎҚИШ ҚОИДАЛАРИ

Ояти карима:

﴿۱۳﴾ إِنَّ الصَّلَاةَ كَانَتْ عَلَى الْمُؤْمِنِينَ كِتَابًا مَّوْقُوتًا

«Иннас солата канат ʔалал муъминина китабан мавқутан».

Маъноси: «Мўминлар намозни ўз вақтида ўқишлари фарз қилинди».

Ҳадиси шарифлар:

الصَّلَوَاتُ الْخَمْسُ يَمْحُو اللَّهُ بِهِنَّ الْخَطَايَا

Маъноси: «Мўминлар беш вақт намозни қанда қилмаганлари сабабли ҳам Аллоҳ уларнинг гуноҳларини кечиради».

الصَّلَوَاتُ الْخَمْسُ، وَالْجُمُعَةُ إِلَى الْجُمُعَةِ كَفَّارَةٌ لِمَا بَيْنَهُنَّ مَا اجْتَبَتِ الْكِبَائِرُ

Маъноси: «Агар мўмин банда катта гуноҳ қилмай, беш вақт намозни қанда қилмаса, Аллоҳ унинг у жумадан бу жумагача қилган кичик гуноҳларини кечиради».



Намоз нимадир?

Банданинг Аллоҳга жисму жони билан ибодатидир.



Намоз бир кунда неча марта ўқилади?

Беш маҳал: бомдод, пешин, аср, шом, хуфтон, жума куни пешинда жума намози ўқилади.



Вожиб намози қайсилар?

Рамазон ҳамда Қурбон ҳайитлари ва хуфтондан кейинги витр намозлари.



Суннат намози қайсилар?

Рамазон ойидаги хуфтон намозининг суннатида сўнг тарових ўқимоқ суннатдир.



Яна қандай намоз одатлари бор?

Яна нафл ибодатларини қилмоқ мустаҳабдир. Шунингдек, маййит учун жаноза ўқиш фарзи кифоядир.



Фарзи кифоя нима?

Бир киши ўқиса, эшитиб турганларга ҳам кифоя қилувчи тиловатдир.

НАМОЗ ШАРТЛАРИ



Намоз ўқиш учун қандай шартлар қўйилади?

Киши пок бўлиши, тани ва либоси тоза бўлиши, таҳоратли бўлиши, намозгоҳи озода бўлиши, намозни ўз белгиланган вақтида ўқиши, қиблага қарashi, дилдан ният қилишлари намознинг ташқи шартларидир.

НАМОЗ ВАҚТЛАРИ



Намоз вақти келмасидан ибодат қилиш мумкинми?

Йўқ, чунки у фарз намозга ўтмайди.



Тонги намоз вақти қачон?

Уфқ ёришгандан то қуёш чиққунча бўлган вақт.



Пешин намози вақти қачон?

Қуёш заволга кетгандан то аср вақтигача.



Аср вақти қачон?

Одам сояси икки баробар узайгандан то қуёш ботгунчадир.



Шом вақти қачон?

Қуёш ботгандан то уфқ йўқолгунча.



Хуфтон вақти қачон?

Уфқ кўздан йўқолгандан то тонг оқаргунча.



Витр ва таровиҳ вақтлари қачон?

Хуфтон намозининг сўнггидан то тонггача.



Жума намози қай пайтда келади?
Жума куни пешинда.



Ҳайит намозларининг пайти-чи?
Қуёш кўтарилгандан то ботгунгача.



Нафл ва жаноза қачон ўқилади?
Нафл намози кишининг эҳтиёжига қараб исталган пайтда ўқилиши мумкин. Жаноза эса шароитга қараб, иложи бўлса, кундузи ўқилади.

МАКРУҲ ВАҚТЛАР



Қайси пайтда намоз ўқиш макруҳ?
Қуёш чиқаётган пайтда, қиёмга келганда, ботаётганда. Фақат аср намози ўқилмай қолган бўлса, бундан мустасно. Агар киши бомдоддан кечикиб намозни қуёш чиқаётганда ўқимоқчи бўлса, яхшиси бир оз кутиб тургани ва кун батамом чиқиб бўлгач, қазо қилиб ўқигани маъқул.



Киши аср намозини ўқиётганда офтоб бота бошласа, намози бузиладими?

Йўқ, аммо уч ракатини ўқиб тамом қилиши лозим.



Яна қайси пайтда намоз ўқиш макрух?

Имом хутба ўқиб турган пайтда ҳамда кундузи ҳайит намозидан олдин нафл ўқиш макрухдир.

ҚИБЛА

Намоз қибла тарафга қараб ўқилиши фарздир.



Қибла қайси тарафдир?

Арабистоннинг Макка шаҳрида муборак Байтуллоҳда жойлашган Каъба тараф қибладир. Каъба номли хонаи муборакнинг девор ва томлари қибла эмас, балки хонаи муборак бино қилинган замин қибладир. Шул сабаб, мабодо хонаи муборакнинг девор-томлари қуласа ҳам, у заминнинг қиблалиги абадий давом этаверади.

ҚИБЛАНИ АНИҚЛАМОҚ



Сахро каби овлоқ жойда киши қиблани билолмай қолса, сўрамоққа одам тополмаса, намозни қайси тарафга қараб ўқийди?

Киши қалби қайси тарафга қибла эканини англаб мойиллик билдирса, ўша тарафга қараб намоз ўқиса бўлади.



Агар кечаси бўлса, атрофда ҳеч бир нарса кўринмаса, қандай аниқлайди?

Агар булут бўлмаса, Олтин қозик юлдузини топиб, ўшандан аниқлайди. Олтин қозик юлдузи доим қуёш юрадиган тарафга муқобил ва қарши бўлиб, шимол тарафда туради. Офтоб юрар тарафни топгандан сўнгра чоғлаб қибла тарафни билса бўлади.



Шундай аниқлаб, бир тарафни қибла эътиқод қилиб намоз ўқишга киришса, намозни тамом қилмасдан бирор аломат туфайли қибланинг бошқа тарафда эканини англаб қолса, нима қилиш керак?

Намоз ўқиб турган ҳолда ўша тарафга айланиб ибодатини адо этиши лозим.



Бир неча киши қиблани тополмай, ҳар ким ўзича бир тарафни қибла деб, ҳамма бир тарафга қараб ибодат қилса, нима бўлади?

Ҳар ким ўзи мойил бўлган тарафга ёлғиз-ёлғиз ҳолда ибодат қилади.

НИЯТ



Намоз ўқишдан олдин намоз ўқишни ният қилиш шартми?

Дил билан ният қилиш фарз. Тил билан ҳам қайси намоз эканини айтиб ният қилиш мустаҳабдир. Имомга эргашган киши эргашувни ҳам ният қилиши лозим. Аммо ният тилда айтилиб, дилда айтилмаса, ният ҳисобга ўтмайди. Агар дилда бошқа намозни айтиб, тилда бошқасини айтиб юборса, дилда айтилгани ҳақиқийдир.



Беш вақт намозга қандай ният қилинади?

Ниятни ҳар ким ўз тилида қилса бўлади. Масалан, бундай: «Бомдод намозининг икки ракатли суннاتини муқаддас қиблам бўлмиш Каъба тарафга юзланиб ўқишни ният қилдим. Холис Аллоҳ учун». Қолган намозларда ҳам шундай. Фақат номи ҳамда неча ракатлиги ўзгариб туради, холос.

Агар имомнинг орқасида туриб ўқиладиган бўлса, ниятни бундай қилиш лозим, масалан: «Шом намозининг уч ракатли фарзини ушбу имомга эргашиб ўқишни ният қилдим. Қиблам бўлмиш муқаддас Каъба сари юзландим. Холис Аллоҳ учун». Фарз намозлардан бошқа намозларда «Аллоҳнинг Расулига эргашиб намоз ўқимоқни ният қилдим», дейилса ҳам бўлади.

АЗОН ВА ИҚОМАТ



Намоз ўқишдан аввал қайси амал суннат ҳисобланади?

Беш вақт фарз намозлари ва жума намози вақти кирганда азон айтиш ва фарзларни ўқишдан олдин иқомат айтиш суннатдир.



Намоз ўқиладиган ҳар бир жойда азон ва иқомат айтиш лозим бўладими?

Бир маҳалланинг масжидида айtilган азон ва иқомат бутун маҳалла учун кифоядир. Масжидда ўқигандан сўнг уйда намоз ўқувчи кишига азон ва

иқомат лозим эмас. Агар киши хонадони масжиддан узоқ бўлса, айтиш афзалдир.



Азон қандай айтилади?

Тўрт бора «Аллоҳу акбар» («Аллоҳ улуғдир»).

Икки бора «Ашҳаду анла илаҳа иллаллоҳ» («Гувоҳлик бераманки, Аллоҳдан бошқа илоҳ йўқ»).

Икки бора «Ашҳаду анна Муҳаммадар расулуллоҳ» («Гувоҳлик бераманки, Муҳаммад Аллоҳнинг пайғамбаридир»).

Икки бора «Ҳаййа ʔалас солаҳ» («Намозга келингиз»).

Икки бора «Ҳаййа ʔалал фалаҳ» («Нажотга келингиз»).

Икки бора «Аллоҳу акбар» ва охирида бир марта «Ла илаҳа иллаллоҳ» («Аллоҳдан ўзга илоҳ йўқ») калималари айтилади. Бомдод намозининг азонида «Ҳаййа ʔалал фалаҳ»дан сўнг икки марта «Ас-солату хойрум минан навм» («Намоз уйқудан афзал»), дея айтилади.

Иқомат ҳам азонга ўхшаш. Иқоматда «Ҳаййа ʔалал фалаҳ»дан сўнг икки марта «Қод қоматис солаҳ» («Намоз ўқишга қаддингизни ростланглар»), дейилади.

Яна бир фарқи иқомат азондан тезроқ айтилади. Муаззин иқоматда «Ҳаййа ʔалас солаҳ», деганда намозхонлар жойларидан туриб намозга ният қилмоқлари, «Қод қоматис солаҳ», деганда ўринларидан туриб, сафга тизилмоқлари мустаҳабдир.

АЗОННИНГ МУСТАҲАБЛАРИ



Азоннинг мустаҳаблари нималар?

Азон айтувчи таҳоратли бўлмоғи, қиблага қараб азон айтмоғи, ишорат бармоғини қулоғи ичига қўйиб турмоғи, азон калималарини аниқ, дона-дона айтмоғи, «Ҳаййа ʔалас солаҳ»ни ўнг тарафга, «Ҳаййа ʔалал фалаҳ»ни чап тарафга қараб айтмоғи мустаҳабдир. Азонни эшитган киши юришдан, иш қилишдан ва сўзлашишдан тўхтаб, азон калималарини такрорлаб турмоғи ҳам мустаҳабдир. Муаззин «Ҳаййа ʔалас-солаҳ», деганда, эшитгувчи «Ла ҳавла ва ла қуввата илла биллаҳил ʔалиййул ʔазийм» («Гуноҳ ишлардан қайтиш ва ибодатга қодир бўлиш фақат Аллоҳ таолодандир») дейиши ва «Ҳаййа ʔалал фалаҳ» дейилган муддатда «Маъша Аллоҳу кана ва маълам яша лам якун» («Аллоҳ хоҳлаган нарса бўлмай қолмас, Аллоҳ хоҳламаган нарса бўлмас») дейиши ҳам мустаҳабдир.



Кимлар азон ва иқомат айтса, макруҳ саналади?

Таҳоратсиз, жунубли, девона ва маст кишиларнинг азон ва иқомат айтишлари макруҳ. Хотинлар, балоғат ёшига етмаганлар, фосиқ кишиларнинг азон ва иқомат айтиши эса жоиз эмас.

АЗОН ДУОСИ



Азон айтилгандан сўнг муаззин ва эшитгувчи қайси дуони ўқийдилар?

Ушбу дуони ўқийдилар:

اللَّهُمَّ رَبَّ هَذِهِ الدَّعْوَةِ التَّامَّةِ وَالصَّلَاةِ الْقَائِمَةِ آتِ مُحَمَّدًا
الْوَسِيلَةَ وَالْفَضِيلَةَ وَالدَّرَجَةَ الرَّافِعَةَ الْعَالِيَةَ وَابْعَثْهُ مَقَامًا مَحْمُودًا
الَّذِي وَعَدْتَهُ وَارْزُقْنَا شَفَاعَتَهُ يَوْمَ الْقِيَامَةِ إِنَّكَ لَا تُخْلِفُ الْمِيعَادَ

«Аллоҳумма робба ҳазихид-даъватит тамма. Вассолатил-қоимати ати Муҳаммаданил-василата вал фазила. Вад-дарожатар-рофиъатал ʔолийа. Вабъасху мақомам-маҳмуданил-лазий ваъадтаҳ. Варзуқна шафаъатаху йавмал-қийамати иннака ла тухлифул мийъад».

Маъноси: «Эй ушбу комил азоннинг ва вақти кирган намознинг Соҳиби ва Хожаси! Муҳаммад алай-ҳиссаломга ёрдамчиликни, ортиқликни ва баланд даражани бергин ва уни Ўзинг ваъда қилган яхши ўринга ўтказгин, қиёмат кунида унинг бизга шафоати-ни насиб эт, албатта, Сен ваъдангга хилоф қилмайсан!»

НАМОЗ ЗИКРЛАРИ



Намозда нималар ўқилади?

Ушбу зикр ва суралар:

سُبْحَانَكَ اللَّهُمَّ وَبِحَمْدِكَ وَتَبَارَكَ اسْمُكَ وَتَعَالَى جَدُّكَ وَلَا إِلَهَ غَيْرُكَ

«Субҳонака аллоҳумма ва бихамдика ва табарокасмука ва таъала жаддука ва ла илаҳа ғойрук!»

Маъноси: «Илоҳим, Сени пок ният билан ёд қилурман, исминг муборак, мартабанг улуғдир, Сендан ўзга топинчим йўқ!»

أَعُوذُ بِاللَّهِ مِنَ الشَّيْطَانِ الرَّجِيمِ

«Аъзу биллаҳи минаш-шайтонир рожим».

«Раҳматдан узоқ шайтоннинг ёмонлигидан қочиб, Аллоҳга сиғинурмиз».

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ

«Бисмиллаҳир роҳманир роҳим».

«Меҳрибон ва раҳмли Аллоҳ номи билан бошлайман».

Сўнг «Фотиҳа» сураси ўқилади:

الْحَمْدُ لِلَّهِ رَبِّ الْعَالَمِينَ ﴿٢﴾ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ ﴿٣﴾
 مَلِكِ يَوْمِ الدِّينِ ﴿٤﴾ إِيَّاكَ نَعْبُدُ وَإِيَّاكَ نَسْتَعِينُ ﴿٥﴾
 أَهْدِنَا الصِّرَاطَ الْمُسْتَقِيمَ ﴿٦﴾ صِرَاطَ الَّذِينَ أَنْعَمْتَ عَلَيْهِمْ
 غَيْرِ الْمَغْضُوبِ عَلَيْهِمْ وَلَا الضَّالِّينَ ﴿٧﴾

«Алҳамду лиллаҳи роббил ʼаламин. Ар-роҳманир роҳим. Малики явмиддин. Ийяка наъбуду ва ийяка настаъин. Ихдинас-сиротол мустақим. Сиротол-лазийна анъамта ʼалайҳим. Ғойрил мағзуби ʼалайҳим валаззоллин».

Сўнг ушбу суралардан бири ўқилади:
«Ихлос» сураси:

قُلْ هُوَ اللَّهُ أَحَدٌ ① اللَّهُ الصَّمَدُ ② لَمْ يَكِدْ وَلَمْ
يُولَدْ ③ وَلَمْ يَكُنْ لَهُ كُفُوًا أَحَدٌ ④

«Кул ҳуваллоҳу аҳад, аллоҳус-сомад. Лам йалид ва лам йулад. Ва лам йакун лаҳу куфуван аҳад».

«Фалак» сураси:

قُلْ أَعُوذُ بِرَبِّ الْفَلَقِ ① مِنْ شَرِّ مَا خَلَقَ ② وَمِنْ شَرِّ
غَاسِقٍ إِذَا وَقَبَ ③ وَمِنْ شَرِّ النَّفَّاثَاتِ فِي الْعُقَدِ ④
وَمِنْ شَرِّ حَاسِدٍ إِذَا حَسَدَ ⑤

«Кул аъзузу бироббил фалак. Мин шарри ма холақ. Ва мин шарри ғосиқин иза вақоб. Ва мин шаррин-наффасати фил ъқоди. Ва мин шарри ҳасидин иза ҳасад».

«Нос» сураси:

قُلْ أَعُوذُ بِرَبِّ النَّاسِ ① مَلِكِ النَّاسِ ② إِلَهِ النَّاسِ
③ مِنْ شَرِّ الْوَسْوَاسِ الْخَنَّاسِ ④ الَّذِي يُوَسْوِسُ فِي
صُدُورِ النَّاسِ ⑤ مِنَ الْجِنَّةِ وَالنَّاسِ ⑥

«Кул аъзузу бироббин-наси, маликин-наси, илаҳиннас. Мин шаррил васвасил хоннас. Аллази йувасвису фи судурин-нас. Минал жиннати ван-нас».

Рукуъ тасбеҳи:

سُبْحَانَ رَبِّيَ الْعَظِيمِ

«Субҳана роббийал ʔазийм».

«Улуғ Парвардигоримнинг поклигини дилимга жо қилурман».

Сажда тасбеҳи:

سُبْحَانَ رَبِّيَ الْأَعْلَى

«Субҳана роббийал ʔала».

«Юксак мақомдаги Парвардигоримнинг поклигини такрорлаб сажда қилурман».

Ташахҳуд ўқилади:

التَّحِيَّاتُ لِلَّهِ وَالصَّلَوَاتُ وَالطَّيِّبَاتُ. السَّلَامُ عَلَيْكَ أَيُّهَا النَّبِيُّ
وَرَحْمَةُ اللَّهِ وَبَرَكَاتُهُ. السَّلَامُ عَلَيْنَا وَعَلَى عِبَادِ اللَّهِ الصَّالِحِينَ.
أَشْهَدُ أَنْ لَا إِلَهَ إِلَّا اللَّهُ وَأَشْهَدُ أَنَّ مُحَمَّدًا عَبْدُهُ وَرَسُولُهُ

«Аттаҳиййату лиллаҳи вас-солавату ват-тоййибат. Ассаламу ʔалайка аййуҳан набиййу ва роҳматуллоҳи ва барокатух! Ассаламу ʔалайна ва ʔала ʔибадиллаҳис-солиҳийн. Ашҳаду алла илаҳа иллаллоҳу ва ашҳаду анна Муҳаммадан ʔабдуҳу ва росулуҳ».

Маъноси: «Жисму жон ибодатлари ягона Аллоҳ учундир. Эй Пайғамбаримиз! Сенга Аллоҳнинг раҳмати ва баракалари бўлсин! Аллоҳ таолонинг ҳар бир бандасига, шунингдек, бизга ҳам саломлар бўлсин! Гувоҳлик бераманки, Аллоҳ ягона, Ундан ўзга илоҳ йўқ, яна гувоҳлик бераманки, Муҳаммад (алайҳиссалом) Аллоҳнинг бандаси ва элчисидир».

Салавот:

اللَّهُمَّ صَلِّ عَلَى مُحَمَّدٍ وَعَلَى آلِ مُحَمَّدٍ كَمَا صَلَّيْتَ عَلَى

إِبْرَاهِيمَ وَعَلَى آلِ إِبْرَاهِيمَ إِنَّكَ حَمِيدٌ مَّجِيدٌ. اللَّهُمَّ بَارِكْ عَلَى
 مُحَمَّدٍ وَعَلَى آلِ مُحَمَّدٍ كَمَا بَارَكْتَ عَلَى إِبْرَاهِيمَ وَعَلَى آلِ
 إِبْرَاهِيمَ إِنَّكَ حَمِيدٌ مَّجِيدٌ

«Аллоҳумма солли ъала Муҳаммадив ва ъала али Муҳаммад, кама соллайта ъала Иброҳийма ва ъала али Иброҳийм, иннака ҳамийдум-мажид. Аллоҳумма барик ъала Муҳаммадив ва ъала али Муҳаммад, кама барокта ъала Иброҳийма ва ъала али Иброҳийм, иннака ҳамийдум-мажид».

Маъноси: «Илоҳо, худди Иброҳим алайҳиссалом ва унинг қавмини раҳмат қилганингдек, Муҳаммад алайҳиссалом ва унинг қавмини ҳам раҳмат қилгин! Албатта, мақтовга лойиқ ва улўсан! Илоҳо, Иброҳим алайҳиссалом ва унинг қавмини муборак этганингдек, Муҳаммад алайҳиссалом ва унинг қавмини ҳам муборак этгин! Албатта, Сен мақтовга лойиқ ва улўсан!»

Дуо ояти:

رَبَّنَا إِنَّا فِي الدُّنْيَا حَسَنَةٌ وَفِي الْآخِرَةِ حَسَنَةٌ وَقِنَا
 عَذَابَ النَّارِ ﴿٢٠١﴾

«Роббана атина фид-дунйа ҳасанатан ва фил ахироти ҳасанатан ва қина ъазабан нар!»

Маъноси: «Эй Парвардигоримиз! Бизларга бу дунёда ва охиратда яхши неъматлар ато эт ва дўзах азобидан асра!»

Салом:

السَّلَامُ عَلَيْكُمْ وَرَحْمَةُ اللَّهِ

«Ассаламу ғалайкум ва раҳматуллоҳ».

«Сизларга Аллоҳ таолонинг саломи ва раҳмати бўлсин».

اللَّهُمَّ أَنْتَ السَّلَامُ وَمِنْكَ السَّلَامُ تَبَارَكْتَ يَا ذَا الْجَلَالِ وَالْإِكْرَامِ

«Аллоҳумма антас-саламу ва минкас-саламу, табарокта йа зал-жалали вал икром».

«Эй Аллоҳ, Сен ҳар бир балолардан сақлагин, эй катталиқ ва ҳурмат эгаси».

Қунут дуоси:

اللَّهُمَّ إِنَّا نَسْتَعِينُكَ، وَنَسْتَغْفِرُكَ، وَنُؤْمِنُ بِكَ، وَنَتَوَكَّلُ عَلَيْكَ،
وَنُثْنِي عَلَيْكَ الْحَمْدَ، نَشْكُرُكَ وَلَا نَكْفُرُكَ وَنُحْلَعُ وَنَتْرُكُ مَنْ
يَفْجُرُكَ. اللَّهُمَّ إِيَّاكَ نَعْبُدُ، وَلَكَ نُصَلِّي وَنَسْجُدُ، وَإِلَيْكَ
نَسْعَى وَنُحْفِدُ، نَرْجُو رَحْمَتَكَ وَنُخْشَى عَذَابَكَ، إِنَّ عَذَابَكَ
بِالْكَفَّارِ مُلْحِقٌ

«Аллоҳумма инна настаѐинука ва настағ-фирука. Ва нуѐмину бика ва натаваккалу ғалай-ка ва нусний ғалайкал хойр нашкурука ва ла накфурук! Ва нахлаѐу ва натруку май йафжурук. Аллоҳумма иййака наѐбуду ва лака нусоллий ва насжуду ва илайка насѐа ва наҳфиду. Наржу роҳматака ва нахша ѐзабака! Инна ѐзабака бил куффари мулҳиқ!»

Маъноси: «Илоҳо, биз Сенинг ёрдамингга муҳ-тожмиз, гуноҳларимизни афв этишингни сўраймиз! Сенга имон келтирурмиз! Сенга шукр қилурмиз ва сано айтурмиз! Неъматингга куфр келтирмасмиз ва Сенга гуноҳкор бўлган кимсаларни ташлаб, сенга

юзланурмиз! Эй Аллох, бизлар Сенгагина бандалик қилурмиз ва фақат Сенинг учун намоз ўқурмиз ва сажда қилурмиз ва ибодат қилиб яқинлашурмиз! Азобингдан қутқар! Албатта, Сенинг азобларинг чин кофирларгадир!»

ИККИ РАКАТЛИ НАМОЗ



Икки ракатли намозда қайси амаллар бор?

Икки ракатли намозда икки қиём (тик туриш), икки рукуъ (букилиш), тўрт сажда ва бир қаъда (ўтириш) бордир.



Икки ракатли намоз қандай ўқилади?

Аввало, ният қилинади. Сўнг икки қўлнинг бош бармоғи қулоқ юмшоғига теккизилиб такбир айтилади. Кейин икки қўлни бир-бирига боғлаб киндик остига (аёллар ва қизларда кўкрак устига) қўйилади ва Сано ўқилади. Санодан сўнг «Аъзузбиллаҳ» ва «Бисмиллаҳ»ни айтиб, Фотиҳа сураси ўқилади. «Омин», дегач, яна бир сура ўқилади-да, такбир айтиб, рукуъга борилади. Рукуъда уч марта рукуъ тасбеҳи айтилади. Рукуъдан **«Самиаллоҳу лиман ҳамидах, роббана лакал ҳамд»**, деб тик турилади ва яна такбир айтиб, икки марта саждага борилади. Ҳар иккала саждада ҳам уч мартадан сажда тасбеҳи айтилади. Такбир билан иккинчи ракатнинг қиёмига турилади. Иккинчи ракатнинг қиёмида қўллар боғланиб **«Бисмиллаҳ»**ни айтиб, Фотиҳа ва қўшимча бирор сура ўқилади. Яна аввалги ракатдагига ўхшаш рукуъга ва икки марта сажда-

га борилади. Иккинчи саждадан сўнг қаъдага ўтириб, шу ҳолда аввал «Ташаҳхуд», сўнгра «Салавот», дуо ояти ўқилади. Шундан кейин аввал ўнг томонга, сўнг чап тарафга салом берилади. Ушбу амаллар билан икки ракатли намоз тамом бўлади.

Бомдоднинг икки ракат суннати ва икки ракат фарзи, пешиннинг икки ракат суннати, шомнинг икки ракат суннати ва хуфтоннинг икки ракат суннати мана шундай тарзда ўқилади. Фарқ фақат ният қилишда қолади.

ТҮРТ РАКАТЛИ НАМОЗ БАЁНИ

Тўрт ракатли намозда тўрт қиём, тўрт рукуъ, саккиз сажда, икки қаъда бор. Аввалги икки ракатдан кейин биринчи қаъда ва тўртинчи ракатдан кейин яна бир қаъда бўлади.



Тўрт ракатли намоз қай тариқа ўқилади?

Тўрт ракатли намоз ҳам икки ракатли намозга ўхшайди. Фарқи шуки, икки ракат ўқиб, қаъдада «Ташаҳхуд»нинг ўзи ўқилади ва «Салавот» ўқилмай, учинчи ракатга турилади. Иккинчи қаъдада эса «Ташаҳхуд»дан сўнг «Салавот» ўқилади ва дуо қилиниб салом берилади. Агар тўрт ракатли намоз пешиннинг тўрт ракатли суннатига ўхшаш суннат намози бўлса, ҳар тўрт ракатида ҳам Фотиҳа сурасидан сўнг қўшимча бирор сура ўқилади. Пешин, аср ва хуфтон намозларининг фарзларига ўхшаш фарз намоз бўлса, унда Фотиҳа сурасидан сўнг аввалги икки ракатда қўшимча сура ўқилади, учинчи, тўртинчи ракатда сура қўшилмайди, яъни Фотиҳа сураси ўқилгандан сўнг рукуъ қилинади.



Уч ракатли намоз қай тариқа ўқилади?

Уч ракатли намозда ҳам икки қаъда бўлади. Бири аввалги икки ракатнинг охирида, иккинчиси учинчи ракатнинг охирида. Шом намози уч ракат фарзининг аввалги икки ракатида Фотиҳа сурасидан сўнг бирор сура ўқилади, аммо учинчи ракатида Фотиҳадан сўнг сура ўқилмайди.

Уч ракатли витр намозининг ҳар бир ракатида Фотиҳадан сўнг бир сура қўшимча қилинади ва учинчи ракатида қўшимча сурадан кейин «Аллоҳу Акбар», деб бош бармоқлар учи қулоқнинг юмшоғига теккизилиб, қайтадан яна боғланиб, «Бисмиллаҳ»ни айтиб Қунут дуоси ўқилади. Уни тамом қилгандан сўнг рукуъ, сажда ва қаъда билан намоз тамом қилинади.

АЁЛЛАР НАМОЗИ



Аёллар намози қандай фарқланади?

Эркаклар намозидан саккиз жойда фарқ қилади:

- 1) Такбирда аёллар қўлларини елкагача кўтардилар;
- 2) Қўл кўтарилган пайтда қўллар енг ичида бўлади;
- 3) Аёллар қўлларини кўкракларининг устига қўядилар;
- 4) Эркаклар рукуъда тиззаларини букмайдилар, балки ёзиб турадилар, аёллар озроқ букиб турадилар;

5) Эркаклар рукуъда тиззаларига суянган вақт-ларида қўл бармоқларини очиб турадилар, аёллар очмайдилар;

6) Саждада бўлган вақтда эркаклар билакларини ердан ва қовурғаларидан, қоринларини сонларидан ва ердан узоқ тутадилар, аммо хотинлар сонларини қоринларига ёпиштириб, йиғилиброқ сажда қиладилар;

7) Эркаклар қаъдада ўтирган ҳолларида оёқларини тик босиб, бармоқларини қиблага ўгириб турадилар, чап оёқларини ётқизиб, унинг устига ўтирадилар, аммо аёллар икки оёқларининг учларини ўнг тарафга қаратиб, чап думбаларини ерга теккизиб ўтирадилар;

8) Эркаклар фарз намозини азон ва иқомат айтиб жамоат бирла ўқийдилар, аёллар учун азон ва иқомат шарт эмас. Уларга намозни жамоат ва имом бирла ўқиш макруҳ.

ТАСБЕҲ ВА ДУО

Намоз тугагач, ушбу зикрлар ўқилади:

سُبْحَانَ اللَّهِ وَالْحَمْدُ لِلَّهِ وَلَا إِلَهَ إِلَّا اللَّهُ وَاللَّهُ أَكْبَرُ

«Субҳаналлоҳи валҳамду лиллаҳи ва ла илаҳа иллаллоҳу валлоҳу акбар».

Яъни, «Аллоҳни поклик ила ёд қилурман ва ҳамдларим Аллоҳга хосдир ҳамда Аллоҳ ягона ва буюқдир».

مَا شَاءَ اللَّهُ كَانَ، وَمَا لَمْ يَشَأْ لَمْ يَكُنْ

«Маша Аллоҳу кана ва ма лам йашаъ лам якун».

Яъни, «Аллоҳнинг марҳамати билангина гуноҳлардан юз ўгирмоғимиз ва ибодатга юзланмоғимиз мумкин, йўқса, мумкин эмас!»

اللَّهُ لَا إِلَهَ إِلَّا هُوَ الْحَيُّ الْقَيُّومُ لَا تَأْخُذُهُ سِنَّةٌ وَلَا نَوْمٌ لَهُ مَا فِي السَّمَوَاتِ وَمَا فِي الْأَرْضِ مَنْ ذَا الَّذِي يَشْفَعُ عِنْدَهُ إِلَّا بِإِذْنِهِ يَعْلَمُ مَا بَيْنَ أَيْدِيهِمْ وَمَا خَلْفَهُمْ وَلَا يُحِيطُونَ بِشَيْءٍ مِّنْ عِلْمِهِ إِلَّا بِمَا شَاءَ وَسِعَ كُرْسِيُّهُ السَّمَوَاتِ وَالْأَرْضَ وَلَا يَئُودُهُ حِفْظُهُمَا وَهُوَ الْعَلِيُّ الْعَظِيمُ

«Аллоҳу ла илаҳа иллаҳу алҳаййул қоййум. Ла таъхузуху синатув ва ла навм лаҳу ма фиссамавати ва ма фил арз. Ман заллази йашфаъу ьиндаҳу илла би изниҳи йаъламу ма байна айдиҳим ва ма холфаҳум ва ла йухитуна бишай'им мин ьилмиҳи илла бима ша'а васиъа курсиййухус самавати вал арзо вала йаудуху ҳифзухума ва хувал ьалиййул ьазийм».

Яъни, «Аллоҳдан ўзга ҳеч қандай тангри йўқ. Фақат Унинг Ўзи бордир. У тирик ва абадий тургувчидир. Уни на мудроқ, на уйқу олмайди. Самовот ва ердаги бор нарсалар Унингдир. Унинг ҳузурида ҳеч ким (бировни) Унинг изнисиз оклай олмайди. У уларнинг (барча одамларнинг) олдиларидаги ва орқаларидаги бор нарсани билади. Ва улар У зотнинг илмидан фақат Ўзи истаган нарсаларнигина биладилар. Унинг арши курсиси осмонлар ва ердан кенгдир. Ва Уни осмонлар ва ерни ҳифзу ҳимоятда сақлаб туриш қийнамайди. У энг юксак ва буюқдир».



Ушбу зикр-оятлар ўқилгандан сўнг қайси амал келади?

Ўттиз уч марта «Субҳаналлоҳ», ўттиз уч марта «Алҳамдулиллаҳ», ўттиз уч марта «Аллоҳу акбар» айтилади. Сўнг қўлларни кўкрак тўғрисиғача кўтариб ушбу дуо ўқилади.

اللَّهُمَّ تَقَبَّلْ مِنَّا صَلَاتَنَا وَصِيَامَنَا وَقِيَامَنَا وَقِرَائَتَنَا وَرُكُوعَنَا وَسُجُودَنَا
وَقُعُودَنَا وَتَسْبِيحَنَا وَتَهْلِيلَنَا وَتَحْشَعَنَا وَتَضَرُّعَنَا. اللَّهُمَّ مِمَّنْ
تَقْصِيرُنَا وَتَقَبَّلْ تَمَامَنَا وَاسْتَجِبْ دُعَائَنَا وَاعْفِرْ أَحْيَانًا وَارْحَمْ مَوْتَانَا
يَا مَوْلَانَا. اللَّهُمَّ تَقَبَّلْ مِنَّا هَذِهِ الصَّلَاةَ الْفَرُضَ مَعَ السُّنَّةِ مَعَ جَمِيعِ
نُقْصَانَاتِهَا بِفَضْلِكَ وَكَرَمِكَ وَلَا تَضْرِبْ بِهَا وُجُوهَنَا يَا إِلَهَ الْعَالَمِينَ
وَيَا خَيْرَ النَّاصِرِينَ تَوْفَقْنَا مُسْلِمِينَ وَأَلْحِقْنَا بِالصَّالِحِينَ وَصَلَّى اللَّهُ
تَعَالَى عَلَى خَيْرِ خَلْقِهِ مُحَمَّدٍ وَعَلَى آلِهِ وَأَصْحَابِهِ أَجْمَعِينَ

«Аллоҳумма тақоббал минна солатана ва сийамана ва қийамана ва қироатана ва рукуъана ва сужудана ва қуъудана ва тасбеҳана ва таҳлилана ва тахошшуъана ва тазорруъана. Аллоҳумма таммим тақсирона ва тақоббал тамамана вастажиб дуъа'ана вағфир аҳйана варҳам мавтана йа мавлана. Аллоҳумма тақоббал минна ҳазихис солатал фарзи маъас суннати маъа жамиъи нуқсонатиҳа бифазлика ва каромика ва ла тазриб биҳа вужуҳана. Йа илаҳал ъаламин ва йа хойрон насирин таваффа муслимина ва алҳиқна бис-солиҳин. Ва соллалоҳу таъала ъала хойри холқиҳи Муҳаммадин ва ъала алиҳи ва асҳабиҳи ажмаъин!»

Маъноси: «Илоҳо, бизларнинг намозимизни, қиёмимизни, рўзамизни, рукуъмизни, таҳлилимизни, тавозеъмизни, илтижомизни ва жами амалларимизни қабул қилгин ҳамда дуоимизни ижобат қил, ёрлақагин, ўтганларни раҳмат қил, бало ва иллатлардан сақлагин! Бизларни имонли ҳолимизда бу ўткинчи дунёни тарк этишимизда кўмаклашгин. Яратилганларнинг энг яхшиси Муҳаммад алайҳиссаломни ва унинг оиласини, дўстларини раҳмат қилгин!

НАМОЗ ШАРТЛАРИ

Намоз ўқиш учун қуйидагилар шарт:

1. Таҳоратда бўлиш.
2. Либоснинг поклиги.
3. Намозгоҳнинг озодалиги.
4. Авратлар ҳаммаси либосда бўлиши.
5. Намоз ўз вақтида ўқилиши.
6. Қиблага қараб туриш.
7. Дилдан ният қилиш.

НАМОЗ РУКНЛАРИ

Намозга киришишдан аввал «Аллоҳу акбар», дейиш, тик туриш, қиёмда уч оят миқдорича Куръон ўқиш, пешонани ерга етказиб икки марта сажда қилиш, қаъдада бўлиш, намоз рукнларининг ҳар қайсисини ўз ўрнида бажариш, намоздан ўз ихтиёри билан чиқиш намоз рукнларига киради.

НАМОЗ ВОЖИБЛАРИ



Намознинг вожиблари нечта?

Ўн бешта: Фотиҳа сурасини ўқимоқ, фарз намозининг аввалги икки рака-

тига, суннат ва нафл намозларининг ҳар ракатига бир бор Фотиҳа сурасидан сўнг бирор сура ёки уч оят Қуръон зам қилмоқ, туманинията рукуъ ва сужудда тасбеҳ айтар миқдорида ўтирмоқ, қавма рукуъдан қайтган вақтда қаддини тўғри қилиб бир оз турмоқ, жалса икки сажда орасида бир оз ўтирмоқ, қаъдаи уъло уч-тўрт ракатлик намозларнинг иккинчи ракати охирида «Аттаҳиёт» ўқиш миқдорича ўтирмоқ, ташаҳхуд ҳар қаъдада «Аттаҳиёт» ўқимоқ, салом намоздан салом лафзи билан чиқмоқ, мувалот намоз амалларини бирин-кетин бажармоқ, жаҳр бомдод, шом ва хуфтон намозларининг аввалги икки ракатида имомнинг овозини чиқариб қироат қилмоғи, ихфо қолган ракатларда овозни махфий қилмоқ, инсот имом қироат қилган пайтда муқтадийнинг сукут қилмоғи, такбирот ҳайит намозларининг ҳар ракатида уч марта такбир айтмоқ, Қунут витрнинг учинчи ракатида дуойи Қунутни ўқимоқ, саждаи саҳв унутиб фарз амални кечиктирган ё вожибни тарк қилган кишининг саждаси.

НАМОЗ СУННАТЛАРИ

Намозда йигирма бешта суннат бор: фарз намозини жамоат билан ўқиш; фарз намози учун азон айтиш; фарз намозидан олдин такбир айтиш; фарз намозидан олдин қўлни қулоққа етказиш; аёлларнинг қўлларини кўкраккача кўтаришлари; қиёмда турганда қўлни боғлаш; такбирдан сўнг намоз бошида Сано айтиш; Санодан сўнг «Аъзу биллаҳ»ни айтиш; Фотиҳа сурасидан сўнг «Омин», дейиш; рукуъга борганда ва ундан қайтганда ҳамда саждага борганда «Аллоҳу акбар», дейиш; рукуъда уч марта тасбеҳ айтиш; саждада уч марта тасбеҳ айтиш; рукуъдан қайтилганда имом билан ёки ёлғиз

ўқувчи «Самиъаллоҳу лиман ҳамидаҳ», дейиши; сўнг «Роббана лакал ҳамд», дейиш; иккинчи қаъдада салавотни охиригача ўқиш; иккинчи қаъдада салавотдан сўнг оят ўқиш; такрор салом, яъни ўнг ва сўл тарафга салом бериш; ният саломини бериш; такбирни, тасмияни, саломни баланд овозда айтиш; имом билан намоз ўқиганда ҳар амални тенгма-тенг бажариш.

НАМОЗ МУСТАҲАБЛАРИ

Намоз мустаҳаблари йигирмата: намозга киришаётиб қўл кўтарганда бармоқлар орасини очиқ тутиш; бош бармоқлар қулоқ юмшоғига тек-кизилиши; тик турган пайтда икки оёқ орасининг сал очиқ туриши; қўл боғланганда чап қўлнинг кафт бўғинини ўнг қўлнинг бош бармоғи ва чинчалоғи билан боғлаб ушлаш; сура ва зикрларни бурро-бурро ўқиш; бомдод ва пешинда Фотиҳа сурасидан кейин узунроқ сураларни ўқиш; аср ва хуфтон намозида ўртача узунликдаги сураларни ўқиш; шом намозида қисқа сураларни ўқиш; аввал узун, кейин калта сураларни ўқиш; сажда чоғи бош бармоқ қулоқ ёнида бўлиши; саждада қўл бармоқлари бир-бирига тегиб туриши; саждада оёқ бармоқлари ерга тегиб, товон кўтарилиб туриши; қўл ва оёқ бармоқлари қиблага қараб туриши; қаъдада қўл бармоқларини паст қилиб турмасдан ўз ҳолича сон устига қўйиш; рукуъ ва саждада тас-беҳларни тоқ айтиб, учдан зиёда айтиш; уч ва тўрт ракатли фарз намозларининг икки ракатидан сўнгги ракатларида Фотиҳа сурасини ўқиш, аммо суннат, вожиб ва нафл намозларида Фотиҳа сурасидан сўнг бир сура қўшиб ўқиш; намоз ичида йўталмаслик,

эснамаслик, тавозеълик, салом берганда орқадаги кишини кўрар даражада юзни буриш.

НАМОЗ ПАЙТИДАГИ МАКРУҲ ҲОЛАТЛАР

Улар олтмиш битта: узрсиз йўталиш; қироатга халал берувчи нарсани оғизда сақлаш; рукуъ ҳолатида бош елкадан баланд туриши; нўхот катталигида таом ейиш; оят ва тасбеҳларни бармоқ билан санаш; суннатлардан бирортасини қасддан тарк этиш; қироатни рукуъда тамом қилиш; икки кўзни юмиб туриш; намоз тугамай, пешонасини артиш; намоз пайти либосни текислаш; ҳаракат қилиш; туфлаш; ечиниш, қасддан бир оятни ярмида тўхтатиб, бошқасини бошлаш; керишиш; пешонани ерга теккизмай, саллани теккизиш; жамоатга одам қўшилганда имом овозини пасайтириши; намозни имом чўзиб юбориши; енг тирсаккача чиқиши, бурун қоқиш; такбирни такрор айтиш; узрсиз деворга ёки устунга суяниш; меҳроб ичига бутунлай кириб олиб намоз ўқиш; бармоқлари билан бирор сўзни ёзиб кўрсатиш; бош ё қош билан бирон сўзни ишора қилиш; таҳорат танг бўлиб турганда намоз ўқиш; қабрга ё нажасга қараб намоз ўқиш; олдинда жой бўлса-да, ортда намоз ўқиш; бошяланг намоз ўқиш буларнинг бари намоз чоғи қилинса, макруҳдир.

НАМОЗНИ БУЗУВЧИ АМАЛЛАР

Намозни ушбу йигирма икки амал бузади: сўзлашиш; қасддан бир кишига салом бериш; қасддан алик олиш; дуода одамлардан нарса талаб қилиш; дунё иши учун овоз чиқариб йиғлаш; кам бўлса-да, таом ейиш; маст ҳолда бўлиш; шароб

ичиш; иш қилиш, яъни либос кийиш, қашиниш; Қуръоннинг маъносини бузиб ўқиш; имомдан илгари туриш; офтоб чиқаётганда бомдод ўқиш; фарз амалларининг бирортасини тарк қилиш; либосининг ёки ўзининг булғаниши ва шу кабилар намозни бузувчи амаллардир.

НАМОЗНИНГ МУБОҲ АМАЛЛАРИ

Юз ўтирмай, кўз қири билан назар ташлаш; илон ё чаён ўлдириш; нафл намозда бир ракатга бир сурани икки марта ўқиш; нафл намозда девор ё устунга суяниш; имомнинг вожиб ҳаракатини билиш учун ёндаги кишига назар солиш.

НАМОЗ ПАЙТИДА ТАҲОРАТНИНГ БУЗИЛИШИ



Бурун қонаса ё шунга ўхшаш хунук ҳодиса бўлса, ибодатдаги кишининг намози бузиладими?

Ҳа. Бундай ҳолда киши таҳоратини янгилаб, бошдан ёки тўхтаган жойидан ўқиши лозим. Бу пайтда имом намозни тугатган бўлса, у киши ёлғиз ўқийди.



Намоз ўқиб турган кишининг олдидан кесиб ўтса бўладими?

Йўқ, бу ҳолат макруҳдир. Анча наридан бўлса, жоиз. Намоз ўқиётган киши ўзини билдириши учун «Субҳаналлоҳ» деб қўйса бўлади ёки бир газ олдинга таёқча суқуб қўяди. Жамоат бўлиб ўқилса ҳам, олдиндаги йўлакни беркитмаслик учун таёқча тиқиб қўйилади.

ЗАИФ ВА НОГИРОН КИШИЛАР БАЁНИ



Заиф ва ногирон кишиларнинг намозда ҳукми қандай?

Киши заифлиги сабабли қиёмга туролмаса, ўтириб ўқийди. Ўтирган ҳолича букилиб рукуъ қилади, саждада эса эл қатори бошини ерга теккизиб ўқийди. Агар рукуъ ва саждага ҳоли келмаса, ўтирган кўйи рукуъ ва саждага бир оз эгилиб, ишора қилиб ўқиса ҳам бўлади. Агар ўтиришга ҳам қуввати етмаса, оёқларини қибла тарафга узатиб, чалқанча ётиб, боши билан ишора қилиб ўқийди. Агар бунга ҳам қуввати келмаса, у зотга маъзурдир. Қачон қувватга кирса, қазосини ўқиш нияти билан кейинга қолдиради.



Намозни узрсиз ўтириб ўқиса бўладими?

Сувда, кемада келаётганларга мумкин.



Суннат ва нафл намозини отда туриб ўқиса бўладими?

Бўлади.



Отда ўқилса, қайси тарафга қараб ўқилади?

От кетаётган тарафга қараб.



Қарилиги ёки ғоятда совуқлиги туфайли тили Куръонни тўғри талаффуз қила олмайдиганлар намозни қандай ўқигани маъқул?

Ундай кишилар имомга иқтидо қилсин. Ёлғиз бўлса, билган оятини бир неча бор такрорлаб ўқийди.



Бир сабаб билан киши ҳушидан кетиб ётиб қолса, ўқилмай қолган намозни нима қилади?

Ҳушсизлик 24 соат ичида бўлса, ҳар бир намозни қазо қилиб ўқийди, агар 24 соатдан ошса, у ҳолда янги куннинг намозларига киришади.

ТЎРТИНЧИ ҚИСМ

ЖАМОАТ БАЁНИ

Намозни имом ва жамоат билан ўқимоқ ёлғиз ва танҳо ўқимоқдан йигирма етти даража ортиқ савоблидир.



Икки, уч ва ундан зиёда киши фарз намозини қандай ҳолда ўқисин?

Уларнинг орасидан бир киши имом бўлиб, қолганлари унга эргашиб (иқтидо қилиб) ўқимоқлари суннатдир.



Жамоат билан ўқиладиган намоз қандай ҳолда ўқилади?

Имом бош бўлиб, қолган кишилар намозга эргашиб ўқийдилар. Намознинг ҳар рукни ва ҳар амалини имомдан кейин ёки имом билан баробар бажарадилар, ҳеч бир амални имомдан илгари қилмайдилар.



Имомга эргашувчилар (муқтадийлар) намоз ичида бўлган ҳамма зикрларни ўқийдиларми?

Йўқ, ҳаммасини эмас, балки қиёмда такбири таҳримадан сўнгра фақат Санони ўқийди. «Аъзу биллаҳ», «Бисмиллаҳ»ни ва сураларни ўқимайди, балки сукут қилади. Рукуъдан қиёмга қайтганда имом «Самияллоҳу лиман ҳамидах»нинг ўзинигина айтади. Орқадагилар «Роббана лакал ҳамд»ни айтадилар, «Самияллоҳу лиман ҳамидах»ни айтмаслар. Бошқа зикрларни имом ҳам айтади, эргашувчилар ҳам

айтадилар. Аммо имом такбирларни ва «Самияллоҳу»ни, саломни овоз чиқариб айтади. Эргашувчилар зикрларни ичда айтадилар. Овоз чиқариб ўқиладиган намозларда Фотиҳа сураси тамом бўлгандан сўнг эргашувчилар ичларида «Омин», дейдилар.



Эргашувчи бир киши бўлган вақтда имомнинг қайси тарафида туради?

Имомнинг ўнг тарафида. Имомга шу қадар яқин турадики, эргашувчининг оёқ бармоқлари имомнинг товонига баробар туради. Имомнинг чап тарафи ва орқасида турса ҳам жоиздир, лекин суннатга хилоф бўлади.



Эргашувчининг қадами имомнинг қадами билан баробар бўлса ёки имомдан кейинроқ бўлса, аммо ўтирган ҳолда тиззаси имомнинг тиззасидан илгари ўтиб турса, зарари борми?

Зарари йўқдир, қадам мўътабардир.



Балоғатга етган катта кишилар билан ёш болалар қўшилиб бир имомга эргашсалар, қандай ҳолда саф оладилар?

Ёш болалар улуғ кишилар сафида эмас, ўзлари ортда саф бўлиб турадилар.



Ёш бола улуғ кишилар сафида туриб намоз ўқиса, улуғ кишиларнинг намозига зарари борми?

Улуғ кишиларнинг намозига зарари йўқ. Лекин суннатга хилоф бўлади.



**Хотинлар эркак кишига эргашиб
намоз ўқимоқлари дурустми?**

Дуруст, лекин бунда имом хотинларга имом бўлмоқни қабул қилмоғи ва ният этмоғи шарт. Агар имом хотинларга имом бўлмоқни ният қилмаган бўлса ёки имом бўлмасликни ният қилган бўлса, у хотинларнинг намози дуруст бўлмайди.



Хотинлар қайси сафда турадилар?

Ҳаммадан охирги сафда турадилар, болалардан ҳам кейинги сафда турадилар.



**Агар хотин киши эркак кишилар
сафига кириб, эркакларга баробар
турса, эркакларнинг намозига
зарари борми?**

Агар имом хотинларга имом бўлмоқни ният қилган бўлса, эркакларнинг намози бузилади, агар хотинларга имом бўлмоқни ният қилмаган бўлса, хотинларнинг намози бузилиши шу суратда бўладики, эркак билан хотин киши бир намоз учун тахмира бойлаган бўлсалару икковларининг ўқиган намоzlари адо намози бўлса.



**Хотинларнинг жамоат учун мас-
жидларга чиқишлари дуруст бўла-
дими?**

Ёш хотинларнинг ҳар қайси намоз учун жамоатга чиқишлари макруҳдир. Аммо қариган хотинларнинг фақат пешин ва аср намозига жамоатга чиқишлари макруҳдир. Ундан бошқа намозларга қариган хотинларнинг чиқиши макруҳ эмасдир.



Балоғатга етган кишилар ёш бола ва хотин кишиларга эргашиб жамоат билан намоз ўқисалар, дуруст бўладими?

Дуруст бўлмас.




Бир ёш болага бошқа ёш бола эргашиб жамоат билан намоз ўқимоғи дуруст бўладими?

Дуруст бўлади.



Бир хотин бошқа хотинга эргашиб жамоат билан намоз ўқимоғи дуруст бўладими?

Намоз дуруст бўлади, лекин макруҳдир.



Хотинлар ўзлари жамоат бўлиб намоз ўқишни хоҳласалар, имоми қай ерда туради?

Эркаклар имомидек буткул илгари ўтиб, қавмдан ажраб турмас, балки саф ўртасида турар, лекин сезилмас қадар олдинроқда туриши яхшироқ.



Имом орқасида турадиган эргашувчиларнинг қай тариқа турмоқлари суннат?

Ҳар бир эргашувчи сафни тўғри олиши учун ораларида бирор киши сиғарлик ё ундан ҳам камроқ бўш жой қолдирмасликка ғоятда қаттиқ эътибор бериш суннатдир.



Узрсиз киши узрли кишига эргашиши дуруст бўладими? Масалан, бир кишининг жароҳати бўлса, ўша жароҳатдан ҳамма вақт қон ва йиринг келиб турса, бирор намознинг вақти қадар замон пок турмаса, шу кишига бунақа ҳолда пок кишининг эргашиши дуруст бўладими?

Дуруст бўлмайди.



Фарз намоз ўқийдиган кишига нафл намоз ўқийдиган кишининг эргашиши дуруст бўладими?

Аср намози ва шом намозидан бошқа намозларда дуруст бўлади. Аммо аср намозидан сўнгра нафл намоз ўқиш макруҳ бўлгани сабабли ва нафл намозни уч ракатли қилиб ўқиш дуруст бўлмагани сабабли бу икки намозга нафл нияти билан эргашиб ўқиш дуруст бўлмас.

ИМОМЛИККА ҲАҚЛИ КИШИЛАР



Жамоат билан намоз ўқимоқчи бўлсалар, қандай киши имом бўлса, яхшироқ?

Қай бири олимроқ бўлса, ўша имомликка ўтади. Агар илмда баробар бўлса, қай бирининг қироати яхшироқ ва тажвидга мувофиқроқ бўлса, ўша киши имом бўлади. Агар қироатда ҳам баробар бўлсалар, энг тақволиги имом бўлади. Агар тақвода ҳам бир хил бўлсалар, хулқи яхшироғи имом бўлади. Агар хулқда ҳам баробар бўлсалар, хушрўй ва чиройлироғи имом бўлади. Агар хушрўйликда ҳам баробар

бўлсалар, қай бирининг насли ва насаби покизароқ бўлса, ўша имомликка ўтади. Аммо ҳар вазҳдан баробар бўлсалар, ҳар қайсисининг имом бўлмоғи дуруст бўлади.



Қандай кишиларнинг имом бўлиши макруҳ?

Ғоятда илмсиз кишининг, кўр кишининг, эътиқоди бузуқ кишининг ва зинодан туғилган кишининг имом бўлишлари макруҳдир.



Ушбу кишиларга иқтидо қилиб ўқилган намоз дуруст бўладими?

Дуруст бўлади, лекин макруҳдир.

МУДРИК ВА МАСБУҚ



Имомга аввалги ракатда эргашган (иқтидо қилган) киши нима дейилади?

«Мудрик» дейилади.



Имомга аввалги ракатда эргашолмай, сўнгги ракатларда эргашган киши нима дейилади?

«Масбуқ» дейилади.



Ракатнинг қайси ерига етиб эргашган бўлса, ўша ракат топганга ҳисоб қилинади?

Рукуъга етиб эргашса, ўша ракат ҳам ҳисобга ўтади.



Биринчи ракатнинг рукуъсига етиб эргашса, мудрик бўладими ёки масбуқ бўладими?

Мудрик бўлади.



Агар бир киши тўрт ракатли намознинг охиридаги тўртинчи ракатни топса, имомдан кейин неча ракат қазо қилади?

Уч ракат қазо қилади. Қолган уч ракат намоздан бир ракат ўқиб, қаъдага ўтириб ташаххуд айтиб, ташаххуддан кейин яна қиёмга туриб, икки ракат ўқиб тамом қилади.



Шу уч ракатнинг қайсиларида “Фотиҳа” сурасидан сўнг сура қўшилади? Ўша уч ракатнинг аввалги икки ракатида зам сура қилади, сўнггидаги бир ракатда зам сура қилмайди.



Бир киши охирги ракатнинг рукуъсига етишмаса, имомга эргашадими ёки йўқми?

Албатта, имомга эргашади. Хоҳ охирги саждаси, хоҳ қаъдасида бўлсин, тезлик билан имомга эргашиб, жамоат савобини топишга ҳаракат қилиши лозим.



Бундай ҳолда у одам имомдан кейин неча ракат қазо ўқийди? Неча ракатли намоз бўлса, шунча ракатни ёлғиз намоз ўқиган кишидек қазо қилиб ўқийди.



Шом намозига ўхшаш уч ракатли намознинг охириги ракатини топса, имомдан сўнгра неча ракатни қазо қилиб ўқийди?

Икки ракатни.



Шу икки ракатнинг аввалги ракатида саждадан кейин қаъда қиладими ёки қиёмга турадими?

Қаъдага ўтириб ташаххуд ўқиб, кейин қиёмга туради ва охириги ракатни ўқиб, намозни тамом қилади.



Бир киши икки ракатли намознинг аввалги ракатига улгурмаса, балки имом сажда қилган вақтда етишса, нима қилади?

Тезлик билан имомга эргашади ва имом қайси амални қилса, у ҳам ўша амални қила бошлайди. Масалан, сажда қилган замонда етишса, тезлик билан сажда қила бошлайди.



Шу киши мудрик бўладими, масбуқ бўладими?

Мудрик бўлмайди, масбуқ бўлади.



Энди у киши қолган бир ракатни нима қилади?

Имом охириги қаъдага ўтирганда у киши ҳам ўтиради. «Ат-таҳийят»ни ўқиб, аммо салавот ва дуони ўқимасдан сукут сақлаб, имом салом бергунича қараб туради. Имом салом берганидан сўнгра туриб қолган бир ракатни ўқийди.

МАСЖИД ВА ЖАМОАТ



Беш вақт намозни жамоат билан ўқиш савоблими ёки танҳо ўқиш савоблими?

Албатта, жамоат билан ўқиш савоблидир. Жамоат билан ўқилган намознинг савоби ёлғиз ўқилган намоздан йигирма етти даража зиёдадир. Пайғамбаримиз (с.а.в.) жамоатни тарк этган кишиларга дашном берар эдилар, шу сабабдан намозни жамоат билан ўқиш суннати муаккададир.



Жамоат ҳисобланиши учун неча киши бўлиши керак?

Имомдан бошқа бир киши бўлса, жамоат бўлади. Лекин жамоат қанча кўп бўлса, савоби шунча зиёда бўлади.



Масжид бўлмаса ҳам жамоат бўладими?

Имом билан ўқилса, қайси ерда ўқилса ҳам жамоат бўлаверади.



Намозни масжидга бориб ўқиш зарурми?

Албатта, ғоятда зарурдир. Узр бўлмаган ҳолда ҳар намозни масжидга бориб ўқишга ҳаракат қилмоқ керак.



Масжидга кирганда ва чиққанда қайси оёқни аввал қўйиш лозим?

Масжидга кирганда аввал ўнг оёқни, чиққанда эса чап оёқни қўйиш керак.



Масжидга кирганда нима деб дуо қилинади?

اللَّهُمَّ افْتَحْ لِي أَبْوَابَ رَحْمَتِكَ

«Аллоҳумма ифтаҳ лий абваба роҳматик», деб дуо қилинади.

Маъноси: «Эй Аллоҳ, менга раҳматинг эшикларини очгин».



Масжиддан чиққанда нима деб дуо қилинади?

اللَّهُمَّ إِنِّي أَسْأَلُكَ مِنْ فَضْلِكَ الْعَظِيمِ

«Аллоҳумма инни ас'алука мин фазликалъазим», деб дуо қилинади.

Маъноси: «Эй Аллоҳ, албатта, мен Сендан улуғ фазлингни талаб қиламан».



Масжидга кирганда нима қилмоқ керак?

Масжидга кирганда суннат намозини ва «Таҳийятил масжид» (масжид ҳақиға), деб номланган намозни ўқиш лозим.



Масжид ичида қандай ўтириш керак?

Ғоятда одоб ва тавозеъ билан ўтириш керак. Дунёвий ҳеч бир иш қилмаслик, дунёвий сўзларни сўзламаслик, ўйнамаслик ва кулмаслик керак. Аксинча, мумкин қадар зикрда, тасбеҳда, дуода бўлиш, Қуръон ўқиб ўтириш ё нафл намозга машғул бўлиш лозим. Масжид ичида туф-

ламаслик ва бурунни қоқмаслик, масжид Аллоҳга ибодат қиладиган жой, деб ғоятда сидқидилдан эътиқод қилиб ўтириш лозим. Саримсоқпиезга ўхшаш бадбўй нарсаларни еб масжидга кириш макруҳдир.



Имом бомдод намозининг фарзани ўқиётганда етишган кимса икки ракат суннатни ўқийдими ёки ўқимайдими?

Фарзнинг охирги ракатига етишиш мумкин бўлса, масжиднинг бир тарафида суннатни тезроқ ўқиб, сўнгра имомга эргашган маъқул. Агар суннатни ўқиган ҳолда фарзнинг охирги ракатига етишмайдиган бўлса, суннатни ўқимайди, балки тезлик билан имомга эргашади.



У қолган икки ракат суннатни фарзни ўқигандан кейин қазо қиладими?

Қазо қилмайди, қолган ҳолича қолади.



Имом пешин намозининг фарзига киришган пайтда етишган киши нима қилади?

Тезлик билан имомга эргашади, суннатга машғул бўлмайди.



Фарзни ўқигандан сўнг тўрт ракат суннатни қазо қиладими?

Фарздан сўнг ўша тўрт ракат суннатни қазо қилади, кейин икки ракат ўқийди.



Бир киши масжидга кириб пешин намозининг тўрт ракат суннатини ўқишга киришганда муаззин иқомат айтиб такбир туширса ва имом фарзни ўқишни бошласа, у киши нима қилади?

Бошланган намозни икки ракат қилиб салом бериб, нафлга қолдириб, тезлик билан имомга эргашади. Имом билан фарзни ўқигандан сўнг тўрт ракат суннатни аввал қазо сифатида ўқиб, сўнг икки ракатни ўқийди.



Пешин намозининг тўрт ракат суннатидан уч ракатини ўқигандан сўнг муаззин иқомат айтса, нима қилади?

У вақтда тўрт ракатни тамом қилиб, имомга эргашади. Фарздан сўнг тўрт ракат суннатни қазо қилиш лозим эмас.

ҚАЗО НАМОЗИ



Бир киши намозни узр сабабли ўз вақтида ўқимаса, нима қилади?

Сўнгра қазо қилиб ўқийди.



Бир кишининг бир намози қазо бўлиб, иккинчи намознинг вақти кириб қолса, у киши қайси намозни ўқийди, яъни аввал қазо намозни ўқийдимми ёки вақти кирган намозни ўқийдимми? Масалан, пешин намози қазо бўлиб, ҳануз қазосини ўқимай, аср намозининг вақти кириб қолса,

аввал пешин намозининг қазосини ўқийдими ёки асрни ўқийдими?

Умрида намозларни беш мартадан ортиқ қазо қилмаган киши бўлса, аввал қазо бўлган намозни ўқиб, ундан сўнг вақти кирган намозни ўқиши фарздир. Қазо бўлган намозни ўқимасдан вақти кирган намозни ўқиши дуруст эмас. Аммо умри давомида беш намоздан ортиқ қазо қилган кишидан бу тартиб соқитдир. Яъни, унга тартиб фарз эмас, у тартиб эгаси эмас. Демак, у киши хоҳласа, қазо бўлган намозни аввал ўқийди.



Тартиб соқит бўлмаган киши қазо намозни эсдан чиқариб, вақти кирган намозни ўқиса, намози тамом бўлмасдан қазо бўлган намози эсига тушса, ўқиб турган намози бузиладими?

Бузилади.



Вақти кирган намозни ўқиб тамом қилгандан сўнгра қазо қилган намози эсига тушса, ўқилган намози дуруст бўладими?

Дуруст бўлади, бошқатдан ўқиш лозим эмас.



Қазо бўлган намозга машғул бўлса, кейинги намознинг вақти чиқиб кетиш хавфи бўлса, аввал қайси намозни ўқийди?

Аввал вақти кирган намозни ўқийди, қазо намозни ундан кейин ўқийди.



Узрсиз бирор намозни ўз вақтида ўқимасдан қазога қолдириш дуруст бўладими?

Дуруст бўлмайди, ниҳоятда катта гуноҳлардандир.



Бир куннинг беш вақт намози қазо бўлса, аввал қайсини қазо қилади?

Бомдод намозидан бошлаб то хуфтон намозигача ўз тартибида қазо қилади.



Қазо бўлган намознинг фақат фарзини ўқийдими ёки суннатни ҳам ўқийдими?

Фақат фарзини ўқийди, суннатини ўқимайди, лекин бомдод намози қазо бўлган бўлса, пешин вақти кирмасдан қазосини ўқиса, у вақтда бомдоднинг суннатини ҳам қазо қилади.



Витр намози вақтида ўқилмаса қазо қилинадими?

Қазо қилинади.



Жума ва ҳайит намозлари-чи?

Қазо қилинмайди. Жумани ўқимай қолган киши ўрнига пешин намозини ўқийди. Аммо ҳайит намозини қазо ҳам қилмайди ва ўрнига ўқиладиган намоз ҳам йўқ.



Бомдод намози, шом намози ва хуфтон намози қазо қилинганда аввалги икки ракатлар овоз чиқариб ўқиладими ёки ичида ўқиладими?

Ўқилмайди, аввалги ракатлар овоз чиқариб ўқилмайди.

Ушбу намозлар жамоат билан қазо қилинса, овоз чиқариб ўқиш имомга вожибдир. Ёлғиз қазо қилувчига ичда ўқиш вожибдир.

САЖДАИ САҲВ

(Хатони тузатадиган сажда)



Бир киши намозда бирор фарзни унутиб қолдирса, намози дуруст бўладими?

Дуруст бўлмайди.



Агар намозда бирор вожибни унутиб қолдирса, намози бузиладими?

Бузилмайди, лекин у киши намоз охирида саждаи саҳв (хатони тузатадиган сажда), деган саждани қилиши вожиб бўлади.



Саждаи саҳв қандай адо қилинади?

Саждаи саҳв қиладиган киши охиргига қаъдада ўтирганда ташаххуддан сўнг салават дуосини ўқимайди. Ёлғиз ўқийдиган киши бўлса, икки тарафга салом беради. Имом бўлиб ўқийдиган киши бўлса, бир тарафга салом беради. Салом бергандан кейин намознинг саждасига ўхшаш икки маротаба сажда қилиб, ҳар саждада камида уч маротаба «Субҳана роббиал ʼала», дейди ва қаъдага ўтириб ташаххуд, салават ва дуони ўқиб, икки тарафга салом бериб намозни тамом қилади.



Имом нима учун бир тарафга салом беради?

Имом икки тарафга салом берса, ортида эргашувчилар намоз тамом бўлди, деб ўринларидан қўзғалиб қолиши мумкин. Шунинг олдини олиш учун.



Имом унутиб бирор вожибни ўқимаса, эргашувчи ҳам имомга бўйсуниб сажда қилиши вожибми?

Вожиб бўлади.



Имом саждаи саҳв қилса, масбуқ ҳам саждаи саҳв қиладими?

Имомга тобе бўлиб саждаи саҳв қилгач, қолган ракатларни ўқийди, шунинг учун масбуқ имомнинг саломини кутиб туриши лозим.



Эргашувчи унутиб намознинг бирор вожибини ташлаб кетса, саждаи саҳв вожиб бўладими?

Имомга ҳам, эргашувчига ҳам вожиб бўлмайди. Имом сажда қилмаган ҳолда эргашувчи танҳо ўзи, албатта, сажда қилмайди.



Бир киши вожибни қасддан, ўз ихтиёри билан ташлаб кетса, саждаи саҳв вожиб бўладими?

Вожиб бўлмайди, лекин вожибни тарк қилгани учун гуноҳкор бўлади.



Бир киши намозда суннат ёки мустаҳаблардан бирини ташлаб кетса, саждаи саҳв вожиб бўладими?

Вожиб бўлмайди.



Унутиб икки-уч вожибни ташлаб кетса, неча марта саждаи саҳв қилади?

Неча вожиб ташлаб кетилган бўлса ҳам, бир марта саждаи саҳв қилади.



Унутиб қайси ишларни қилса, саждаи саҳв вожиб бўлади?

Ушбу ўн тўрт тур ишнинг бирини қилса, саждаи саҳв вожиб бўлади: 1) фарз намозининг аввалги биринчи ракатида Фотиҳа сурасини ўқимасдан бошқа бир сура ўқиса; 2) аввалги икки ракатда Фотиҳа сурасидан сўнг бирор сура ёки бирор узун оят ўқимаса; 3) уч ракатли ёки тўрт ракатли намозларда аввалги қаъдада ўтирмаса; 4) бирор қаъдада ташаҳхуд ўқимаса; 5) аввалги қаъдада ташаҳхуддан сўнг салавот ўқиса; 6) аввалги қаъдада салом бериб қўйса; 7) овоз чиқариб ўқийдиган намозларни ичида ўқиб қўйса; 8) ичида ўқиладиган намозларни овоз чиқариб ўқиса; 9) витр намозида Қунут дуосини ўқимаса; 10) кироатдан илгари рукуъ қилса; 11) икки марта рукуъ қилса; 12) уч марта сажда қилса; 13) охириги қаъдадан қиёмга туриб кетса; 14) ташаҳхуддан сўнг қайси ракат, нечанчи ракат эканини ўйлаб қолиб, салом беришни чўзиб юборса.

НАМОЗДА УНУТМОҚ



Бир киши тўрт ракатли намозда аввалги қаъдада ўтирмай, қиёмга тура бошласа, шу орада хато қилганлиги хотирага келса, нима қилади?

Агар тиззаларини тўғрилаб қиём ҳолига яқинлашмаган бўлса, яъни тиззалари букилган ҳолича турган бўлса, қайтиб қаъдага ўтиради. Намоз охирида саждаи саҳв қилиши вожиб бўлмайди. Агар тиззалари тўғриланиб қиёмга яқинлашган бўлса, қайтиб қаъдага ўтирмайди. Балки қиёмга туриб кетади ва бу ҳолда саждаи саҳв вожиб бўлади.



Бир киши охирги қаъдага ўтирмай, қиёмга туриб кетса, ундан сўнг хато қилганлиги хотирасига келса, нима қилади?

Хато қилгани хатога йўл қўйган ракатда сажда қилишдан олдин хотирасига келиб қолса, тезлик билан қайтиб қаъдага ўтириб ташаххуд ўқиб, салом бериб, саждаи саҳв қилади. Агар хато қилинган ракатнинг саждасини қилса, намози фарзликдан чиқиб, нафл ҳисобига ўтади. Хохласа, бир ракатига яна бир ракат қўшиб икки ракат қилади, хохласа, салом бериб ўша намоздан чиқиб, фарзни бошқатдан ўқийди.



Бир киши охирги қаъдани аввалги қаъда, деб гумон қилиб, ташаххуд ўқиб қиёмга туриб кетса, нима қилади?

Қолган ракатнинг саждасини қилмасдан хато қилганини билиб қолса, тезлик билан қайтиб қаъдага ўтириб, салом бериб, саждаи саҳв қилиб, намозни тамом қилади. Агар хато қилган ракатнинг саждасини қилиб қўйса, у вақт аввал бошлаган фарз намози тамом бўлади, хато билан бошлаган бир ракатга яна бир ракат қўшиб, намоз охирида саждаи саҳв қилади.



Хато қилиниб ўқилгандан сўнгги икки ракат қанақа намоз бўлади?

Нафл намоз бўлади.



Уч ракатли ёки тўрт ракатли намозларда унутиб намоз тамом бўлди, деб икки тарафга салом бериб қўйса, нима бўлади?

Салом бергандан сўнг намозни бузадиган бирор иш қилмаган бўлса, тезлик ила қиёмга туриб қолган ракатни ўқиб, намозни тамом қилади, лекин намоз охирида саждаи саҳв қилади. Аммо салом бергандан сўнг намозни бузадиган бирор иш қилиб қўйган бўлса, ўқиган намози нафл бўлади, фарзни бошқатдан ўқимоғи лозим.



Бир киши намозда неча ракат ўқиганини унутса, ҳозир неча ракат бўлганини ҳам билмаса, у киши нима қилади?

Агар умрида биринчи унутиши бўлса, ўқиб турган намоздан чиқиб, намозни бошқатдан ўқийди.



Намоздан қай тариқа чиқади?
Қиёмда бўлса, қиёмда бўлган ҳолича, қаъдада бўлса, қаъдада бўлган ҳолича икки тарафга салом бериб намоздан чиқади.



Агар бир киши кўп намозда шу тариқа неча ракат ўқиганини унутган бўлса ва намози неча ракат бўлганини яна унутса, нима бўлади?

Дилида неча ракат ўқигани яқинроқ бўлса, шуни эътиборга олиб, ушбу ҳисоб ила намозни тамом қилади.



Дилига ҳеч бир тарафи яқинроқ бўлмаса, балки бир тарафга эҳтимол бўлса, нима қилади?

Ўзини оз ракат ўқиган ҳисоб қилиб намозини тамом қилади. Масалан, ўқиб турган ракатнинг

биринчи ракатми ёки иккинчи ракатми, деб шубҳага тушса, аввалги ракат ҳисоб қилиб намозини давом эттиради. Иккинчи ракатми ёки учинчи ракатми, деб шубҳага тушса, иккинчи ракат ҳисоб қилиб намозини давом эттиради. Учинчи ракатми ёки тўртинчи ракатми, деб шубҳага тушса, учинчи ракат ҳисоб қилиб намозини давом эттиради.



Ушбу тариқа шубҳа қилган намозда охирги ракатга тургунча нима қилмоқ лозим?

Ташаҳхудни ўқиш миқдорича қаъдада ўтириб турмоқ лозимдир.



Нима учун бундай қилмоқ лозим?

Чунки ўша ракатнинг фақат охирги ракат бўлмоғининг эҳтимоли бор. Агар воқеан у ракат охирги ракат бўлса, унда қаъдага ўтирмоқ фарздир. Шу фарзни тарк қилмаслик учун у ракатда ҳам қаъдага ўтириб туриш лозим.



Шу тариқа ўқилган намознинг охирида саждаи сахв қилиш лозим бўладими?

Лозим бўлади, чунки бунда саломни таъхир қилган эҳтимоли бордир.

ТИЛОВАТ САЖДАСИ



Тиловат саждаси қандай сажда?

Қуръондаги сажда оятларининг бирини ўқиган ва эшитган кишининг қилиши вожиб бўлган саждадир.



Куръоннинг неча ерида сажда ояти бор?

1) «Аъроф»; 2) «Раъд»; 3) «Наҳл»; 4) «Исроил»; 5) «Марям»; 6) «Ҳаж»; 7) «Фурқон»; 8) «Намл»; 9) «Сажда»; 10) «Сод»; 11) «Фуссилат»; 12) «Нажм»; 13) «Иншиқоқ»; 14) «Алақ» сураларидадир.



Бир киши ушбу сажда оятларидан бирини бир ўтиришда икки ёки уч мартаба ўқиса, неча марта сажда қилмоғи вожиб бўлади?

Бир ўтиришда бир оятни неча марта ўқиса ҳам, бир сажда вожиб бўлади.



Бир ўтиришда бир ёки икки сурадаги сажда оятини ўқиса, неча сажда вожиб бўлади?

Неча сурадагини ўқиса, шунча сажда қилмоғи вожиб бўлади. Масалан, икки сурадаги сажда оятини ўқиса, икки сажда вожиб бўлади. Уч сурадаги сажда оятини ўқиса, уч марта сажда қилиши вожиб бўлади.



Бир сажда оятини аввал бир ўтиришда бир мартаба ўқиса, ундан сўнг иккинчи ўтиришда ўқиса, неча марта сажда қилиши вожиб бўлади?

Неча ўтиришда ўқиса, шунча сажда қилмоғи вожиб бўлади.



Бир сажда оятини икки марта эшитса, неча марта сажда қилмоғи вожиб бўлади?

Эшитиш ҳам ўқиганга ўхшашдир. Бир ўтиришда неча марта эшитса ҳам, бир маротаба сажда қилмоғи вожиб бўлади. Икки ўтиришда эшитса, икки маротаба сажда қилмоғи вожиб бўлади.



Қуръон ўқиганда сажда оятининг фақат ўзини ташлаб ўқиш дурустми?

Дуруст эмас, макруҳдир. Сажда оятини ташлаб ўқиш лозим бўлса, бошқа бир-икки оятни кўшиб ташласа, макруҳ бўлмайди.



Сажда оятини овозни баланд қилиб ўқиш лозимми ёки ичда ўқиладимми?

Киши эшитадиган бўлса, ичда ўқиш мустаҳабдир.



Тиловат саждаси қай тариқа қилинади?

Сажда қилувчи қиблага-туриб «Тиловат саждасини қиламан», деб ният қилади ва такбир айтиб сажда қилади. Саждада уч маротаба «Субҳана роббийал ʼала», дейди. Сўнг такбир айтиб қиёмга турадиган кишидек тиззани бироз кўтариб, яна қайтиб қаъдага ўтиради ва ушбу дуони ўқийди:

سَجَدْتُ لِلرَّحْمَنِ وَأَمَنْتُ بِالرَّحْمَنِ فَاغْفِرْ لِي ذُنُوبِي يَا رَحْمَنُ،
سَمِعْنَا وَأَطَعْنَا غُفْرَانَكَ رَبَّنَا وَإِلَيْكَ الْمَصِيرُ

«Сажадту лир-роҳман ва аманту бир-роҳман фағфир лий зунубий йа роҳман. Самийна ва атоғна ғуфронака роббана ва илайкал масийр».

Маъноси: «Аллоҳ учун сажда қилдим ва ул Аллоҳга имон келтирдим, бас, менинг гуноҳларимни авф

қилгин, эй раҳмат қилувчи Аллоҳ. Эй Парвардигоримиз, биз Сенинг афв қилмоғингни эшитдик ва ҳам Сенга итоат қилдик ва охиратда ҳам Сенинг ҳукмингга рожеъ бўлиб ва Унга қайтурмиз».



Ушбу сажданинг нечта шарти бор?

Еттита.



Улар қайсилар?

Намозда бўлгандек таҳоратда бўлиш; бадан, либос ва ўриннинг пок бўлиши; аврат беркитилган бўлиши; қиблага қараб туриш; ният қилиш.



Тиловат саждасида қўл кўтариб такбир айтиш ва рукуъ қилиш лозим бўладими?

Такбирда қўл кўтариш ва рукуъ қилиш лозим эмас, балки қиёмда туриб ёки ўтириб ният қилиш ила тўғри саждага кетиш лозимдир.



Намознинг саждасига ўхшаш бу сажда ҳам икки марта қилинадими?

Бир марта қилинади.



Бу сажда қай вақт қилинади?

Сажда оятини ўқиганда. Намоз ўқиш макруҳ бўлмаган вақтларда дуруст бўлади.



Сажда ояти ўқилгач, саждани шу кун ё шу соатда қилмасдан кейин қилса, дуруст бўладими?

Дуруст бўлади, лекин сажда оятини ўқиган вақтда тезлик ила қилса, савоблироқдир.



Бир киши сажда оятларидан бирини намоз ичидида ўқиса, нима қилади?

Сажда оятини ўқиб туриб тўхтамасдан рукуъ қилса, сажда ўрнига ўтади. Бошқа сажда қилиши лозим эмас. Агар сажда оятини ўқиган ҳолда рукуъ қилмоқчи, аммо рукуъгача яна бир неча оят ўқимоқчи бўлса, унда сажда оятини ўқиган вақт такбир айтиб саждага боради-да, бир сажда қилиб яна қиёмга қайтади. Сўнг рукуъ қилгунча ўқимоқчи бўлган оятларни ўқиб, рукуъ қилади.



Имом сажда тиловатини қилганида имомга эргашган киши ва масбуқ (намозга кеч кирган киши) ҳам сажда қиладими?

Улар ҳам имомга эргашган бўлиб сажда қиладилар.

МУҚИМ ВА МУСОФИР



Муқим қандай кишидир?

Ўз шаҳрида турувчи, мусофир бўлмаган кишилардир.



Мусофир қандай кишидир?

Ўрта юриш ила уч кунда етарлик масофадаги бирор шаҳар ёки қишлоққа боришни ният қилиб йўлга чиққан кишидир.



Йўлга чиққач, қайси ердан мусофирлик бошланади?

Ўзи турадиган шаҳар ёки қишлоқнинг иморатли жойларидан узоқ бўлгандан сўнг бошланади.



Ўша киши қайси замонгача мусофир саналади?

Токи ўз шаҳрига қайтиб киргунга қадар. Ёки бошқа ерда ўн беш кунгача туришни ният қилганлар ҳам мусофир саналади.



Ўрта юриш қандай юришдир?

Қўриқ ерда бўлганда пиёда ва туяда юришга ўхшаш юришдир. Дарёда бўлганда кеманинг ўрта шамол билан юришидир.



Мусофир саналиши учун энг камида неча чақиримлик ерга боришни ният қилган бўлиши керак?

Энг ками тўқсон чақиримлик жойга боришни ният қилиши лозим.



Ўша ерда турган вақти мусофирликка кирадими ёки муқимликка кирадими?

Мусофирликка киради.



Бир ерга мусофир бўлиб бориб етгандан сўнгра ўша ерда ўн беш кун туришни ният қилса, мусофирликдан чиқадими?

Албатта, мусофирликдан чиқади. Гўёки уйига қайтиб келган кишидек муқим ҳукмида бўлади.



Бир ерга мусофир бўлиб бориб етгандан кейин ўн беш кун туришни ният қилмаса, бир-икки кундан ёки ўн тўрт кундан сўнг бу ердан кетмоқчи бўлса, ўша ерда турган вақти мусофир бўладими ёки муқим бўладими?

Мусофир бўлади.



Аввалдан у ерда ўн беш кун туришни ният қилмасдан, бирор иш чиқиб қолгани сабабли ёки бирор хабарга мунтазир бўлганлиги сабабли ўн беш кунга қадар ёки зиёдроқ туриб қолса, муқим бўладими ё мусофир бўладими?

Ҳамон мусофирлиги сақланади.



Бир неча кун тургандан сўнгра ўн беш кун туришни ният қилса, мусофирликдан чиқадими?

Албатта, чиқади.



Бир киши борган ерида аввалдан ўн беш кун туришни ният қилиб, муқим ҳукмида бўлса, лекин бир неча кун туриб (ўн беш кун туrolмасдан) ўз шаҳрига қайтса ёки бошқа бир сафарга чиқса, муқим бўладими, мусофирми?

Муқимлиги тамом бўлиб, яна мусофир ҳукмига ўтади.



Бир ерга бориб етгандан сўнг ўн беш кун туришни ният қилиб, бир кун тургач, ўн беш кун тўлгунча у ердан кетишни ният қилса, муқим бўладими ёки мусофир бўладими?

Мусофир бўлади.



Бир кишининг икки шаҳарда ҳовлиси бўлса, у шаҳарларнинг ораси уч кунлик йўл бўлса, бир ҳовлидан иккинчи ҳовлига борганда мусофир бўладими?

Қайсисига борса ҳам, йўлда мусофир бўлади, аммо ҳовли бор шаҳарга бориб кириши билан мусофирлиги тамом бўлиб, муқим бўлади.

МУСОФИРЛАРНИНГ ҲУКМЛАРИ



Мусофир кишига нима лозим бўлади?

Тўрт ракатли намозларни, масалан, пешинни, асрни, хуфтонни қисқа (қаср) қилиб, икки ракатдан ўқиши лозим. Шом ва витр намозини қисқартирмайди.



Тўрт ракатли суннатларни қисқа қиладими?

Йўқ.



Мусофирларга қандай ишларни қилиш дуруст бўлади?

Маҳсига ёки этикка уч кеча-кундузгача масҳ тортиш ҳам, қаттиқ машаққатли бўлган

тақдирда намознинг суннатларини ўқимаса, рамазон ойида рўзани тутмасдан қазога қолдирса ҳам бўлади.



Тўрт ракатли намозда мусофир киши муқим кишига имом бўлса, дуруст бўладими?

Дуруст бўлади.



Бу ҳолда намозни неча ракат қилиб ўқийдилар?

Мусофир икки ракат ўқиб салом бериб, намозни тамом қилади. Орқасидан эргашган киши ташахҳудни ўқийди, аммо салавот ва дуони ўқимай, имом бўлган мусофирнинг салом беришини кутиб туради. Мусофир салом бергандан кейин муқимлар қиёмга турадилар ва қолган икки ракатни ўқиб, намозларини тамом қиладилар.



Тўрт ракатли намозда мусофир кишининг муқимга эргашиши дуруст бўладими?

Қазо намоз бўлса, дуруст бўлмайди, аммо вақтида адо қилинадиган намоз бўлса, дуруст бўлади.



Бу ҳолда мусофир неча ракат ўқийди? Имомга тобеъ бўлиб тўрт ракат ўқийди.



Мусофир киши тўрт ракатли намозни икки ракат ўқимай, тўрт ракат қилиб тўла ўқиса, намози дуруст бўладими?

Дуруст бўлади, лекин икки ракат ўқимай, тўрт ракат ўқигани учун гуноҳкор бўлади.



Мусофир киши ўз шаҳрида ўқилмай, қазога қолган тўрт ракатли намозни сафарда қазо қилмоқчи бўлса, неча ракат қилиб қазо ўқийди?

Тўрт ракат қилиб қазо ўқийди.



Бир мусофир сафардалик чоғида тўрт ракатли намози қазога қолган бўлса, ўз шаҳрига қайтиб келгандан кейин неча ракат қилиб қазо ўқийди?

Сафарда бўлган вақтидагидек икки ракат қилиб қазо ўқийди.

ЖУМА НАМОЗИ



Жума намози қандай намоздир?

Жума куни пешин намозининг ўрнига ўқиладиган намоздир.



Жума намозининг вақти қай вақтдир?

Жума намозининг вақти пешин намозининг вақтидир, яъни кун қиёмдан оққандан бошлаб аср намозининг вақти киргунчадир.



Жума намозининг фарз бўлиши учун неча шарт бор?

Олти шарт бор:

1. Балоғатга етган эр киши бўлмоғи;
2. Ихтиёрли киши бўлмоғи;
3. Саломат киши бўлмоғи;
4. Оёқлари юришга кифоя қиладиган киши бўлмоғи;

5. Муқим киши бўлмоғи;
6. Икки кўзи соғ бўлмоғи.

Хотинларга (ёш болали), сабийларга, зиндондаги кишиларга, ухлаш ихтиёри ўзида бўлмаган кишиларга, қудрати етмаган бетоб кишига, мусофир кишиларга, икки кўзи кўр бўлган кишиларга, оёқсиз кишиларга жума намози фарз бўлмайди, у кишилар узрли кишилардир.

Бу узрли кишилар жума куни масжидга бориб жума намозини ўқисалар, пешин намозини ўқимасалар ҳам, дуруст бўлади, ўқиган жума намозлари пешин ўрнига ўтади.



Жума намозининг адо қилинмоғига неча шарт бор?

Яна олти шарт бор:

1. Шаҳар, деб аталадиган ерда бўлмоғи;
2. Ҳар ким кириши учун рухсат берилган жомеъ масжиди бўлмоғи;
3. Жума намозига имом бўладиган киши мамлакатнинг подшоҳи ёки қозиси тарафидан ижозат олган бўлмоғи;
4. Жамоат бўлмоқ учун имомдан бошқа лоақал уч киши бўлмоғи;
5. Пешин намозининг вақти кирмоғи;
6. Жума намозининг икки ракат фарзидан илгари имом хутба ўқимоғи.



Қандай жойлар шаҳарга ҳисоб қилинади?

Бу хусусда ихтилоф кўп, аммо айрим уламоларнинг сўзларига қараганда, ҳамма масжидлардан катта бўлган масжид, яъни жами одамлари сиғмайдиган бўлса, қишлоқ номида бўлса ҳам, шаҳар ҳисоб қилинади.



Шаҳарнинг атрофида шаҳарга керакли ерларда, масалан, ўқ отиш, от чоптириш ва аскар жам ўтиши, ўлик дафн этиш каби зарур ишлар бўладиган ерларда жума намози ўқиш дуруст бўладими?

Дуруст бўлади, чунки шаҳарнинг атрофи ҳукми ҳам шаҳар ҳукмидадир.



Бир киши жума намозига охирида келиб етишса, нима қилади?
Тезлик билан имомга эргашиши керак. Имом салом берганидан сўнг бошқа намозлардан қолган ракатларини масбуққа ўхшаб ўзи тамом қилади.



Бир киши узрли сабаб билан ёки узр-сиз жума намозига етолмаса, яъни киши масжидга келганда имом салом берган бўлса, нима қилади?

Пешин намозини ўқийди.



Бир киши бирор узрли сабаб билан мас-жидга боролмай қолса, нима қилади?
Пешин намозини ўқийди. Агар ҳеч бир узрсиз хушёқмаслик қилиб бормаса, жумага бормаганлиги учун гуноҳкор бўлади. Агар пешинни ҳам ўқимаса, зиёдароқ гуноҳкор бўлади.

ЖУМАНИНГ ХУТБАЛАРИ



Жума намозининг хутбаси қайси вақтда ўқилади?
Жуманинг тўрт ракат суннати ўқил-гандан сўнг ўқилади.



Хутба қай тариқа бошланади?

Муаззин минбар тўғрисига келиб, хутба асосини қўлига ушлаб, «Ускуту раҳи-макумуллоҳ», дейди (маъноси: «Эй жамоат, хатиб-нинг хутбасига қулоқ солиб сукут қилиб турингизлар. Аллоҳ таоло сизларни раҳмат қилсин»). Ундан сўнг хатиб минбар ёнига келиб, минбарнинг учинчи зинасига чиқиб, муаззинга тўғри бўлиб ўтиради. Ундан сўнг муаззин хатибга рўпара туриб азон айтади. Азон тамом бўлгач, имом-хатиб ўрнидан туриб, минбар устида масжиддаги одамларга қараб хутба ўқишга киришади.



Имом нечта хутба ўқийди?

Икки хутба ўқийди. Икки хутбанинг орасида Аллоҳга ҳамд айтади, калимаи шаҳодатни ўқийди. Пайғамбар Муҳаммад (а.с.)га салавот айтади, тўрт улуғ саҳоба ва бошқа саҳобаларни мадҳ қилади, Қуръондан бир-икки ваъз ўқийди, ҳамма одамларга зарур бўладиган ваъз-насихатларни қилади ҳамда барча мусулмонларни хайрли дуо қилади.



Хутба тамом бўлгандан кейин нима қилади?

Муаззин иқомат айтиб такбир туширади, имом меҳроб тарафга бориб жума намозининг икки ракат фарзини ўқишга киришади, жамоат имомга эргашади.



Жума намозининг фарзи қай тариқа ўқилади?

Овоз чиқариб ўқилади.



Фарз тамом бўлгандан сўнг нима қилади?

Жума намозининг тўрт ракат суннати ўқилади.



Ундан сўнг-чи?

Ундан сўнг имом ва жамоат ҳаммалари фотиҳага қўл кўтариб дуо қилиб, масжиддан чиқадилар.



Имом минбарда хутба ўқиб турганда масжиддаги одамларга сўзлашиш ва хутбага қулоқ солмай ўтириш дуруст бўладими?

Асло дуруст бўлмайди. Бундай қилиш ҳаромдир.



Зикр ё тасбеҳ айтиш ёки Қуръон тиловат қилиш ёхуд нафл ва суннат намозларини ўқиб ўтириш дуруст бўладими?

Буларнинг ҳеч бири дуруст бўлмайди. Ҳар ким хатибнинг хутбадаги сўзларини ихлос ила эшитиб, англаб, ибратланиб ўтириши лозим.



Хутба қайси тилда ўқилади?

Араб тилида ўқилади.



Арабчани билмаган кишилар хутбадаги ваъз ва насихатларни қандай англайдилар?

Ҳар бир мусулмон киши араб тилини билишга ҳаракат қилиши лозим. Агар жумага келган жамо-

атнинг кўпроғи араб тилини билмаса, хатиб хутбада ўқилган ваъз ва насиҳат сўзларини хутба охирида маҳаллий тилларда ҳам англлатмоғи савоблироқдир.



Бир киши жомеъ масжидга имом минбарга чиқиб хутба ўқиб турган вақтида келиб кирса, нима қилади?

Кирган вақтидан бошлаб кулоқ солиб ўтиради. Таҳиййати масжидни ва жума намозининг тўрт ракат суннатини ўқимайди.



Буларни фарздан сўнгра ўқийдими?

Тўрт ракат суннатни ўқийди, аммо таҳиййати масжид ўқилмаган ҳолича қолади.



Бир киши таҳиййати масжидни ёки жуманинг тўрт ракат суннатини ўқишни бошлаган вақтда имом

минбарга чиқиб хутба бошласа, нима қилади?

Бошлаган намозни тамом қилади (тўхтатади).

ҲАЙИТ КУНЛАРИ



Ҳайит куни қандай кундир?

Шодлик ва хурсандлик кунидир.



Ислом аҳлига бир йилда неча ҳайит куни бор?

Икки ҳайит куни бордир: бириси фитр ийди (рамазон ҳайити), иккинчиси қурбон ҳайитидир.



Фитр ҳайитининг маъноси нима?

Рўзадан чиқиш байрамидир.



Қурбон ҳайитининг маъноси нима?

Қурбонлик қилинадиган байрамдир.



Фитр ҳайити қайси кунда бўлади?

Рамазон ойи тамом бўлгандан сўнг шавволнинг биринчи кунда бўлади.



Қурбон ҳайити қайси кунда бўлади?

Зулҳижжа ойининг 10-кунда бўлади.



Ҳайит кунлари нима учун Ислому аҳлига хурсандлик бўлади?

Чунки бу кунларни улуғ кўриб, фақирларга садақа берган кишиларнинг, ихлос билан тавба ва истиффор қилган кишиларнинг гуноҳларини афв қилмоқлик ваъда қилинган.



Ҳайит кунларида қандай ишларни қилиш суннат?

Фитр ҳайити кунда тонг отгандан сўнг ҳайит намозини ўқимасдан илгари фитр садақасини бериш; Қурбон ҳайити кунда тонг отгандан сўнг қурбон намозини адо қилгунча рўзадор кишига ўхшаб ҳеч бир таом ёки шароб емасдан-ичмасдан туриш ва намоздан сўнг қурбонлик гўшти, шўрваси ёки бирор ширин таом ейиш кабилар суннатдир.

Қурбон ҳайити намозига боришда йўлда овоз чиқариб такбир айтиш савоблидир. Ҳар ҳайитда тонг отгандан сўнг туриб ғул қилиш, мисвок ила оғизни поклаш, яхши либослар кийиш, хушбўй нарсалар сепиш, намоз ўқиладиган ерга пиёда бориш, борар-қайтарда фақир ва мискинларга садақа бериш, кўп жамоат ҳайит намозига тўпланган вақтда қиёмат кунини ва маҳшар кунларини хотирага тушириш, астойдил тавба ва истиғфор қилиш, ҳаром ишларни аралаштирмасдан ҳайит байрамини шодлик билан ўтказиш каби амаллар суннатдир.

ҲАЙИТ НАМОЗЛАРИ



Ҳайит намозлари кимларга вожиб бўлади?

Жума намозига ўхшаш ҳайит намозининг вожиб бўлишига ҳам олти шарт бордир:

1. Эркақ киши бўлини;
2. Ихтиёрли киши бўлиши;
3. Саломат киши бўлиши;
4. Муқим киши бўлиши;
5. Кўзи кўрадиган бўлиши;
6. Оёғи юришга ярайдиган бўлиши.

Хотинларга, сабийларга, зиндондаги кишиларга, ихтиёри ўзида бўлмаганларга, беморларга, мусофирларга, икки кўзи кўр кишиларга, оёқсиз кишиларга ҳайит намози вожиб бўлмайди. Улар узрли кишилар ҳисобланадилар.



Узрли бўлсалар-да, ҳайит намозларини ўқисалар, дуруст бўладими?

Дуруст бўлади.



Ҳайит намозини ўқишнинг қандай шартлари бор?

Беш шарти бор: биринчиси, жума намози шарти сингари шаҳар деб аталадиган ерда ўқилиши; иккинчиси, ҳар ким киришга рухсат берилган жомеъ масжиди бўлиши; учинчиси, имом бўладиган киши мамлакатнинг подшоҳи ёки қозиси тарафидан намоз ўқишга изн олган киши бўлиши; тўртинчиси жамоат бўлмоқ учун имомдан бошқа камида уч киши бўлиши; бешинчиси, ҳайит намозининг вақти кирган бўлиши лозим.



Ҳайит намозларида хутба ўқиш шартми?

Шарт эмас, балки суннатдир. Хутба ўқилмаса ҳам, намоз дуруст бўлади, лекин макруҳдир.



Ҳайит намозининг вақти қайси вақтдир?

Офтоб чиқиб уч газ кўтарилгандан бошлаб қиёмгача ҳайит намозининг вақтидир. Аммо қиём вақтида ўқиб бўлмайди.



Бирор узр сабабли ҳайит намозини ўз кунидан қолдириб, кечиктириб ўқиса, дуруст бўладими?

Фитр ҳайити намозини ўз кунидан бир кунгина кечиктирса бўлади. Ундан зиёда кечиктирса, дуруст эмас. Аммо Қурбон намозини уч кунгача кечиктирса, дурустдир.

ҲАЙИТ НАМОЗИНИНГ ЎҚИЛИШИ



Ҳайит намози неча ракатдир?

Фитр ҳайити ва Қурбон ҳайити намозлари икки ракатдандир.



Ҳайит намозлари қай ҳолда ўқилади?

Ҳар иккиси имом ва жамоат билан ўқилади, ҳеч вақт ёлғиз ўқилмайди.

Ҳайит намозлари учун азон ва иқомат айтилмайди.



Маҳалла одамларига намоз вақти бўлганлиги қай тариқа билдирилади?

Муаззин минорага чиқиб бир неча мартаба «Ас-солату», деб қичқиради.



Ҳайит намозларини ўқишга ният қандай қилинади?

Фитр ҳайити намози бўлса, «Икки ракатли фитр ҳайити намозини олдда турган имомга эргашиб ўқишни ният қилдим. Холис Аллоҳ таоло учун», деб дилдан ният ўтказилади. Агар Қурбон ҳайити намози бўлса, «Икки ракатли Қурбон ҳайити намозини олдда турган имомга эргашиб ўқишни ният қилдим. Холис Аллоҳ таоло учун», деб ният қилинади.



Ҳайит намозлари қай тариқа ўқилади?

Ҳар иккисининг ҳам фарқи йўқ. Ният қилинади. Таҳрима такбири айтилгандан сўнг Сано ўқилади. Ундан сўнгра имом ва қавм яна уч мартаба

«Аллоҳу акбар», деб такбир айтадилар. Ҳар айтганда қўлларини кўтариб бош бармоқларини қулоқ юмшоқларига етказадилар. Таҳрима такбиридан бошқа уч такбир айтилгандан сўнг имом овозини баланд чиқариб Фотиҳа сурасини ва яна бир сурани ўқийди. Тамом қилгандан сўнг рукуъга, кейин саждага бориб, саждадан сўнг иккинчи ракатнинг қиёмига туради ва яна Фотиҳа сурасини ҳамда яна бирор сурани овоз чиқариб ўқийди. Сура тамом бўлгандан сўнг имом рукуъга бормасдан илгари аввалги ракатдагидек яна бош бармоқни қулоқ юмшоқларига етказиб, уч маротаба такбир айтади. Уч такбир тамом бўлгандан сўнг яна такбир айтиб рукуъга ва саждага боради. Кейин ўтирган ҳолда бошқа намозлар сингари давом эттириб, охири салом беради ва намозни тамом қилади.



Ҳайит намозларининг бошқа намозлардан фарқи борми?

Фарқи шуки, ҳар ракатида уч маротабадан олти маротаба зиёда такбир айтилади. Бу такбирлар аввалги ракатда Санодан сўнг “Фотиҳа” сурасидан илгари айтилади, иккинчи ракатда “Фотиҳа” сурасидан ва унга қўшилган сурадан кейин айтилади, шундан сўнггина рукуъ қилинади. Ушбу такбирлар орасида қўллар тушириб турилади.



Ушбу такбирлар нима деб аталади?

Зоида такбири, деб аталади.



Ҳайит намози тамом бўлгач, имом нима қилади?

Минбарга чиқиб икки маротаба хутба ўқийди. Фитр ҳайити хутбасида фитр садақасининг ҳукмларини сўйлайди, Қурбон ҳайити хутбасида қурбонлик ҳукмларини сўйлайди.



Ҳайит намозининг бир қисми ўқилгандан сўнг имом салом бермасдан илгари бир киши келиб имомга эргашса, у киши нима қилади?

Бошқа намозларда бўлганидек қолган ракатини масбуқ бўлиб ўзи тамом қилади.



Бирор киши имом салом бергандан сўнг ҳайит намозига келиб қолса, у киши нима қилади?

Шу ҳолича қолади, қазо қилмайди.

ҚУРБОН ҲАЙИТИ КУНЛАРИ



Қурбон ҳайитидан олдинги кун қандай кун деб аталади?

Тарвия куни, деб аталади.



Тарвия куни қандай воқеа бўлган кундир?

Ҳазрати Иброҳим алайҳиссалом ўғли Исмоил алайҳиссаломни қурбон қилиб сўйиш ҳақида туш кўриб, «Бу нечук туш?» деб фикр ва андишага тушган кундир.



Арафа куни қандай воқеа бўлган кундир?

Иброҳим алайҳиссалом қилган назри хотирига келиб, тушини англаган кундир.



Қурбон ҳайити куни қандай воқеа бўлган кундир?

Иброҳим алайҳиссалом ўғли Исмоил алайҳиссаломни назри бўйича қурбонлик қилишга ҳозир бўлган кундир.



Иброҳим алайҳиссалом Исмоил алайҳиссаломни бўғизлаганми?

Бўғизлайман, деб турганда Жаброил алайҳиссалом келиб бўғизлашга қўймаган. Аллоҳ таоло амри билан Исмоил алайҳиссаломнинг ўрнига қўй келтириб бериб, шу қўйни қурбонлик қилишни буюрган. Шундан сўнг Иброҳим алайҳиссалом ўғлини озод қилиб, унинг ўрнига ўша қўйни қурбонлик қилган. Қурбон ҳайити кунида мазкур тариқа қурбонлик қилиш Ислам аҳлига Иброҳим алайҳиссаломдан қолган амалдир.

ТАШРИҚ ТАКБИРИ



Арафа, қурбон ҳайити ва ташриқ кунларида беш вақт намоздан сўнгра қандай амал вожиб саналади?

Арафа куни бомдод намозидан бошлаб учинчи ташриқ кунининг аср намозигача ҳар бир намознинг фарзини ўқиб салом бергандан сўнг ташриқ такбирини айтиш вожибдир.



Ташриқ такбири нимадир?

اللَّهُ أَكْبَرُ اللَّهُ أَكْبَرُ، لَا إِلَهَ إِلَّا اللَّهُ، وَاللَّهُ أَكْبَرُ اللَّهُ أَكْبَرُ وَلِلَّهِ الْحَمْدُ

«Аллоҳу акбар, Аллоҳу акбар, ла илаҳа иллаллоҳу валлоҳу акбар. Аллоҳу акбар ва лиллаҳилҳамд».

Яъни, «Аллоҳ таоло ҳар бир нарсадан улуғроқдир. Аллоҳ таолодан бошқа ибодат қилинадиган маъбуд йўқ. Аллоҳ таоло ҳар бир нарсадан улуғроқдир ва мақтовлар Аллоҳ таолога махсусдир».



Ушбу ташриқ такбири имом билан жамоат бўлиб ўқилганда вожиб бўладими ёки танҳо ўқилганда ҳам вожиб бўладими?

Жамоат билан ўқилганда ҳам, танҳо ўқилганда ҳам вожиб бўлади.

ТАРОВИҲ НАМОЗИ



Таровиҳ намози қандай амал?

Эркакларга ҳам, хотинларга ҳам ўқилиши лозим бўлган суннат амалдир.



Таровиҳ намози қайси ойда ва қайси вақтда ўқилади?

Рамазон ойида ҳар куни хуфтон намозидан сўнг, витрдан илгари ўқилади.



Имом жамоат билан бирга таровиҳни ўқиб турган замонда масжидга кириб қолган киши нима қилади?

Аввал хуфтон намозининг фарзини ўзи танҳо ўқийди, ундан сўнг таровиҳ учун имомга эргашади. Хуфтоннинг икки ракат суннати ўқилмаган ҳолича қолади. Таровиҳнинг қолган ракатларини сўнгра ўқийди.



Таровиҳ ҳаммаси неча ракатдир?

Ҳаммаси йигирма ракатдир.



Неча ракатдан ўқилади?

Икки ракатдан ўқиб, ҳар икки ракатда қаъдага ўтириб салом беради, ҳаммаси бўлиб ўн салом билан тамом бўлади. Тўрт ракатли қилиб ўқилса ҳам бўлади, лекин икки ракатни бир салом билан ўқиш афзалдир.



Таровиҳ жамоат билан ўқиладими ёки танҳо ўқиладими?

Танҳо ўқилса ҳам бўлади, аммо жамоат билан ўқиш савоблидир.



Таровиҳ намозида иқомат такбири айтиладими?

Айтилмайди.



Таровиҳ намозини ўқиш учун қай тариқа ният қилинади?

«Икки ракат таровиҳ намозини ўқиш учун ният қилиб, олдда турган имомга эргашдим. Холис Аллоҳ таоло учун», деб ният қилинади.



Таровиҳ намози орасида ҳар тўрт ракат ўқилгандан сўнгра қилинадиган суннат амал нима?

Тўрт ракат ўқиш миқдорича дам олиб ўтириб туриш суннатдир.



Ўтирган пайт қилинадиган мустаҳаб амал нима?

Тасбеҳ ёки таҳлил айтиб ўтириш мустаҳабдир.



Бизларнинг мамлакатларда қайси тасбеҳ айтилади?

Ушбу тасбеҳ айтилади:

سُبْحَانَ ذِي الْمَلِكِ وَالْمَلَكُوتِ، سُبْحَانَ ذِي الْعِزَّةِ وَالْعَظَمَةِ
وَالْقُدْرَةِ وَالْكِبْرِيَاءِ وَالْجَبْرُوتِ، سُبْحَانَ الْمَلِكِ الْحَيِّ الَّذِي لَا
يَمُوتُ، سُبُوْحٌ قُدُّوسٌ رَبُّنَا وَرَبُّ الْمَلَائِكَةِ وَالرُّوحِ، لَا إِلَهَ إِلَّا اللَّهُ
نَسْتَغْفِرُ اللَّهَ نَسْأَلُكَ الْجَنَّةَ وَنَعُوذُ بِكَ مِنَ النَّارِ

«Субҳана зил мулки вал малакут. Субҳана зил ғиззати вал ғазомати вал қудроти вал кибрийаи вал жабарут. Субҳанал маликил ҳаййил лази ла йамут. Суббухун қуддусур роббуна ва роббул малаикати варруҳ. Ла илаҳа иллаллоҳу настағфируллоҳ. Насъалукал жанната ва наъзузу бика минан нар».

Яъни: «Ердаги ва осмондаги махлуқот соҳиби ва эгаси бўлган Аллоҳ таолога тасбеҳ айтаман (яъни, Уни ҳар турли нуқсон ва камчиликдан покдир, деб эътиқод қиламан). Иззат, улуғлик, ҳам қудрат ва ғоятда баландлик эгаси бўлувчи Аллоҳ таолога тасбеҳ айтурман. У нуқсон ва камчиликлардан пок ва муназзаҳдир. Фаришталарнинг ва Жаброилнинг Яратувчиси ва Парвардигоридир. Бир Аллоҳдан бошқа ҳеч бир маъбуд йўқдир. Биз Аллоҳдан гуноҳларимизни афв қилмоқни сўрармиз. Ё Рабб,

Сендан жаннатни сўрармиз, дўзах ўтидан Сенга паноҳ тилаб сиғинамиз».



Таровиҳ намози тугагунча неча маротаба ўтириб шу тасбеҳ ўқилади?

Ҳар тўрт ракатдан сўнг ўқилади. Ҳаммаси бўлиб, беш маротаба ўқилади.



Таровиҳ намозида имом “Фотиҳа” сурасидан сўнг нима ўқийди?

Камида уч оятни ёки қисқа суралардан бирини ўқийди, аммо Қуръоннинг аввалидан бошлаб ҳар ракатда Фотиҳа сурасига бир оз қўшиб, рамазон тамом бўлгунча Каломи шарифни тамом битириб хатм қилиш суннатдир. Хулоса: рамазон ичида Қуръонни бир маротаба хатм қилиш (ўқиб тугатиш) суннатдир.



Имом ташаҳҳудни ўқиб тамом қилгандан сўнг, яъни «...Ъабдуху ва расулух»га етгандан кейин салавот ва дуоларни ўқийдими?

Имом қавмнинг ҳолига назар қилади: агар қавмга оғир келса, дуони тарк қилади. Аммо салавотни тарк қилмайди. Лекин «Аллоҳумма солли ʼала Муҳаммадин ва ʼала али Муҳаммад»га қадар ўқиса ҳам, кифоя қилади. Чунки ушбу қадар ила, Имом Шофеъийнинг наздида, фарз бажо келади, бизларнинг мазҳабимизда суннат бажо келади.



Имом таровиҳда қироатни ичида ўқийдими ёки овоз чиқариб ўқийдими?

Овоз чиқариб ўқийди.



Тарових намози тамом бўлгандан кейин қайси дуо ўқилади?

Ушбу дуо ўқилади:

اللَّهُمَّ صَلِّ عَلَى مُحَمَّدٍ وَسَلِّمْ، اللَّهُمَّ زَيْنَا بَزِينَةَ الْإِيمَانِ، وَشَرِّفْنَا بِشَرَفَةِ الْهَدَايَةِ وَالْعِرْفَانِ، وَأَكْرِمْنَا بِصِيَامِ شَهْرِ رَمَضَانَ، وَارْزُقْنَا الْجَنَّةَ وَالْغُفْرَانَ، وَتَقَبَّلْ مِنَّا تَرَاوِيحَنَا يَا سُبْحَانَ، وَاسْتَجِبْ دُعَائَنَا يَا حَنَّانُ، بِفَضْلِكَ وَجُودِكَ يَا مَنَّانُ، بِرَحْمَتِكَ يَا أَرْحَمَ الرَّاحِمِينَ

«Аллоҳумма солли ʔала Муҳаммадин ва саллим. Аллоҳумма зайина би зийнатил ийман ва шаррифна би шарофатил ҳидаяти вал ʔирфон ва акримна би сийами шаҳри рамазон варзуқнал жаннати валғуфрон ва тақоббал минна таровиҳана йа Субҳану, вастажиб дуʔа-ʔана йа Ҳаннон би фазлика ва жудика йа Маннон, бироҳматика йа арҳамар роҳимин».

Яъни: «Ё Рабб, Муҳаммад алайҳиссаломга ва ҳам унинг оиласига раҳмат ва салом етказгил. Ё Рабб, бизларни ҳидоят ва маърифат шарофатига мушарраф қилгин ва ҳам бизларни рамазон оий рўзаси билан икром ва ҳурматли қилгин ва бизларга жаннатни ва ҳам гуноҳларимизни афв қилмоқликни насиб қилгин. Эй пок Парвардигоро, бизлардан тарових намозларимизни қабул қилгин. Эй раҳм қилувчи Аллоҳ ва ҳам сўрамасдан берувчи Аллоҳ, Ўз фазлинг ва вужудинг билан дуоларимизни қабул қилгин. Эй Аллоҳ, ғоятда раҳмат ва яхшилик фақат Сенинг раҳматинг бирла ҳосил бўлгувчидир».



Таровиҳ тамом бўлгандан сўнг нима ўқилади?

Витр намози ўқилади.



Витр намози танҳо ўқиладими ёки имом билан ўқиладими?

Рамазон ойида имом билан ўқилади.



Имом витр намозини ичда ўқийдими ёки овоз чиқариб ўқийдими?

Уч ракатнинг ҳар қайсисида ҳам овоз чиқариб ўқийди.



Қунут дуосини-чи?

Ичда ўқийди.



Қунут дуосини имом орқасида турганлар ҳам ўқийдиларми?

Албатта, ҳар қайсилари ўқийдилар.

ЖАНОЗА НАМОЗИ



Жаноза намози қанақа намоздир?

Маййит, яъни ўлик учун ўқиладиган намоздир.



Жаноза намози фарзми, вожибми?

Фарзи кифоядир. Шу тариқаки, бир маййитга маҳалла жамоасидан бир киши ўқиса, кифоя қилади, бошқа кишилардан соқит бўлади. Улар ўқимаганлари сабабли гуноҳқор

бўлмайдилар. Агар ҳеч бир киши ўқимаса, гуноҳкор бўладилар. Қанча киши ўқиса, ўқиганларнинг ҳар қайсиси савобга эга бўладилар.



Жаноза намозининг шартлари нечта?

Саккиздадир: 1) таҳоратли бўлиш; 2) баданнинг пок бўлиши; 3) либоснинг пок бўлиши; 4) оёқ тарафи пок бўлиши; 5) авратни бекитиш; 6) қиблага қараб туриш; 7) ният қилиш; 8) маййит ювилган бўлиши (маййит зулм билан ўлиб, шаҳид бўлган бўлса, ювилмаган ҳолича жаноза ўқилади).



Жаноза неча ракатдир?

Жаноза намозида ракат йўқ. Тўрт такбир билан тамом бўлади. Ушбу тўрт такбир тўрт ракат ҳукмидадир. Жаноза намозида рукуъ, сажда, қаъда қилинмайди, қиёмда турган ҳолда тамом қилинади.



Жаноза намози қандай ўқилади?

«Ушбу маййит учун жаноза намозини ўқишни ният қилдим. Олдда турган имомга эргашдим. Холис Аллоҳ таоло учун. Аллоҳу акбар», деб қулоқ юмшоғига қўл бармоғини етказди. Сўнгра қўлларни боғлаб Сано ўқийди. Сано ўқигандан сўнг қўллари боғланган ҳолида иккинчи марта такбир айтади ва салавот ўқийди. Салавотдан кейин учинчи такбирни айтади. Сўнгра маййит балоғатга етган улуғ киши бўлса, ушбу дуони ўқийди:

اللَّهُمَّ اغْفِرْ لِحَيَاتِنَا وَمَيِّتِنَا، وَشَاهِدَاتِنَا وَغَائِبَاتِنَا، وَصَغِيرَاتِنَا وَكَبِيرَاتِنَا،

وَذَكِّرْنَا وَأُنثِّنَا، اللَّهُمَّ مَنْ أَحْيَيْتَهُ مِنَّا فَأَحْيِهِ عَلَيَّ الْإِسْلَامَ، وَمَنْ تَوَفَّيْتَهُ مِنَّا فَتَوَفَّهُ عَلَيَّ الْإِيمَانَ، بِرَحْمَتِكَ يَا أَرْحَمَ الرَّاحِمِينَ

«Аллоҳуммағфир лиҳаййина ва маййитина ва шаҳидина ва ғоибина ва соғирина ва кабирина ва закарина ва унсана. Аллоҳумма ман аҳйайтаху минна фа аҳйихи ʔалал Ислам ва ман таваффайтаху минна фатаваффаху ʔалал ийман, би роҳматика йа арҳамар роҳимин».

Ҳъни: «Ё Рабб, бизларнинг тирикларимизни, ўликларимизни, ҳозирларимизни, йўқларимизни ва кичикларимизни ва улуғларимизни, эркаларимизни ва хотинларимизни мағфират қилгин. Ё Рабб, бизлардан кимларга тириклик берсанг, Ислом дини устида турғизгин ва бизлардан кимни вафот қилдирсанг, имон устида вафот қилдиргин».

Агар маййит ёш бола бўлса, ушбу дуо ўқилади:

اللَّهُمَّ اجْعَلْهُ لَنَا فَرَطًا وَاجْعَلْهُ لَنَا ذُخْرًا وَأَجْرًا وَاجْعَلْهُ لَنَا شَافِعًا
مُشَفَّعًا

«Аллоҳумма ижʔалху лана фаротон важʔалху лана зухров ва ажрон важʔалху лана шафиʔам мушаффаʔан».

Ҳъни: «Ва бизлар учун шафоат қилувчи қилгин».

Ушбу дуоларни ўқигандан сўнг тўртинчи такбирни айтиб, қиёмда турган ҳолича икки тарафга салом беради. Шу тариқа жаноза намози тамом бўлади.



Жаноза намози тамом бўлгандан кейин қандай дуолар қилинади?

رَبِّ اغْفِرْ لَنَا وَهَذَا الْمَيِّتِ وَافْتَحْ لَهُ فِي قَبْرِهٖ، اللَّهُمَّ زِدْ أَجْرَهُ
وَلَا تُضِلَّنَا بَعْدَهُ

«Роббиғфир лана ва ли ҳазал маййити вафтаҳ лаҳу фи қобриҳи. Аллоҳумма зид ажроҳу ва ла тузиллана баъдаҳу», деб дуо қилинади.

Маъноси: «Ё Раббим, бизларнинг гуноҳлари- мизни ва ушбу маййитнинг гуноҳини афв қилгин, унга қабрида кенглик бергин. Эй Аллоҳ, ушбу маййитнинг ажрини зиёда қилгин ва бизларни залолатга ташламагин».



Жаноза намозида қатнашаётган киши такбирларни айтаётган чоғда бошини биров кўтарадими?

Йўқ, кўтармайди.



Жаноза намози ўқилганда маййит қаерда бўлади?

Жаноза намози ўқиётганларнинг олдида Қибла тарафда бўлади.



Қай тариқа қўйилади?

Боши шимол тарафда, оёғи жануб тарафда, чалқанчасига қўйилади.



Имом қаерда туради?

Қавмдан илгарироқ, маййитнинг кўкраги тўғрисида туради. Орадаги масофа сажда қилганда маййитнинг кўкрагига сажда қилгудек яқин бўлиши лозим.



Бир киши жаноза намози бошланиб, бирор такбир айтилгандан кейин келиб қолса, у киши нима қилади?

Имомга эргашиб, имом салом бергандан сўнг қолган такбирни, салавотни, дуони қазо қилиб намозни тугатади.



Агар жаноза бошланиб қолса, лекин таҳорати бўлмаса, агар таҳоратга машғул бўлса, жаноза намозига етишмаслик эҳтимоли бўлса, нима қилади?

Таяммум қилиб жаноза намозини ўқийди.

НАФЛ НАМОЗЛАРИ



Қандай нафл намозлари машҳурдир?

Ушбу ўн тўрт турли намозлар машҳурдир: истисқо намози, кусуф намози, хусуф намози, хавф намози, истихора намози, ҳожат намози, шукр намози, истиғфор намози, ишроқ намози, зуҳр намози, аввобин намози, таҳажжуд намози, ҳавл намози, мустаҳаб намозлари.



Истисқо намози қандай намоз?

Кўп вақт ёмғир ёғмай қолиб, экинлар ва ҳайвонларга зарар келиши эҳтимоли бўлганда Аллоҳ таолодан ёмғир тилаб ўқиладиган икки ракат нафл намозидир.



Истисқонинг маъноси нима?

Аллоҳ таолодан ёмғир тилаш, демакдир.



Истиско намози қаерда ва қай тарика ўқилади?

Бутун шаҳар ва бутун қишлоқ мусулмонлари жам бўлиб, саҳрога чиқадилар. Ёш болаларни ва ҳайвонларни олиб чиқадилар ва кимки ғоят ожиз бўлса, бечора ва ожизлик суратида чиқадилар ва фақирларга садақа берадилар. Золимлар мазлумларни рози қиладилар. Саҳрога чиққанда таҳоратли ҳолда ҳар қайси одам имомга қарши бўлиб туради. Шундан кейин имом халойиққа кўп ваъз-насихатлар қилади ва қавмларни гуноҳлардан тавба ва истиғфор қилишга таклиф этади. Ҳаммалари тавба-истиғфор қиладилар. Ундан кейин ҳар қайсилари ёлғиз ҳолда икки ракат намоз ўқийдилар.



У намозда нима деб ният қилинади?

«Икки ракат нафл намозни ўқишни ният қилдим. Холис Аллоҳ таоло учун»,

деб ният қилинади.



Қиёмда нима ўқилади?

Бошқа намозларга ўхшаб Фотиҳа сураси билан бирор сура ўқилади.



Намоздан сўнгра нима деб дуо ўқилади?

Ушбу дуо ўқилади:

اللَّهُمَّ اسْقِ عِبَادَكَ وَارْحَمْ بِهَائِمِكَ، اللَّهُمَّ أَمَرْتَنَا بِدُعَائِكَ
وَوَعَدْتَنَا إِجَابَتِكَ فَقَدْ دَعَوْنَاكَ كَمَا أَمَرْتَنَا وَأَجَبْنَا كَمَا وَعَدْتَنَا،

اللَّهُمَّ إِنَّ لَمْ تَرْحَمْ لَأَنْفُسِنَا لِكَسْرَاتِ دُنُونِنَا فَارْحَمْ صِبْيَانَنَا

«Аллоҳум-масқи ъибадака варҳам баҳаи-мака. Аллоҳумма амартана бидуъаик ва ваъад-тана ижабатака фақод даъавнака кама амар-тана ва ажабна кама ваъадтана. Аллоҳумма ин лам тарҳам лианфусина ликасароти зунубина фарҳам сибйанана».

Яъни: «Эй бор Худоё, бандаларингни сероб, ҳайвонларингга раҳм этгин. Эй бор Худоё, бизларни дуо этмоққа буюрдинг ва ҳам дуоларимизни ижобат этмоққа ваъда бердинг. Энди биз Сенга Ўз амринг билан дуо қилдик, бас, энди Сен ваъданг бўйича бизларнинг дуоларимизни қабул этгин. Ё Рабб, агар гуноҳларимизнинг кўплиги учун ўзларимизга раҳм қилмасанг, гуноҳсиз ёш болаларимизга ва ҳай-вонларимизга раҳм қилгин».



Шу тариқа неча кун истисқога чиқадилар?

Ёмғир ёғмаса, уч кунгача чиқадилар.



Ёмғир ёға бошласа, нима қиладилар?

Бошларини очиб, ёмғир сувига тутиб Худога шукр қиладилар.



Кусуф намози қандай намоз?

Офтоб тутилиб, нури кетганда имому жамоат билан масжидда ўқиладиган икки ракат намоздир.



Кусуф намозини имом қандай ўқийди?

Қироатни ичда қилади ва узун су-раларни ўқийди.



Намоздан сўнгра нима қиладилар?

Офтобнинг нури очилиб равшан бўлгунча тавба ва истиғфор айтиб, дуо қилиб турадилар.



Хусуф намози қандай намоз?

Ой тутилиб, нури кетган замонда ўқиладиган икки ракат намоздир.



Хусуф намози қаерда ва қандай ўқилади?

Ҳар ким ўз уйида ёлғиз ҳолда ўқийди.



Ушбу кусуф ва хусуф нима сабабдан бўлади?

Ҳар иккиси Аллоҳ таолонинг қудрати асаридир. Уларнинг сабабларини тафтиш қилиш бизларнинг вазифамиз эмасдир.



Кусуф ва хусуф бўлган вақтларда нима учун намоз ўқилади?

Шу қадар зўр махлуқларнинг нурлари кетишидан ибратланиб, уларнинг нурли бўлиши бандаларга ғоятда фойдали улуғ неъмат эканини хотирга тушириб, шукр қилиш учун намоз ўқилади.



Хавф намози қандай намоз?

Қаттиқ шамол, зилзила, ёмғир кўп ёғиб, сувлар тошқин бўлганда ёки қаттиқ совуқлар бўлганда ва ушбуларга ўхшаган хавфли воқеалар содир бўлганда ўқиладиган икки ракат нафл намоздир.



Ушбу хавф намозини ўқигандан сўнг нима қилинади?

Тавба ва истиғфор қилинади: «Ё Рабб, ушбу воқеанинг зараридан сақлагин», деб дуо ўқилади.



Истихора намози қандай намоз?

Бир улуғроқ ишни қилиш хайрли бўладими ёки бўлмайдими, деб шубҳага борган замонда ўқиладиган икки ракат нафл намоздир. Бир киши бир ишни қилишдан аввал шу тариқа шубҳага тушса, Аллоҳ таолодан хайрли ишини тилаб икки ракат нафл намози ўқийди. Намоздан сўнг келадиган истихора дуосини комил ихлос билан маъносини ўйлаб ўқийди, дуодан сўнг ўзининг дилига қарайди: дили қайси тарафга тортса ва қайси тарафга кўпроқ мойил бўлса, ўша тарафни қилади. Яъни, фараз қилинган ишнинг бўлишини истаб қолса, у ишни Худога топшириб қилади, агар дуо ўқигандан сўнг у ишга дили асло тортмаса, қилмайди. Ёки таҳорат қилиб икки ракат намоз ўқиб, истихора дуосини ўқигандан сўнг таҳоратли ҳолича қибла тарафга қараб ўнг ёнини босиб ётади, шу уйқусида хайрли туш кўрса, ўша қасд қилган ишни қилади. Агар хайрсиз туш кўрса, у ишни қилмайди.



Истихора дуоси қандай дуо?

Ушбу дуодир:

اللَّهُمَّ إِنِّي أَسْتَخِيرُكَ بِعِلْمِكَ وَأَسْتَعِينُكَ بِقُدْرَتِكَ وَأَسْأَلُكَ مِنْ فَضْلِكَ الْعَظِيمِ فَإِنَّكَ تَقْدِرُ وَلَا أَقْدِرُ وَتَعْلَمُ وَلَا أَعْلَمُ وَأَنْتَ عَلَّامٌ

الْغُيُوبِ، اللَّهُمَّ إِنْ كُنْتَ تَعْلَمُ أَنَّ هَذَا الْأَمْرَ خَيْرٌ لِي فِي دِينِي
وَمَعَاشِي وَعَاقِبَةِ أَمْرِي فَأَقْضِرْهُ لِي وَيَسِّرْهُ لِي ثُمَّ بَارِكْ لِي فِيهِ وَإِنْ
كُنْتَ تَعْلَمُ أَنَّ هَذَا الْأَمْرَ شَرٌّ لِي فِي دِينِي وَمَعَاشِي وَعَاقِبَةِ أَمْرِي
فَاصْرِفْهُ عَنِّي وَاصْرِفْنِي عَنْهُ وَاقْدِرْ لِي الْخَيْرَ أَيْنَمَا كُنْتُ، إِنَّكَ
عَلَى كُلِّ شَيْءٍ قَدِيرٌ

«Аллоҳумма инни астахийрука би ʻилмика ва астақдирука би қудротика ва асʼалука мин фазликал азийм. Фаиннака тақдиру вала ақдиру ва таъламу вала аъламу ва анта ʻалламул ғуйуб. Аллоҳумма ин кунта таъламу анна ҳазал амро хойрун ли фи дини ва маъаши ва ʻақибати амри фақдирху ли ва яссирху ли сумма борик ли фийҳи ва ин кунта таъламу анна ҳазал амро шаррун ли фи дини ва маъаши ва ʻақибати амри ~~фасрифху ʻанни васрифни ʻанху вақдур~~ лийал хойро айнама кунту иннака ʻала кулли шайъин қодир».

Маъноси: «Ё Рабб, батаҳқиқ, мен Сендан яхшилик талаб қилурман ва ҳам қудрат талаб қилурман, Сенинг улуғ фазлингни сўрарман, чунки Сен ҳар нарсага қодирсан, мен эсам ҳеч бир нарсага қудратим етмас. Сен ҳар нарсани билурсан, мен эсам ҳеч бир нарсани билмасман. Сен ҳар қайси ғайб нарсаларни билурсан, ё Рабб, агар ушбу мен қасд этган ишимни диним учун, дунёим учун ва охирагим учун ёмон деб билсанг, ул ишни мендан ва мени ул ишдан қайтаргин ва узоқ қилгин, батаҳқиқки, Сенинг ҳамма нарсага қудратинг ва кучинг етгувчидир».



Ҳожат намози қандай намоз?

Бир кишининг Аллоҳ таолодан талаб қиладиган ҳожати бўлган вақтда (яъни, бир мақсаднинг ҳосил бўлмоғини тилаган замонда) ўқиладиган икки ракат нафл намозидир.



Намозни ўқигандан сўнг нима қилинади?

Ҳолатда ихлос ила Аллоҳ таолодан ўзининг ҳожатини тилайди.



Шукр намози қандай намоз?

Бир мақсади ҳосил бўлган замонда ва ёки бир хайрли неъмат келган замонда шукрона қилиш учун ўқиладиган икки ракат нафл намоздир.



Тавба ва истиғфор намози қандай намоздир?

Хатолик билан бир гуноҳ иш қилса, пушаймон бўлса, тавба қилиб ўша гуноҳининг афв қилинишини Аллоҳ таолодан тилаб ўқиладиган икки ракатли нафл намоздир.



Бир киши шу тариқа тавба қилиб икки ракат нафл намоз ўқиб Аллоҳ таолодан гуноҳини тиласа, нима бўлади?

Аллоҳ таоло гуноҳини кечеришни ваъда қилгандир.



Ундай намозни ўқигандан кейин қандай дуо қилинади?

Ушбу истиффорни ўқийди:

أَسْتَغْفِرُ اللَّهَ، أَسْتَغْفِرُ اللَّهَ، أَسْتَغْفِرُ اللَّهَ تَعَالَى مِنْ كُلِّ ذَنْبٍ أَذْنَبْتُهُ
عَمْدًا أَوْ خَطَأً سِرًّا أَوْ عَلَانِيَةً وَأَتُوبُ إِلَيْهِ مِنَ الذَّنْبِ الَّذِي أَعْلَمُ
وَمِنَ الذَّنْبِ الَّذِي لَا أَعْلَمُ، إِنَّكَ أَنْتَ عَلَّامُ الْغُيُوبِ

«Астағфируллоҳ, астағфируллоҳ, астағфи-
руллоҳа таъала мин кулли занбин азнабтуҳу
ъамдан ав хотоан сиррон ав ъаланиятан ва ату-
бу илайҳи миназ-занбиллази аъламу ва миназ-
занбиллази ла аъламу иннака анта ъалламул
ғуйуб».

Маъноси: «Аллоҳ таолодан ҳар бир қилган гу-
ноҳларимни афв қилишини талаб қилурман,
қасддан хатолик ила ошкора, махфий, ўзим би-
либ ва билмай қилган гуноҳларимдан Аллоҳ тао-
лога тавба қилурман. Ё Раббим, Сен ғайбларни
билувчисан».



Ишроқ намози қандай намоз?

Офтоб тамом чиқиб бўлгандан кейин
ўқиладиган намоз.



Ишроқ намози неча ракат бўлади?

Икки ракат, тўрт ракат, олти ракат,
саккиз ракат қилиб ўқилади. Саккиз
ракатдан зиёда қилинмайди.



Зухо намози қандай намоз?

Офтоб чиқиб кўтарилгандан сўнг
ўқиладиган нафл намоздир.



Зухо намози неча ракат?

Икки ракат, тўрт ракат ёки олти ракат, саккиз ракат, ўн икки ракатдир. Ўн икки ракатдан зиёда қилинмайди.



Аввобин намози қандай намоз?

Шом намозини ўқигандан кейин ўқиладиган нафл намоздир.



Неча ракат бўлади?

Икки ракат, тўрт ракат ёки олти ракат бўлади.



Таҳажжуд намози қандай намоз?

Кечаси ярим кечадан сўнгра уйқудан туриб тонг отгунча ўқиладиган намоздир.



Неча ракат ўқилади?

Икки, тўрт, олти ракат.



Ҳавл намози қандай намоз?

Бир мусулмон кишининг вафоти куни савобини ўша маййитга бағишлаш учун шом намозидан кейин ўқиладиган намоздир. Унга «Алҳақумут-такасуру» сураси ўқилади.

БЕШИНЧИ ҚИСМ

РЎЗА, ЗАКОТ, ҲАЖ



Ислом динида фарз бўлган улғ ибодатларнинг учинчиси нима?

Рамазон ойида ҳар куни рўза тутиш.



Рўза тутиш қай тариқа бўлади?

Тонгдан то қуёш ботгунча оғзини ёпишга ният қилиб, ейиш, ичиш ва жинсий алоқа қилишдан сақланилади.



Рўзанинг фарзи нечта?

Учта. Биринчиси ният; иккинчиси ейиш ва ичишдан сақланиш; учинчиси жинсий алоқа қилмаслик.



Ниятсиз кунни емасдан, ичмасдан ва жинсий алоқа қилмасдан кеч қилса, рўзага ҳисоб қилинадими?

Рўза ҳисобига ўтмайди.



Рўзага қайси вақтдан ният қилинади?

Саҳарликдан сўнг тонг отгунча қилинган ният афзал. Тонг отгандан кейин катта чошгоҳгача ният қилса ҳам дуруст. Ундан кейин ният қилиш дуруст эмас. Катта чошгоҳ қиёмдан икки соат ёки икки соату чорак дақиқа аввалдир.




Бир киши тонгдан катта чошгоҳгача рўзага зид нарсани қилмасдан турса, катта чошгоҳдан озгина муқаддам ўша куннинг рўзасини ният қилса, шу рўза рўзага ҳисоб бўладими?

Албатта, рўзага ҳисоб бўлади.



Бир киши тонгдан кейин ҳам есаю ундан кейин чошгоҳгача шу куннинг рўзасини ният қилса, рўзаси дуруст бўладими?

Дуруст бўлмайди.



Рўзага ниятни тил билан қилиш керакми ёки фақат дил билан ният қилса кифоями?

Тил билан ҳам ният қилиш афзалдир, лекин фақат дил билан ният қилса ҳам кифоя. Аммо огоҳ бўлиш керакки, фақат тил билан ният қилиб дилнинг беҳабар қолиши ният эмас, чунки ният дилнинг ишидир. Чунончи, аксар авом одамлар тил билан бўлган ниятни ният деб эътиқод қиладилар. Масалан, намозда «ният қилдим»ни тил билан айтишни ният, дейдилар, ҳолбуки, ният фарз бўлган ибодатларнинг ҳаммаларига фақат тил билан ният қилиш ила ибодат дуруст бўлмайди. Мўътабар ният фалон амал ва фалон ибодатни қиламан, деб дилда қасд қилиш, дилдан ўтказишдир.



Рўза тутишда тил билан арабча ният қилмоқчи бўлса, нима деб ният қилади?

نَوَيْتُ أَنْ أَصُومَ صَوْمَ شَهْرِ رَمَضَانَ مِنَ الْفَجْرِ إِلَى الْمَغْرِبِ
خَالِصًا لِلَّهِ تَعَالَى، اللَّهُ أَكْبَرُ

«Наввайту ан асума совма шаҳри ромазона минал фаҳри илал мағриби, холисан лиллаҳи таъала. Аллоҳу акбар», деб ният қилинади.

Маъноси: «Аллоҳ таоло учун ихлос билан тонгдан то офтоб ботгунича рамазон ойининг рўзасини тутмоқликни ният қилдим».



Куюш ботгач, рўзаси тамом бўлганда нима қилади?

Олов тегмаган бирор таом ёки сув ила оғзини очади. Хурмога ўхшаш ширин таомлар билан оғиз очиш мустаҳабдир. Оғиз очилаётганда:

اللَّهُمَّ لَكَ صُمْتُ، وَبِكَ آمَنْتُ، وَإِلَيْكَ تَوَكَّلْتُ، وَعَلَى رِزْقِكَ
أَفْطَرْتُ، فَاعْفُرْ لِي يَا عَفَّارُ مَا قَدَّمْتُ وَمَا أَخَّرْتُ

«Аллоҳумма лака сумту ва бика аманту ва илайка таваккалту ва ъала ризқиқа афторту фағфир ли йа ғоффару ма қоддамту ва ма аххорту», деб айтилади.

Маъноси: «Эй бор Худоё, ушбу рўзамни фақат Сен учун тутдим ва Сенга имон келтирдим ва Сенга таваккал қилдим ва Сенинг берган ризқинг билан ифтор қилдим. Эй гуноҳларимни афв қилувчи Аллоҳ! Сен энди менинг аввалги гуноҳларимни ва охириги гуноҳларимни кечиргин ва ёрлақагин».

РЎЗАНИНГ СУННАТ, МАКРУҲ ВА МУФСИДЛАРИ



Рўза тутган кишига қандай ишларни қилиш суннат?

Сахарлик қилиш; субҳдан илгари рўзага ният қилиш; рўза билан нафсни ёмон ниятлардан тўхтатишни қасд қилиш; рўза бўлган ҳолда бефойда ҳамда ибосиз сўзларни гапириш ва эшитишдан ўзини сақлаш; киши билан уришмоқдан ва ҳар бир гуноҳ ишлардан ўзини тортиш; мумкин қадар зикр ва тасбеҳ ила ва ҳам Куръон ўқимоққа машғул бўлиш; қуёш ботган вақтда шом намозини ўқимасдан илгари оғиз очиш суннатдир.



Рўза тутган кишиларга қандай ишлар макруҳ ҳисобланади?

Фойдасиз сўзларни сўзлаш; ибосиз сўзларни сўзлаш; одамлар билан ёқалашиш; ҳаммомга тушиш; сувга шўнғиш; таомни татиб кўриш; ўтар рўза, яъни бир кун кечгача рўза тутиб оғиз очмасдан иккинчи кун рўзасини давом эттириш каби ишлар макруҳ.



Рўза тутган кишига қандай ишларни қилиш дуруст бўлади?

Сотиб оладиган нарсаларни тил теккизиб татиб кўриш, зарур бўлганда таом чайнаб бериш, кўзига сурма тортиш, юзини мойлаш, мисвоқдан фойдаланиш, қон олдириш, зулук солдириш, обдаста билан ғусл қилиш, совун билан покланиш дуруст бўлади, макруҳ эмас.



Рўзани қандай нарсалар бузади?

Кунжут қадар бўлса ҳам, таом-ейиш; бир қатра бўлса ҳам, сув ичиш; эр билан хотиннинг жинсий алоқа қилиши рўзани бузади.



Бир киши ўзининг рўза эканини била туриб ихтиёрий равишда рўзани бузадиган ишларни биринчи марта қилса, у киши нима қилиши лозим?

Рўзасининг қазосини тутиши ва ҳам каффорат қилиши лозим.

ҚАЗО ВА КАФФОРАТ



Рўзани қазо қилиш нима дегани?

Бузилган рўзасининг ўрнига рамазондан кейин рўза тутишдир. Неча кун рўзаси бузилган бўлса, шунча кун рўза тутати.



Каффорат қилиш нима дегани?

Бир қул озод қилиш, агар бунга қодир бўлмаса, рамазондан кейин орада бирор кун қолдирмай, муттасил олтмиш кун рўза тутиш, агар заифлик ва нотавонлик сабабидан олтмиш кун рўза тутишга қодир бўлмаса, олтмиш мискинга таом бериш каффорат қилишдир.



Олтмиш кун рўза муттасил бўлмаса, каффоратга кифоя қиладими?

Кифоя қилмайди, каффоратга олтмиш кун муттасил бўлиши лозим.



Бир киши каффорат учун рўза тута бошласа, олтмиш кунга етмасдан бирор кун рўза тутмай қолса, нима қилади?

Каффорат учун янгидан бошлаб олтмиш кун муттасил рўза тутади, аввалги тутган рўзаси каффоратга кирмайди.



Бир киши ният билан тутган рамазон рўзасидан бир неча кунни хато қилиб бузса, масалан, тўрт-беш кунни хато қилса, нима қилиши лозим?

Ҳар бир хато қилган кун учун бир кундан қазо рўза тутади, ундан кейин неча кун хато қилган бўлса, ҳаммаси учун бир каффорат лозим бўлади.



Бир киши бир ё бир неча кун рўза тутишни ният қилмасдан фосиқлик ила кундуз кун таом еб юрса, у киши нима қилмоғи лозим?

У киши рўза тутмай қолган кунлари учун қазо рўза тутади, ушбу қилган фиқҳ ишига пушаймон бўлиб, тавба ва истиғфор қилади. Аммо у кишига каффорат лозим эмас, чунки унинг гуноҳи ғоятда зўр ва катта гуноҳдирки, каффорат билан афв қилинадиган эмас, балки тавба ва истиғфор лозимдир.



Бир киши ўзининг рўза эканини билиб туриб хатолик билан оғзидан бирор таом кетса ёки сув ичиб юборса ёки бир кишининг зўрлик билан рўзасини бузса ёки рўзадор киши оғзини тўлдириб қайт қилса ёки тонг отмаган деб ўйлаб

таом еса, ҳолбуки, тонг отган бўлса ёки қуёш ботган деб ифтор қилса, шу кишининг рўзаси бузиладими?

Бузилади.



Энди у киши нима қилиши керак?

Ўша куни қуёш ботгунча рўзадор кишидек рўзани бузадиган нарсадан ўзини сақлаши ва ҳам рамазондан кейин ўша кун учун рўза тутиб бериши лозим. Аммо каффорат лозим эмас.



Рўза тутган кишининг димоғига чанг-ғубор ёки тупроқ, жун ёки тутунга ўхшаш нарсалар кирса, рўзаси бузиладими?

Бузилмайди, қазо ҳам, каффорат ҳам лозим эмас.



Оғзига қор ёки ёмғир кирса, рўзаси бузиладими?

Бузилади. Қазо қилиш лозим бўлади, аммо каффорат лозим эмас.



Ўзининг тупугини ютса, нима бўлади?

Рўза бузилмайди.



Бир рўзадор киши ўзининг рўза эканини эсдан чиқариб бирор таом еса, сув ичса, жинсий алоқа қилса, рўзаси бузиладими?

Бузилмайди, қазо ҳам, каффорат ҳам лозим эмас.



Бир рўзадор киши уйқудан жунуб бўлиб турса, хотинига қўл теккизиб эҳтилом қилса, рўзаси бузиладими?

Бузилмайди.



У кишига ғусл қилиш дурустми?

Сув ичига тушиб узоқ муддат ўтирмасдан ва ҳам обдаста билан ғусл қилиш дуруст. Аммо сув ичига тушиб узоқ муддат туришда баъзи жойларидан сув кириб рўза бузилиши эҳтимоли бор.



Рўза тутган киши тиш орасида қолган таомни еса, рўзаси бузиладими?

Нўхатдан кичик бўлса, оғзидан ташқарига чиқармай ютиб юборса, рўзаси бузилмайди, агар нўхот миқдорича бўлса ёки оғзидан чиқариб кейин ютса, бузилади.



У киши нима қилиши лозим?

Рўзасини қазо қилмоғи лозим бўлади, каффорат лозим эмас.



Қазо ва каффорат учун тутиладиган рўзаларга қай вақт ният қилиш лозим бўлади?

Кечаси ният қилиш лозим бўлади. Тонг отгандан кейин ният қилиш мўътабар эмас.



Ҳайз ва нифосли аёлларга рўза тутиш лозимми?

Дуруст эмас.



Бир аёл рамазон ичида ҳайзли ёки нифосли бўлса, нима қилади?

Ҳайзли ва нифосли кунларда рўза тутмайди. Неча кун рўзаси қолган бўлса, шунча кун қазосини тутади.

РЎЗА ФИДЯСИ



Бир қари киши рўза тутишга қуввати етмаса, нима қилади?

Ҳар бир куннинг рўзаси учун бир мискинга садақаи фитр миқдорича фидя беради.



Агар шу қари киши рамазондан кейин рўза тутишга қуввати етгудек бўлса, нима қилади?

Рамазонда тутилмай қолган кунларнинг қазосини тутади.



Ҳомиладор хотин ёки бола эмизадиган аёллар рўза тутган ҳолда ўзига ёки боласига зарар бўлишидан хавфсираса, рўза тутмаса ҳам дуруст бўладими?

Дуруст бўлади, лекин зарар етиши эҳтимоли аригандан сўнгра рўзаларининг қазосини тутади.



Бир бетоб киши рўза тутсам, бетоб-лигим зиёда бўлади, деб хавфсираса ва ё бир ишончли табиб рўза тутиш зарар қилади, деб ҳукм қилса, шу бетобга рўза тутмаслик дурустми?

Дуруст, соғлиғи тикланган пайтда рўзасининг қазосини тутади.



Мусофир кишига рўза тутмаслик дурустми?
Сафар кўп машаққатли бўлмаса, рўза тутиш афзал. Тутмаса ҳам дуруст, сафардан қайтгандан сўнг қазосини тутади.



Бир куннинг рўзасини тутиб бошлагандан кейин сафарга чиқиб кетса, рўзаси нима бўлади?
Агар рўзасини бузса, қазо лозим бўлади, каффорат лозим эмас.



Бир мусофир киши рўза тутишни ният қилмасдан эрта билан таом еса, ундан кейин кундуз куни уйига қайтиб келса, нима қилади?

Шу куни офтоб ботгунча рўза кишидек емак-ичмақдан ўзини сақлаб туради. Агар еса, ичса, қазо кифоя қилади, каффорат лозим эмас.



Бир кишининг қазога қолдирган рўзалари бўлса, тезлик билан қазосини тутиш лозимми?

Албатта, мумкин қадар вақтни ғанимат билиб, тезлик ила қазосини тутиш афзалдир.



Бир кишининг қазо рўзаларини тутишга вақти бўлсаю тутмасдан, орада яна бетоб бўлиб, вафоти яқинлашиб қолса, у киши нима қилса, вожиб?

Қолган рўзаларининг фидяси учун ворисларига васият қилиши вожиб бўлади.



У киши вафот қилса, ворислари нима қилади?

Ўша маййитдан қолган молнинг учдан бир бўлаги ҳисобидан фидя берадилар.

НАЗР ВА НАФЛ РЎЗАЛАР



Бир киши фалон иш бўлса, фалон кунда рўза тутаман, деса ёки фалон кун қадар рўза тутарман, деб назр айтса, у кишига нима қилиш вожиб бўлади?

Айтган назрини адо қилиш вожиб.



Назр рўзага қайси вақт ният қилинади?

Фалон кунда, деб ният қилса ҳам бўлади, кундуз куни катта чошгоҳгача ният қилинса бўлади, аммо қайси куни тутиши тайин қилинмаган бўлса, тонг отгунча ният қилиб қолиш лозимдир. Ундан кейин бўлмайди.



Рамазондан бошқа вақтда рўза тутиш дурустми?

Икки ҳайит кунларидан ва ташриқ кунларидан бошқа кунларда нафл рўза тутиш ду-

руст бўлади. Мустаҳабдир. Хусусан, душанба, пайшанба кунларида, ашур, ражаб оёи, барот ва арафа кунларида ҳам зулҳижжа ва муҳаррам ойларининг аввалги жума кунларида нафл рўза тутиш кўп савобли мустаҳаб амаллардандир.

РЎЗА ТУТИШ МАКРУҲ БЎЛГАН КУНЛАР



Қайси кунлар рўза тутиш макруҳ бўлади?

Икки ҳайит кунларида, Қурбон ҳайити кунидан кейинги уч кунгача, ёлғиз жума кунидан ва ёлғиз шанба кунидан рўза тутиш макруҳдир.



Жума ва шанба кунини ёлғиз тутмай, бир кун-икки кун қўшиб тутса, масалан, пайшанба ва жума кунини ёки шанба ила якшанба кунини нафл рўза тутса, макруҳ бўладими?

Макруҳ бўлмайди, дуруст бўлади.



Ният билан нафл рўзага киргандан сўнг шу рўзани бузиш дурустми?

Дуруст эмас, макруҳдир.



Зиёфатга чақирилгани сабабли ёки уйига меҳмон келгани сабабдан нафл рўзани бузса бўладими?

Зиёфат қилган киши кўнгли қолгудек бўлса ёки меҳмон бўлган кишининг кўнглига оғир келгудек бўлса, заволдан, яъни офтоб оғишидан илгари бўлса, бузмоқ дуруст бўлади. Аммо заволдан сўнг рўзани бузиш яхши эмас, бузмаган афзал.



Бир киши тутган нафл рўзасини бузса, нима қилиши керак бўлади?

Бузилган рўзасининг қазосини тутиши

ЛОЗИМ.

ОЙ КЎРИБ РЎЗАГА КИРИШ



Рамазон ойининг боши қайси кун бўлади?

Шаъбон ойининг йигирма тўққизинчи, яъни охирги куни кечаси ҳилол, яъни янги туғилган ой кўрилса, эртаси рўза рамазон бошидир.



Шаъбон ойининг йигирма тўққизинчисида ой кўринмаса, нима бўлади?

Шаъбон ойини ўттиз қилиб, ўттиз биринчи куни рамазон боши, деб ҳисоб қилинади.



Фитр ҳайити қайси кун бўлади?

Шаввол ойининг биринчи кунда бўлади. Рамазон ойининг йигирма тўққизинчи ё ўттизинчи кунда кечаси шаввол ойи кўрилса, эртага фитр ҳайити кунидир.



Ўттиз кун рўза тутгандан сўнгра кечқурун шаввол ойи кўринмаса, нима бўлади?

Рамазон ойининг боши шубҳали ҳисоб қилинмаган бўлса, эртаси фитр ҳайити кунидир. Агар рамазон боши шубҳали ҳисоб қилинган бўлса, ўттиз бир кун рўза тутилади, ўттиз иккинчи куни фитр ҳайити бўлади.



Ой кўриш хусусида неча кишининг гувоҳлиги лозим?

Офтоб ботган вақтда булут бўлмаса, янги ойни кўп киши кўрмоғи шарт. Бир, икки, уч кишининг сўзи қабул қилинмайди. Аммо агар тепада булут бўлса, рўза тутмоқ учун хоҳ эркак киши бўлсин, хоҳ хотин киши бўлсин, бир одил кишининг сўзи қабул қилинади. Аммо рўзадан чиқиш, фитр ийди учун икки одил эркак ва ё бир одил эркак ва икки одил хотин ойни кўриб гувоҳлик бермоғи лозимдир.



Кимлар одил киши саналади?

Улуғ гуноҳлардан ўзини сақлагувчи болиғ, оқил ва комил мусулмон кишилар одил саналадилар.



Шаъбоннинг йигирма тўққизинчи куни янги ой кўринмай қолса, ўттизинчи куни қайси ойдан ҳисоб қилинади?

Шаъбон билан рамазон орасидаги кун ўртоққа ўхшаш бўлади. У кун шаъбоннинг ўттизинчи куни бўлиши ҳам мумкин, рамазоннинг биринчи куни бўлиши ҳам мумкин, шу сабабдан у шак куни, деб аталади.



Шак кунида нима қилиш лозим?

Ҳар бир киши кун оққан вақтдан илгаригача ой кўрилгани тўғрисида хабар келиб қолиши мумкин, деб рўзадор бўлиб туриши лозим.



Ой кўрилган деб хабар келса ва султон қабул қилса, нима қилинади?

Ҳар бир киши ният қилиб рўза тутади.



Ой кўрилганнинг хабари етмаса, нима қилади?

Ҳар ким еб-ичиб юраверади, рўза тутмайди.



Шак кунда рўза тутиш дуруст бўладими?

Рамазон рўзаси, деб ният қилиб рўза тутиш дуруст бўлмайди, аммо нафл рўза тутиш дуруст бўлади. Агар шак кун нафл рўза ният қилгандан сўнг ушбу кун рамазондан эканлиги маълум бўлиб қолса, шу тутган рўзаси рамазон рўзасидан ҳисоб қилинаверади.

ЭЪТИКОФ БАЁНИ



Эътикоф нимадир?

Ният ва рўза билан жамоат масжидида умр кечирмоқдир.



Эътикоф зарур амалми?

Ҳар бир эркакка суннатдир.



Эътикофнинг энг ози неча кун?

Энг ози бир кун ва кўпроғи ўн кун.



**Рамазоннинг қайси кунларида
эътикоф қилиш суннат?**

Охирги ўн кунлигида.



**Хотинлар қаерда эътикоф қила-
дилар?**

Уйларида намоз учун тайёрланган жойлари бўлса, ўша ерда эътикоф қиладилар. Агар намоз учун тайёрланган жойлари бўлмаса, эътикоф қилмайдилар.



**Эътикоф қилган киши қаерда еб-
ичади, қаерда ухлайди?**

Масжидда.



**Эътикоф қилаётган кишининг мас-
жиддан чиқиши дуруст бўладими?**

Таҳорат синдириши ва таҳорат қилиш ва жума намози учун жомеъ масжидига бориш сингари узрли ишлар учун чиқса бўлади. Бошқа ишлар учун чиқиши дуруст эмас.



**Узрсиз, бирор дунёвий иш учун
масжиддан чиқса, нима бўлади?**

Узрсиз, дунёвий иш учун масжиддан чиқиб олти соатга қадар вақт ўтказса, эътикоф бузилади. Бошқатдан эътикоф бошлаши лозим бўлади.



**Эътикофда ўтирган кишилар мас-
жидда нима қиладилар?**

Намоз ўқийдилар, тасбеҳ айтадилар, Қуръон ва китоб ўқийдилар, илм ўргатадилар ва

Ўрганадилар, дуо қиладилар, китоб сўзидан сўзлашадилар, зарур бўлмаса, дунё сўзидан сўзламайдилар, дунё ишини қилмайдилар.



Эътикоф қилган киши хотинига яқинлашиши, баданини ушлаши, қучоқлаши ва ўпиши дуруст бўладими?

Дуруст бўлмайди, эътикоф бузилади.

ЗАКОТ

Ислом динида фарз бўлган улуғ ибодатларнинг тўртинчиси молга закот беришдир. Болиғ ва оқил мусулмон бўлган беш тоифа кишиларга закот бериш фарз қилинган. Закот бериш ёш болага, девона кишига, фақир кишига фарз бўлмайди, ҳатто бой бўлсалар ҳам.



Одамнинг моли қанча бўлса, закот бериш лозим бўлади?

Закот бериладиган молларнинг ҳар қайсисидан нисоб миқдорида молга эга бўлса, лозим бўлади. Бундан ташқари ўша мол ўзининг ва оиласининг тириклиги учун зарур моллардан зиёда бўлиши ва ўз қўлида бўлиши ҳамда ўзининг соф халол моли бўлиши керак.



Нисоб миқдоридан кам бўлган молдан закот бериладими?

Берилмайди. Ҳовли-ер, либос, идиш ва асбоблар ҳамда олим кишиларнинг китобаларига ўхшаш ўз ҳолатидаги моллардан ҳам закот лозим бўлмайди.



Қарздор кишининг қўлидаги молдан ҳам закот бериладими?

Қарзга етарли миқдордан берилмайди, қарздан ортиб қолган миқдори нисобга етса, ундан берилади.



Масалан, бир кишининг ўз ҳожатидан зиёда юз сўм ақчаси бўлса ва ҳам бир кишига берадиган юз сўм қарзи бўлса, шу юз сўмдан закот бериладими?

Берилмайди, чунки у ўз моли эмас, балки қарз берган кишининг молидир.



Бир кишининг икки юз сўм ақчаси бор бўлса, юз сўм қарзи бўлса, ушбу икки юз сўмдан закот бериладими?

Қарзга тегишли юз сўмдан бермайди, ортган юз сўм учун беради.



Ўз қўлида бўлмаган молдан закот бериладими?

Ўзининг вакили қўлида бўлса ёки бир бошқа кишининг қўлида бўлса ва унда борлигига ҳужжати бўлса, беради.



Бир кишининг бировга қарз берган моли бўлса, ўша молга закот бермоқ лозимми?

Қарздор киши ўша молнинг борлигига иқроп бўлса ёки мункар бўлса-да, лекин ўша молнинг борлигига ҳужжати бўлса, закот бериши лозим.



Йўқолган молга закот бериладими?

Берилмайди.

ЗАКОТ БЕРИЛАДИГАН МОЛЛАР



Қандай молларга закот берилади?

Ушбу уч турли молдан закот берилади: биринчиси олтин ва кумушдан; иккинчиси сотиладиган молдан; учинчиси саҳрода ўтлайдиган ҳайвонлардан.



Ушбу уч турли молдан бошқа ўз ҳожатидан ортиқ бўлган моллардан закот бериладими?

Берилмайди.



Истиқомат қилинадиган ҳовлига ва ҳовлида бор бўлган мато ва асбобларга закот бериладими?

Берилмайди.



Ижарага қўйиладиган ҳовли ва қўралар учун ва яна ўз мулки бўлган пичанлик ва экинлик ерлар учун закот бериладими?

Ушбу ҳовли ва ерларнинг ўз баҳоларидан закот берилмайди, аммо улардан пайдо бўлган ҳосил нисобга етса, закот берилади.



Олтин-кумушдан қай тарзда закот берилади?

Хоҳ ўтга солиб танга ясалган бўлса ҳам, хоҳ бир асбоб қилинган бўлса ҳам, хоҳ ҳеч бир нима

ясалмаган ва ўз ҳолича турган бўлса ҳам, ҳар қайсисидан закот берилади.



Мис ёки бирор нарса қўшилган олтин-кумушдан закот бериладими?

Мис қўшилган олтин-кумушда олтин ва кумуш кўп бўлса, закот берилади, миси кўп бўлса, берилмайди.



Мис ақчадан закот бериладими?

Мис ақча олтин-кумуш ақча ўрнига бадал бўлиб юргани учун, албатта, берилади.



Қоғоз ақчага закот бериладими?

Қоғоз ақча ҳеч бир вазҳдан пул эмас, балки хазинага қарз учун берилган кумуш ёки олтин ақчанинг санад ва ҳужжатидир. Шу сабабдан қоғоз ақчанинг ўзгинасидан закот берилмайди. Лекин шу қоғоз ақчанинг устига ёзилган сўм миқдорича хазинада сақланадиган кумуш ёки олтиндан берилади.



Қайси моллар сотиладиган моллардир?

Қанақа мол бўлса ҳам, сотишга ният қилинган молдир.



Закот бериладиган ҳайвонлар қайси ҳайвонлардир?

Қўй, эчки, хўкиз, сигир, туя, от сингарилар, агар улар олти ойдан зиёд саҳрода ўтлайдиган бўлса, закот бериладиган ҳайвонлар

қаторига ўтади. Хачир, эшак, охуга ўхшаш ҳайвонлардан закот берилмайди.



Ҳовлида хизмат учун ёки сути учун ёки жуни учун сақланадиган ҳайвонлардан ҳам закот бериладими?

Берилмайди.



Даштда ёки тоғда бўлган экин ва пичанга ўхшаш ва асал учун ҳам закот бериладими?

Уларга ўхшаш ердан чиқадиган нарса учун ва асал учун ҳам закот берилмайди, ушур берилади. Ушурнинг баёни қуйироқда келади.

ПУЛ ВА САВДО МОЛЛАРИНИНГ НИСОБЛАРИ



Олтиннинг нисоби қанча?

Йигирма мисқол. Яъни, йигирма мисқол олтини бор кишига ушбу олтиндан закот бермоғи фарз бўлади. (1 мисқол 4,68 граммга тенг.)



Йигирма мисқол олтиндан қанча закот берилади?

Қирқдан бири, яъни уч ярим мисқоли берилади.



Кумушнинг нисоби қанча?

Икки юз танга. Яъни, юз қирқ мисқол кумуши бор кишига ушбу кумушдан закот бермоғи фарз ҳисобланади.




Юз қирқ мисқол кумушдан қанчаси закотга берилади?

Қирқдан бири, яъни уч ярим мисқол миқдори берилади.



Қўлида нисобга етган ақчаси бўлиб, ҳовлиси ва ери ва бошқа зарур нарсалари бўлмаган, ижарада истиқомат қиладиган кишининг закот бериши фарзми?

Фарз бўлмаса керак, ихтилофлидир.



Сотиладиган мол нисобининг миқдори қанча?

Баҳоси юз қирқ мисқол кумуш баҳоси бўлса. Чунки сотиладиган мол ўз баҳоси миқдоридаги кумуш ҳукмидадир.



Нисобга етган сотиладиган молдан қанчаси закот берилади?

Олтин-кумушга ўхшаш қирқ бўлақдан бир бўлаги берилади. Масалан, қирқ сўмлик сотиладиган мол бўлса, бир сўм закот берилади.



Бир кишининг бироз олтини, бироз кумуши ва бироз сотиладиган моли бўлса-да, лекин алоҳида-алоҳида ҳеч бири нисобга етмаса, у кишига закот бермак фарз бўладими?

Мазкур молларнинг баҳоси бир-бирига қўшиб ҳисобланади, агар жами баҳоси кумуш нисобига етса, закот бериши фарз бўлади, етмаса, фарз бўлмайди.

ҲАЙВОНЛАРНИНГ НИСОБЛАРИ



Қўйнинг нисоби қанчадир?

Қирқтадир. Яъни, қирқ қўйи бор кишига закот бериш фарз бўлади. Қирқ қўйдан то бир юз йигирма қўйгача бир қўй берилади. Бир юз йигирма бир қўйдан то икки юз қўйгача икки қўй берилади. Икки юз бир қўйдан то уч юз тўқсон қўйгача уч қўй берилади. Тўрт юз қўй учун тўрт қўй берилади. Ундан сўнг ҳар бир юз қўй учун бир қўй берилади.



Совлиқ қўй билан эчкидан қай тарзда закот берилади?

Совлиқ қўй билан эчки қўй ҳукмидадир, қўй билан қўшиб ҳисоб қилинади.



Сигирнинг нисоби қанча?

Ўттиздадир. Яъни, ўттизта сигири бор кишига закот бериш фарз бўлади. Ўттиз сигир учун бир яшарлик эркак ёки урғочи тана берилади.



Ўттиздан зиёдасига нима берилади?

Ҳар бир сигир учун бир яшар тана баҳосининг қирқдан бири миқдорича пул берилади.



Қирқ сигир учун нима берилади?

Икки яшарлик тана берилади. Қирқдан зиёдасига ҳар бир сигир учун икки яшар тана баҳосининг қирқдан бири миқдорича

пул берилади. Олтмиш сигир учун икки дона бир яшарлик эркак ё урғочи тана берилади. Етмиш сигир учун битта бир яшар ва битта икки яшар тана берилади.



Туянинг нисоби қанча?

Бешта. Яъни, бешта туяси бор киши закот бериши фарздир.



Беш туя учун қанча закот берилади?

Беш туядан то тўққиз туягача бир қўй берилади. Ўн бир туядан то ўн тўрт туягача икки қўй берилади. Ўн беш туядан то ўн тўққиз туягача уч қўй берилади. Йигирма туядан то йигирма тўрт туягача тўрт қўй берилади. Йигирма беш туядан то ўттиз беш туягача бир яшарлик бир туя берилади.



Отнинг нисоби қанча?

Икки донадир. Лекин иккови ва ёки бири байтал бўлиши шартдир.



Отлар учун закотга нима берилади?

Ҳар отга баҳо қўйилиб, ўша баҳонинг қирқдан бири берилади. Масалан, қирқ сўмлик от бўлса, бир сўм берилади, юз сўмлик от бўлса, икки ярим сўм берилади.



Ҳайвонларнинг закоти учун берилиши лозим бўлган ҳайвоннинг ўрнига баҳолари миқдорича ақча берилса ҳам дурустми?

Албатта, дуруст бўлади.

НИСОБИГА ЙИЛ ТЎЛМОҚ БАЁНИ



Зако́т бир йилда неча марта берилади?

Йилда бир марта берилади.



Бир фақир кишининг қўлига нисоб миқдорича мол кирса, у молдан қачон закот бериши фарз бўлади?

Бир йил тўлгандан сўнгра закот фарз бўлади. Кейин шу моли кам бўлиб қолмаса, ҳар йили закот бериб туради.



Зако́т фарз бўлгандан сўнг бермасдан қўлида сақлаш дурустми?

Дуруст эмас, фарз бўлгандан кейин закот бериш керак, пайсалга солса, гуноҳкор бўлади, лекин баъзи уламолар айтганларки, пайсалга солиб орттирган гуноҳлари закот бергандан сўнг кўтарилади.



Бир кишининг йил аввалида ҳам, йил охирида ҳам нисоб миқдорича моли бўлса, лекин йил ўртасида камайиб турган бўлса, у кишининг закот бериши фарз бўладими?

Албатта, фарз бўлади. Чунки йилнинг охири муътабардир.



Бир кишининг йил аввалида бир нисоб моли бўлса, йил тўлгунча шу мол устига мол қўшилиб, миқдори

бир неча нисобга етса, бу кишининг неча нисобдан закот бериши фарз бўлади?

Йил охирида мол неча нисобга тўлган бўлса, шунча нисобга закот бериши фарз бўлади.

ЗАКОТ НИЯТИ



Бирор кишига садақа деб бироз ақча ёки бироз мол берилса, берган вақтида закотга деб ният қилинмаса, шу садақа закотга ҳисоб қилинса, дуруст бўладими?

Дуруст бўлмайди, чунки садақа закот ҳисобига ўтиши учун у бериладиган вақтда ёки атаб айириб қўйилган вақтда закотга ният қилиниши шартдир. Закот деб ният қилинмасдан берилган садақа закотдан ҳисоб қилинмайди.



Закот деб бериладиган мол қандай жинс ва зотдан бўлмоғи лозим?

Соф олтин ёки кумуш ақча ёки сотиб олинадиган бошқа мол бўлмоғи лозим.



Қоғоз ақча закот деб берилса, закотга ҳисоб қилинадими?

Шубҳалидир, чунки қоғоз ақча ҳақиқий ақча эмасдир, балки қарз қоғози-ва қарз ҳужжатидир.

ЗАКОТ БЕРИЛАДИГАН КИШИЛАР



Закотни қандай кишиларга бермоқ дуруст?

Нисобга етгудек моли бўлмаган фақир ва мискин кишиларга, моли ўз қўлида бўлмаган мусофир кишига ва байтул мол учун закот йиғмоқчи бўлган кишига бериш дуруст бўлади.



Қай тариқа берилади?

Байтул молга тайин қилинган кишидан бошқага ўз қўлларига мол қилиб, мулк қилиб топшириш лозим.



Садақаларни йиғишга тайинланган закот омили бўлган кишига закотни топшираётганда закот учун йиғилган молдан маълум бир қисмини хизмат ҳаққи, деб берса, дуруст бўладими?

Ҳа, закот йиғувчи бой киши бўлса ҳам, унга закот молидан бир миқдор бериш шариатда дуруст саналади.



Фақирларга таом қилиб берса, ош қилиб едирса, закотдан ҳисоб қилинадими?

Закотдан ҳисоб қилинмайди, чунки ош қилиб ошатиш бутун топшириб мулкидан чиқариб бериш эмасдир. Агар ошни бутунлай ўз қўлларига бериб юборса, закот ҳисобланаверади.



Закотни хайрия жамиятига берса, закот ҳисобига ўтадимми?

Тўппа-тўғри хайрия жамиятига берса, ҳисоб бўлмайди, хайрия жамияти хазинадорини фуқарога топшириш учун вакил қилиб берса, хазинадор у ақчани хайрия жамияти ақчасига аралаштирмасдан алоҳида сақлаб, фуқарога тамлик қилиб берса, албатта, закотдан ҳисобланади.



Закотга деган ақча ила мактаб, мадраса, масжид бино қилиш ёки кўприк қуриш ва ёки йўл тузатиш, маййит дафн қилиш ва шунга ўхшаш ишларни қилиш дуруст бўладими, закот ҳисоб қилинадими?

Ҳисоб қилинмайди.



Кишининг гарданида бўлган олинанидан пул ёки молни закотга ҳисоб қилиш дуруст бўладими?

Дуруст бўлмайди.



Кишидаги олинанидан ақчаси закот ўрнига ҳисоб қилмоқни хоҳлаган кишига нима қилиш лозим?

Қарздор кишига қарз миқдорича закотдан бериш керак, шунда у ақча қарздорнинг ақчаси бўлади, кейин у қарздор қарзини адо қилади.

ЗАКОТ БЕРИБ БЎЛМАЙДИГАН КИШИЛАР



Қандай кишиларга закот бериб бўлмайди?

Ўзининг ота-онасига, бобо ва бувисига, ўзидан туғилган болаларига, болаларининг болаларига, эр хотинига ва хотин эрига, нисоб қадар моли бўлган бой кишига ва бой кишининг сағир болаларига закот бериш дуруст эмас.



Закотни кимларга бериш яхшироқ?

Ўзининг фақир қариндошларига, илм толибларига, касб қилолмайдиган уламоларга, фақир, бева хотинларга, касбдан ожиз бўлган ҳақиқий фақир кишиларга бериш яхшироқдир.



Бой кишига берилган садақа закот ҳисоб қилинадими?

Закот ҳисоб қилинмайди, нафл садақа ҳам бўлмайди, балки тухфа ва ҳадя ҳукмида бўлади, давлати бўла туриб закот олган киши гуноҳкор бўлади.



Бир киши закот фарз бўлиб адо қилолмасдан вафот этиб кетса, қолган молидан закотни чиқариш лозим бўладими?

Закотни чиқаринглар, деб васият қилмаган бўлса, закот чиқариш лозим эмас, аммо закот чиқаринглар, деб васият қилган бўлса, қолган

молининг уч бўлагининг бир бўлагидан закот чиқарилади.

УШУР



Ушурнинг маъноси нима?

Молнинг ўн бўлагидан бир бўлаги, демакдир.



Қанақа молнинг ушурини бериш вожиб бўлади?

Ёмғир суви ва жилға суви билан ўсган ғаллалар, мевалар ва бедалар ушурини ҳамда шу ерда ҳосил бўлган асалнинг ушурини бериш фарз бўлади.



Ғалла қанча бўлса, ушурини бермак лозим бўлади?

Хоҳ оз бўлсин ва хоҳ кўп бўлсин, қанча бўлса ҳам, ушурини бериш лозим. Ушурда закотга тайин қилинган нисоб йўқ.



Қандай кишилар ғаллаларидан ушур бермоқлари лозим бўлади?

Бойми, фақирми, балоғатга етганми, етмаганми ҳамма ушур бериши лозим. Закотга ўхшаш ушурга бойлик, балоғатга етишлик шарт қилиб қўйилмаган.



Ҳосил бўлган ғалланинг қанчасига ушур берилади?

Қанча ҳосил бўлса, шунчасига ушур берилади, харажатлари ҳам чегирилмайди.



Ўтин ва қамишга ўхшаш нарсалардан ҳам ушур бериладими?

Берилмайди.



Ёмғир ёғмайдиган ерларда асбоб билан сув ташиб ўстирилган экинларга тўла ушур бериладими?

Тўла ушур берилмайди, балки ушурнинг қисми берилади, яъни йигирма бўлагидан бир бўлаги берилади.



Ушур кимларга берилади?

Фақирларга берилади, бошқа ўринларга берилмайди.



Ижарага олинган ерда ўсган экинларга ушурни ким беради? Ер эгасими ё ижарага олиб экин эккан

КИШИМИ?

Ерни ижарага олиб экин қилган киши беради. Баъзи уламолар ер эгаси беради, деганлар.

ФИТР САДАҚАСИ



Фитр садақаси қанақа садақадир?

Рамазон ойдан кейин фитр ҳайити кунда бериладиган садақадир.



Фитр садақаси бериш қандай кишиларга вожиб?

Шариатда бой деб ҳисоб қилинадиган кишиларга вожиб бўлади.



Қанча моли бўлган кишилар шариатда бой ҳисобланади?

Ўз ҳожатидан ортиқ кумуш нисоб миқдорича (яъни, ўттиз сўм ва ундан зиёда) моли бўлган киши бой ҳисоб қилинади.



Шунча моли бўлган киши садақа олса бўладими?

Дуруст бўлмайди, ҳаромдир. Ундай кишига берилган закот, ушур, фитр садақаси, фидя ва бошқа садақалар ҳеч қайсиси садақадан ҳисоб қилинмайди.



Ўз ҳожатидан зиёда ўттиз сўм миқдорича моли бўлмаган кишига фитр садақаси бериш вожиб бўладими?

Вожиб бўлмайди, лекин агар берса, савобсиз қолмайди.



Фақир кишиларга ҳам фитр садақаси бериш вожиб, дейиш дурустми?

Дуруст эмас. Садақа бериш вожиб, деган киши гуноҳкор бўлади. Гўё шариатга хиёнат қилган ҳисобланади.



Фитр садақасини бир киши фақат ўзи учунгина берадими ёки ўзига қарашли бошқа кишилар учун ҳам бериши вожибми?

Ўзи учун ҳам ва ёш болалари учун ҳам бериши вожибдир.



Хотини учун, катта ёшдаги болалари учун, моллик сабий ёш болалари учун фитр садақасини бериш вожиб бўладими?

Вожиб бўлмайди. Агар бой бўлсалар, уларнинг ўз гарданларига вожиб бўлади.



Агар бир киши хотини, катта ёшдаги болалари ва моллик сабий ёш болалари, хизматкорлари учун фитр садақасини ўзи берса, дуруст бўладими?

Албатта, дуруст бўлади.



Фитр садақасини қайси вақтда бериш вожиб бўлади?

Рамазон ўтгандан сўнг, ҳайит куни тонг отгач, бериш вожиб бўлади.



Қайси вақтда берса, савоблироқ бўлади?

Фитр ҳайити куни ҳайит намози ўқилмасдан илгари бериш савоблироқдир.



Агар бир киши фитр садақасини ҳайит намозини ўқигунча адо қилолмаса, у киши нима қилади?

Ҳайит намозини ўқигандан сўнг беради, бермасдан қолдирмайди.



Ҳайит куни бўлгунча рамазон ичида фитр садақасини бериб қўйиш дуруст бўладими?

Дуруст бўлади.



Фитр садақаси қандай кишиларга берилади?

Закот бериладиган фақир кишиларга.



Ҳар бир киши учун фитр садақасининг миқдори қанча?

Ҳар бир киши ярим соъ буғдой ёки бир соъ арпа ёки ярим соъ хурмо ёки бир соъ майиз бериши вожиб бўлади.



«Соъ» қанчага тенг келадиган ўлчовдир?

Саккиз юз йигирма саккиз мисқол, яъни саккиз қадоқ миқдорича буғдой сиғадиган ўлчовдир.



Ярим соъ буғдой неча мисқол бўлади?

Уч юз олтмиш тўрт мисқол бўлади.



Буғдой, арпа, хурмо, майиз ўрнига баҳолари баробар ақча берса бўладими?


Бўлади. Ҳатто фақирларга фойдалироқ бўлади.



Бир неча киши фитр садақасини тўплаб бирдан берса, дуруст бўладими?

Дуруст бўлади, лекин шундай бўлса ҳам, ҳар киши садақасини ўз номига атаб бергани афзалдир.

ФИДЯ



Фидя қанақа садақа?

Маййитнинг, яъни ўлган кишининг ўқилмай қолган намозлари ва тугилмай қолган рўзалари учун садақадир.



Ҳар бир қазо қилинган рўза учун қанча фидя берилади?

Ҳар кун учун бир фитр садақаси миқдорича берилади, яъни уч юз олтмиш тўрт мисқол қадар буғдой ёки етти юз йигирма саккиз мисқол қадар арпа берилади.



Ҳар бир ўқилмаган намоз учун қанча фидя берилади?

Беш вақт намознинг ҳар бири учун ҳам, витр-намози учун ҳам фитр-садақаси миқдорича берилади.



Умри ичида баъзи намози ва баъзи рўзаси қазога қолган киши вафот қилишидан хавфланган замонда нима қилса, вожиб бўлади?

Қолган намоз-рўзалари учун ворисларига васият этмоғи вожибдир.



Киши шу тариқа васият қилиб вафот этгач, ворислар қанча миқдор фидя беришлари керак?

Маййитдан қолган молнинг уч бўлагининг бир бўлагидан бериши лозим бўлади.



Қолган молнинг учдан бири фидя-сига етмайдиган бўлса, нима қилади?

Учдан бири қанча бўлса, ўшанча берилади, етмаган миқдори берилмайди. Агар ворислари учдан биридан зиёда қилиб берсалар, савобли бўлади. Бир маййит фидя беринглар, деб васият қилмасдан вафот қилса, унинг учун ворислари қолган молдан фидя берсалар, ғоятда савобли бўлади.



Бир маййитнинг ҳеч бир моли қолмаса, у маййит учун бошқа киши ўз молдан фидя берса, дуруст бўладими?

Дуруст бўлади.



Маййитнинг қазога қолган рўза ва намозлари миқдори маълум бўлмаса, нима қилинади?

Тахмин қилиб берилади. Балоғатга етган замондан ҳисоб қилиб, вафот қилган замонигача ҳар бир намози ва рўзаси учун фидя берилади. Тутилган рўза ва ўқилган намозлари учун ҳам берса, зарари йўқдир, чунки ҳар бир қилинган амалнинг мақбул бўлмоғи маълум эмасдир. Ҳаттоки, ҳеч бир рўза ва намози қазога қолмаган киши ҳам бутун умрида рўза ва намозлари учун фидя берса, фойдадан ҳоли эмасдир.



Фидянинг тариқаси қандай?

Эр киши бўлса, ўн икки ёшини, хотин киши бўлса, тўққиз ёшини чиқариб

хисобланади. Кейин маййитнинг боқий қолган умри учун фақирга фидя берилади.



Фидя қай миқдорда берилади?

Агар ўша маййитнинг қолган молининг учдан бири фидяга кифоя қилгудек бўлса, ҳаммаси бирдан фақирга берилади.



Бир йиллик рўза ва намознинг фидяси қанча миқдор буғдой бўлади?

Икки юз ўттиз олти пуд ва йигирма ярим қадоқ буғдой бўлади.



Ушбу буғдой ва арпа ўрнига баҳоси қадар ақча берса, дуруст бўладими? Дуруст бўлади.



Садақаси қанақа кишиларга берилади?

Закот бериладиган фақир кишиларга берилади.

НАФЛ САДАҚА



Нафл садақа қандай садақа?

Закот, ушур, фитр садақаси, фидя ва каффоратлардан бошқа, кишига фарз ё вожиб ёки лозим бўлмаган садақадир.



Нафл садақа бермоқ лозимми?

Фарз ё вожиб эмас, лекин ғоятда савобли, мустаҳаб амалдир. Гуноҳлар-

нинг афв қилинишига, балолардан сақланишга сабаб бўлади.



Фақирлиги сабабидан садақа сўраган кишига қанақа муомала қилинади?

Оз бўлса-да, бирор нарса бериб юборишга ҳаракат қилиш керак. Бермаганда ҳам унга қаттиқ сўз айтмай, берганини миннат қилмай, юмшоқ сўз билан кўнглини кўтариш лозим. «Ҳар иккимизга Аллоҳ таоло хайрли давлат берсин», деб дуо қилган яхши.



Садақа олган киши садақа берган кишини нима деб дуо қилади?

Ушбу дуо билан дуо қилади:

اللَّهُمَّ احْفَظْ صَاحِبَ هَذِهِ الصَّدَقَةِ عَنِ الْآفَاتِ وَالْبَلِيَّاتِ، وَاعْفِرْ
ذُنُوبَهُ وَأَكِّدْ إِيْمَانَهُ، وَوَفِّقْهُ عَلَى خَيْرِ مَقْاصِدِهِ

«Аллоҳум-махфаз соҳиба ҳазихис-содақоти ʔанил офоти вал балийʔати вағфир зунубаҳу ва аккид ийманаҳу ва ваффиқҳу ʔала хойри мақосидих».

Маъноси: «Эй бор Худоё, ушбу садақа қилувчи кишини ҳар турли офат ва балолардан сақлагин ва ҳам унинг имонини қутлуғ қилгин ва ҳам унинг молларини кўп қилгин ва ҳам уни хайрли мақсадларига етказгин».

ҚУРБОНЛИК



Қурбонликнинг маъноси нима?

Аллоҳ таоло учун бўғизланадиган ҳайвондир.



Қурбонлик қандай кишига вожибдир?

Ўз ҳожатидан ортиқ кумуш нисоби миқдорича моли бўлган бой кишига вожиб бўлади.



Қурбонлик қайси вақтда сўйилади?

Қурбон ҳайити куни, яъни зулҳижжа ойининг ўнинчи кунида қурбон ҳайити намози ўқилган сўнг сўйилади.



У кунда сўйилмай қолса, нима қилади?

Ўн биринчи ёки ўн иккинчи зулҳижжада сўйилса ҳам дуруст бўлади.



Ўн учинчи куни сўйилса-чи?

Дуруст бўлмайди, чунки ўн иккинчи зулҳижжада қуёш ботгандан кейин қурбонлик сўйишнинг вақти чиқади.



Қурбонликни кечаси сўйса бўладими?

Дуруст бўлмайди, макруҳ бўлади.



Бир киши ўн биринчи ва ўн иккинчи зулҳижжада қурбонликни сўя олмай қолса, нима қилади?

Қурбонлик учун олган ҳайвонни ёки ўша ҳайвон баҳоси миқдорича ақчани садақа қилади.



Қурбонликка қандай ҳайвонларни сўйса бўлади?

Қўй, эчки, сигир, туя каби туёғи ёриқ ҳайвонларни қурбонликка сўйиш дуруст.



Товуқ, ғоз ва отга ўхшаш ҳайвонлардан қурбонлик қилса бўлмай-дими?

Дуруст бўлмайди.



Қўй, эчки неча киши учун қурбонликка кифоя қилади?

Ҳар бири бир киши учун кифоя қилади.



Сигир, туя неча киши учун қурбонликка кифоя қилади?

Ҳар бириси бир кишидан то етти кишигача кифоя қилади.



Етти киши жам бўлиб бир сигирни қурбонлик қилсалар, гўштини қай тариқа бўлиб оладилар?

Тарози билан ўлчаб оладилар.



Қурбонликнинг териси нима қилинади?

Фақирларга берилади ёки сотиб пули фақирларга садақа қилинади.



Терини масжид имомига берса бўладими?

Агар фақир бўлса, берса бўлади.



Қурбонлик қилган киши қурбонлигининг гўштини нима қилади?

Фақирларга улашади ва зиёфат қилади ҳамда ўзининг оила аъзоларига улашади.



Қурбонликни ким бўғизлайди?

Қурбонлик қилган киши бўғизлашни яхши билса, ўзи бўғизлайди, билмаса, бошқа бир кишига бўғизлатиб, ўзи устида дуо қилиб туради.



Қурбонлик қилинадиган қўй ёки эчки неча ёшли бўлиши керак?

Бир яшар бўлиши керак.



Олти ойлик қўйни қурбонлик қилса, дуруст бўладими?

Агар ўша қўй семиз ва жуссаси бир яшар қўйнинг жуссасидек катта бўлса, дуруст бўлади.



Қурбонлик бўладиган сигир ва ё хўкиз неча яшар бўлмоғи керак?

Икки яшар бўлмоғи лозим.



Туя неча яшар бўлмоғи лозим?

Беш яшар бўлмоғи лозим.



Девона, қўтир, қирчанғи, шохсиз, ахта қилинган ҳайвонлар қурбонликка ярайдими?

Қурбонликка ярайди.



Қандай ҳайвонлар қурбонликка ярамайди?

Ниҳоятда ориқ, юролмайдиган, оқсоқ, қулоғининг ё думининг учдан биридан ортиқроғи кесик бўлган ҳайвонлар, бир ё икки кўзи кўр, оғзида ҳеч бир тиши қолмаган ҳайвонлар қурбонликка ярамайди.



Қурбонлик учун қайси ҳайвонлар афзалроқ?

Оқ ёки кўк рангли, катта шохли, аъзоси саломат, семиз қўчқор афзалдир.

ҚУРБОНЛИК СЎЙИШНИНГ ЙЎЛИ



Қурбонлик қай тариқа сўйилади?

Аталган ҳайвон юмшоқлик, мулоимлик ва шафқат ила сўйиладиган жойга келтирилади ҳамда пичоқни ҳайвонга кўрсатмасдан қайраб, ўткир қилиб, қиблага тўғрилаб, чап тарафи билан ётқизиб сўйилади, тамом жони чиқмасдан териси ажратилмайди.



Қурбонликни сўядиган киши сўядиган вақтда қайси дуони ўқийди?

Ушбу дуони ўқийди:

اللَّهُمَّ إِنَّ صَلَاتِي وَنُسُكِي وَمَحْيَايَ وَمَمَاتِي لِلَّهِ رَبِّ الْعَالَمِينَ، لَا شَرِيكَ لَهُ وَبِذَلِكَ أُمِرْتُ وَأَنَا أَوَّلُ الْمُسْلِمِينَ

«Аллоҳумма инна солатий ва нусуки ва маҳйайа ва мамати лиллаҳи роббил ғаламийн ла шарика лаҳу ва бизалика умирту ва ана аввалул муслимийн».

Яъни: «Ё Рабб, менинг намозим ва ибодатларим ва тириклигим ва ўлмаклигим барча оламнинг эгаси бўлган ва зотида ҳеч шериги йўқ Аллоҳ таоло учундир ва ушбу қурбонлик қилмоққа буюрилиб-дурман, ул амал ҳусусида ишонгувчи ва итоат қилувчилардандурман».



Қурбонликнинг кимдан аталгани қай тариқа билинади?

Қурбонлик эгаси ёки қурбонликни сўядиган киши ўзи тилида: «Эй Аллоҳ таоло, ушбу қурбонликни фалон-фалон ўғлидан ё фалон-фалон қизидан қабул қилгин», дейди. Шундан кейин «Бисмиллаҳу Аллоҳу акбар» деб бўғизлайди.



Қурбонлик қиладиган киши сочини олдирса ва тирноғини олса, дуруст бўладими?

Ҳожиларга ўхшаш учун қурбон ойи киргандан сўнг қурбонлик қилгунча сочини олдирмасдан ва тирноғини олмасдан туриши мустаҳабдир.

НАЗР ВА АҚИҚА



Агар бир киши фалон мақсадим ҳосил бўлса, жонлиқ сўяман, деб айтса, сўймоқ лозим бўладими?

Мақсадим ҳосил бўлса, жонлиқ сўйиб гўштини ва терисини фақирларга садақа қилиб бераман, деса, лозим бўлади. Агар гўшти ва терисини садақа қилишни ният қилмаса, лозим бўлмайди.



Шу киши назр қилган ҳайвонни бўғизласа, кейин нима қилади?

Назри бўйича гўшти ва терисини фақирларга садақа қилади.



Ақиқа нима?

Бола туғилгандан сўнг еттинчи куни жонлиқ сўймоқдир.



Бола туғилганда неча жонлиқ бўғизланади?

Ўғил болалар учун икки қўй, қиз болалар учун бир қўй бўғизланади.



Ақиқа кимга берилади?

Устихонларини синдирмасдан бўлак-лаб пишириб ёки пиширмасдан бола доясига ва бошқа фақирларга ҳам берилади.



Ақиқа қилиш суннатми ё мустаҳабми?

Мустаҳабдир, лекин баъзи уламолар суннат, демишлар ва баъзилари макруҳ демишлар.



Худодан бошқага назр қилиш нечукдир?

Масалан, «Ҳазрати Ғавсил Аъзамга бир қўй ва ёки ўн бир танга назр қилдим» ва ёки «Ҳазрати Баҳоуддинга етти танга назр қилдим» ва ёки «Ушбу ўғлимнинг бошини ҳазрати Занги отага назр қилдим» ва шунга ўхшаш иборалар авом одамлар ўрталарида кўп учрайди. Чунончи, бир киши бирор эшонга инобат қилиб зиёратига борганда бирор нарса олиб борса, уни назр исми билан атаб, ушбу нарса сизга назрдур, дейди. Бунга ўхшаш гап-сўзларни баъзи уламолардан ҳам эшитса бўлади. Бу тариқа назрлари асло жоиз ҳам, дуруст ҳам эмас. Шу тариқа назр қилган кишилар гуноҳкор бўладилар. Ҳатто, баъзилар буни куфрга нисбат берганлар. Ушбу нарсани менга назр қилган экан, деб олган кишига ҳам ҳалол эмас. Ҳадя ё садақа деб берилса, олса бўлади.

ҲАЖ

Ислом динида фарз бўлган амал ва ибодатларнинг бешинчиси Маккаи Мукаррамага бориб ҳаж қилмоқдир.



Ҳаж қилмоқ қандай кишига фарз бўлади?

Оқил ва болиғ, аъзоси саломат бўлиб, Маккаи Мукаррамага бориб қайтгунча кифоя қилгудек йўл харажати ва ҳам бориб қайтиб келгунча уйида оила аъзоларининг нафақаларига ҳам кифоя қилгудек моли бўлган бой кишига фарздир. Девона кишига, вояга етмаган болага, фақир кишига, бетоб кишига ва кўр кишига ҳаж қилиш фарз бўлмас.



Маккаи Мукарраманинг ўзида ва яқин атрофида бўлган фақир кишиларга ҳаж қилиш фарз бўладими?

Албатта, фарз бўлади, чунки уларга йўл харажати керак эмас, шу сабабдан фақир бўлсалар ҳам, бой кишиларнинг ҳукмидадирлар.



Маккаи Мукаррамадан узоқ ерда бўлган бир фақир киши жидду жаҳд ила машаққатлар чекиб Маккаи Мукаррамага етиб борса, шу фақир кишига ҳаж фарз бўладими?

Маккаи Мукаррамага яқинлашгунча фарз бўлмайди. Яқинлашгандан кейин фақир бўлса-да,

ҳаж қилиш мумкин бўлиб турса, ҳаж қилиш фарз бўлади.



Ҳаж қилишнинг шарти нима?

Маккаи Мукаррамага боргунча йўлда ҳар турли офат ва зарарлардан тинч ва омонликда бўлиш.




Хотинларга ҳаж қилиш фарзми?

Давлати ва саломатлиги бўлиб, ўзи билан ҳамроҳ боришга эри ёки бирор маҳрам қариндоши бўлса, фарз бўлади, ёлғиз ўзи бормайди.



Умр ичида неча марта ҳаж қилиш фарздир?

Бир марта ҳаж қилиш фарз, иккинчи марта ҳаж қилмоқлик нафл ибодатдир.



Гарданида ҳаж қилиш фарз бўлган киши шу йилда ҳаж қилолмасдан кейинги йилга қолдириши дуруст бўладими?

Дуруст бўлмайди, йўл хавфсиз ва эминлик бўлганда тезлик билан ҳажни адо қилмоғи лозим.



Йўл нотинч бўлганда қолдирса-чи?

Тинчлик бўлгунча қолдириб турса, дуруст бўлади. Бир кишига ҳаж фарз бўлиб вақтида адо қилолмаса, ундан сўнгра йўл юришга қудрати етмайдиган даражада заиф ва нотавон, қувватсиз бўлиб қолса, у киши ўз ўрнига

бошқа кишини юбориб ҳаж қилдириши лозим бўлади.



Ўзидан бошқа кишини юбориб, ҳаж соқит бўлиб, иккинчи марта ўзига ҳажга бориш лозим эмасми?

Нотавонлик, беқувватлик билан ўлиб кетса, ҳаж гарданидан соқит бўлади, ҳаж қилган кишининг ҳукмида кетади. Аммо бир кишини юбориб ҳаж қилдиргандан сўнг соғайиб, қувватланиб кетса, ўша вақтда давлати бўлса, иккинчи ҳаж қилиш унга фарздир.



Ўша нотавон киши ўзи ҳаёт вақтида бошқа кишини юбориб ҳаж қилдирмасдан вафот этиб кетса, нима бўлади?

Ҳаж қилдиришлар, деб васият қилган бўлса, қолган молининг учдан биридан ворислари ҳаж қилдирадилар, ҳажи ҳаж бадалидадир.



Ҳаж амаллари қайси ойда қилинади?
Зулҳижжа ойида қилинади.



Ҳажнинг фарзи нечта?
Ҳажнинг фарзи учта: биринчиси, эҳром, яъни ҳажни дили билан ният қилиш; иккинчиси, Маккаи Мукаррамадан ташқарида жойлашган Арафот деган тоғда тўхтаб зикру дуода бўлиб туриш; учинчиси, Маккаи Мукаррамада Каъба номли муборак уйни тавоф қилиш, яъни айланиш.

Танбеҳ: аксар авом одамлар эҳром, деб ният қилган ҳолатда боғлайдиган лунгини айтадилар. Бу хатодир. Чунки «эҳром»нинг маъноси-ният қилмоқдир ва у лунги ҳожиларнинг эҳромда бўлган ҳолатдаги либослари, холос.

ҲАЖ АМАЛЛАРИ



Ҳаж амаллари нималардан бошланади?

Эҳром (ният) қилмоқдан бошланади.



Қайси жойдан эҳром қилинади?

Маккаи Мукаррамага етмасдан «Мийқот» деб аталадиган жойлар бор. Ўша жойларнинг бирида эҳром қилинади.



Ҳожилар қай тариқа эҳром қиладилар?

Мийқотга бориб етгандан сўнг мўйлабларини қисқа қиладилар, тирноқларини оладилар, одатда киядиган либосларини ташлайдилар, ғусл қилиб, эҳром либосини киядилар.



Эҳром либоси қандай либос?

Эҳром либослари икки бўлак матодан иборат. Бири «изор» деб аталади ва белдан қуйиси ўралади, иккинчиси «ридо» деб аталади ва белдан юқориси ўралади.



Кейин нима қилинади?

Икки ракат намоз ўқилади, ундан сўнг:

اللَّهُمَّ إِنِّي أُرِيدُ الْحَجَّ فَيَسِّرْهُ لِي وَتَقَبَّلْهُ مِنِّي

«Аллоҳумма инни урийдул ҳажжа файас-сирху ли ва тақоббалху минни», деб ҳажни ният қилади.

Маъноси: «Эй Рабб, мен, албатта, ҳаж қилмоқни ният қиламан, уни менга енгил қилгин ва ҳам ҳажни мендан қабул қилгин».



Сўнгра нима қилади?

Талбия айтади:

لَبَّيْكَ اللَّهُمَّ لَبَّيْكَ، لَبَّيْكَ لَا شَرِيكَ لَكَ لَبَّيْكَ، إِنَّ الْحَمْدَ
وَالنِّعْمَةَ لَكَ وَالْمُلْكَ، لَا شَرِيكَ لَكَ

«Лаббайкаллоҳумма лаббайк, лаббайка ла шарика лака лаббайк. Иннал ҳамда ван-неъмата лака вал мулк ла шарика лак», деб такрорлай бошлайди.

Маъноси: «Ё Рабб, чақириғингга биноан лаббай, деб келдим. Сенга ҳеч шерик йўқдир. Ҳамма яхшилик ва ҳамма мақтов ва ҳар бир неъмат Сенга махсусдир ва хожалик Сенгадур. Сенга ҳеч шерик йўқдир».



Ушбу талбия айтилгандан сўнг нима қилинади?

Ушбу талбия билан ҳаж амалига кириш қисми тамом бўлади. Энди у киши Қурбон ҳайити кунларида эҳромдан чиққунча «муҳрим» деб аталади. Муҳрим эҳромли киши, демакдир. Ва у муҳрим ҳолича Маккаи Мукаррамага боради.

ЭҲРОМЛИ КИШИ



Муҳрим киши қайси ишларни қилиши ва қайси ишлардан сақланиши лозим?

Одобдан ташқари сўз сўзлаш, хотини билан яқинлик қилиш, гуноҳ ишларга қўл уриш, бири бири билан қичқиршиб-ғижиллашишдан сақланиши лозим. Муҳрим киши қуруқ ерлардаги ҳайвонларни ўлдирмайди, игна билан тикилган либосни киймайди, оёғига маҳси, этик ва пайпоқ киймайди. Юзи ва бошини бирор нарса билан беркитмайди, хушбўй нарса суртмайди, тирноғини, сочини ва бошқа мўйларини олдирмайди, соқоқолини тарамайди ва ҳам мойламайди, ҳаж амаллари тугагунча ялангбош, ялангоёқ, оқ эҳром либоси билан юради. Талбия ўқиладиган ҳар бир ерда талбия айтади.



Эҳромда бўлган ҳолда қилиши дуруст бўлмаган бирор ишни қилиб қўйса, нима бўлади?

Ҳаж китобларида баён қилинган тариқада у кишига бир ҳайвон сўйиш ёки садақа қилиш лозим бўлади.



Муҳрим киши қайси ишларни қилса, дуруст бўлади?

Ейиши, ичиши, ухлаши, таҳорат қилиши, ғул қилиши, белига ақча солинадиган камарни боғлаши, соябон билан сояланиши, оёғига қисқа ёзлик кавуш кийиши мумкин.



Ҳаж амалларида хотинларнинг эркаклардан фарқи борми?

Бор. Ҳаж амалларида хотинлар эркак кишидан ушбу олти тур амалларда фарқланадилар:

1. Эҳром либосини киймайдилар, балки ўз либосларида юрадилар.

2. Игна билан тикилган либосларни ҳам киядилар.

3. Бошлари очиқ юрмайдилар.

4. Талбияни ичда айтадилар.

5. Эҳромдан чиққанда сочларини олдирмайдилар ва қисқа ҳам қилдирмайдилар.

6. Агар ҳайзли бўлсалар, ҳайздан пок бўлгунча фарз тавофни қилмайдилар, пок бўлгандан сўнг қазосини қиладилар.

ҲОЖИЛАР МАККАИ МУКАРРАМАДА ҚИЛАДИГАН АМАЛЛАР



Ҳожилар Маккаи Мукаррамага етганда нима қиладилар?

Аввал тўғри Каъба масжидига борадилар. Кабаъи муаззамани кўрган он такбир ва таҳлил айтадилар. Каъбанинг деворидаги Ҳажарул асвад (Қора тош) исмли муборак тошни ўпиб баракотланадилар, Каъбани етти марта айланиб, суннат бўлмиш тавофни адо қиладилар.



Ундан сўнг нима қиладилар?

«Иброҳим мақоми» деган ерда Каъбага қараб икки ракат намоз ўқийдилар.



Ундан сўнг-чи?

Улуғ зам-замга бориб-сув-ичадилар, юзларига, бошлари ва баданларига сепадилар.



Улуғ зам-зам сувини қай тариқа ичадилар?

Зам-зам устида ҳамиша издиҳом бўлиб тургани учун тик турган ҳолича қиблага тўғри бўлиб, уч ютум қилиб ичади.



Зам-зам сувини ичганда нима деб дуо қиладилар?

Ушбу дуони ўқийдилар:

اللَّهُمَّ إِنِّي أَسْأَلُكَ رِزْقًا وَاسِعًا وَعِلْمًا نَافِعًا وَشِفَاءً مِنْ كُلِّ دَاءٍ

«Аллоҳумма инни ас'алука ризқон васиъан ва ʼилман нафиъан ва шифа'ан мин кулли даин».

Маъноси: «Эй Парвардигорим, мен Сендан кенг ризқ ва фойдали илм ва ҳар иллатдан сақламоқни тилайман».



Ундан сўнг нима қиладилар?

Масжиддан чиқиб Сафо ва Марва деган ерларнинг орасида у ёқ-бу ёққа етти марта югурадилар.



Ундан кейин-чи?

Зулҳижжанинг саккизинчи кунигача Маккада туриб муборак жойларни зиёрат этиб, хоҳлаганларича нафл тавоф қиладилар.



Ундан сўнг нима қиладилар?

Саккизинчи зулҳижжада ҳамма ҳожилар Мино исмли бир жойга борадилар. Арафа куни, яъни зулҳижжанинг тўққизинчи кунда Арафот тоғига борадилар. Арафотда пешин намозининг вақти киргандан сўнг ҳаж имоми хутба ўқийди. Сўнг ушбу вақтда пешин намози ила аср намози ўқилади. Аввал азон ва иқомат ила пешин намози ўқилади. Сўнг фақат иқомат ила аср намози ўқилади. Ғусл қилиб, Арафот тоғининг ўртасида тўхтаб, зикр ва талбия айтиб (вуқуф) оёқда тик турадилар. Хоҳлаган дуолар ва талабларни қиладилар. Офтоб ботгандан кейин Муздалифа деган жойга бориб, у ерда шом вақтида шом намозини ўқимасдан туриб, хуфтон вақти киргандан сўнг аввал шом намозини, ундан кейин хуфтон намозини ўқийдилар. Кечани Муздалифада ўтказиб, тонг отиб хўб оқаргунча Муздалифада бир тоғ ёнида вуқуф қилиб, талбия айтиб турадилар, мақсадларини тилаб дуолар айтадилар. Тонг тамом оқарганда яна Минога бориб, махсус жойда етти маротаба жамра тошларини отадилар, ҳар бир тошни отганда такбир айтадилар ва ҳам ўша ерда қурбонликларини бўғизлаб, гўшти ва терисини садақа қиладилар. Сўнг сочларини олдириб ёки қисқа қилдириб Маккаи Мукаррамага қайтадилар. Маккаи Мукаррамада тавоф фарзини адо қилиб, эҳромдан тамом чиқадилар. Эҳромдан чиққандан кейин ўзларининг расмий либосларини киядилар.



Ҳожилар ҳайит намозини қаерда ўқийдилар?

Минодан Маккага бориб етишсалар, Маккада ўқийдилар, етишмасалар, ўқимаган ҳолларича қоладилар. Мусофир ҳожиларга ҳайит намозини ўқиш вожиб ҳам эмас.



Фарз тавофни адо этганлар кейин нима қиладилар?

Яна Минога бориб, ўн биринчи, ўн иккинчи ва ўн учинчи зулҳижжада ҳар кун махсус жойларда отиладиган жамра тошларини отадилар.



Ундан кейин-чи?

Яна Маккаи Муқаррамага қайтиб, видо тавофини қиладилар. Зам-зам сувидан ичадилар. Бошлари ва юзларига сепадилар. Каъбаи муаззама остонасини бўса қиладилар. Каъба эшиги билан Ҳажарул асвад орасидаги «Мултазам» деган жойга юзлари ва сийналарини суртиб муборакланадилар. Каъбанинг пардасини тутиб юзларига суртадилар, хонаи Каъбадан ва бошқа муборак жойлардан жудо бўладилар, ғоятда ихлос ила хоҳлаган мақсудларини тилаб дуо қиладилар, ундан сўнг Каъбага юзланган ҳолларича орқалари билан юриб Каъбадан чиқадиладар. Сўнгра Маккаи Муқаррамадан чиқиб қайтишга тайёр бўладилар.

МАДИНАИ МУНАВВАРАГА БОРИШ



Ҳожиларга Мадинаи Мунавварага бориб Пайғамбаримиз ҳазрати Расули акрам (с.а.в.)нинг шарафли қабрларини равзаи мутоҳҳараларини зиёрат қилиш фарзми?

Фарз эмас. Лекин фарз бўлмаса ҳам, ғоятда зарур мустаҳаб амалдир, чунки ҳазрати Расули акрам (с.а.в.): «Мен вафот қилганимдан сўнг ҳар ким қабримни зиёрат қилса, гўё ўзимни тирик ҳолимда зиёрат қилган ҳукмидадир, мен у кишини қиёматда шафоат қиламан», деб ваъда этганлар.

Танбеҳ: ҳаж амалларини қилишда ва ҳам Мадинаи Мунавварада муборак жойларни ва қабрларни зиёрат қилишда риоя этиш зарур бўлган кўп одоблар ва ўқиладиган дуолар бор. Уларнинг ҳаммасини бу китобда баён қилишнинг имкони йўқ. Ҳажга борадиган кишилар «Ҳажнома» ва «Маносики ҳаж» номли китобларни бирор мартаба ўқиб чиқиши ва ҳаж мавсумида ўзи билан ҳамроҳ қилиб, ўқиб юриши лозим. Бундай китоблар дуоларни таълим беради ва ҳам зиёрат қилишнинг одобларини ўргатади.

БОЛА ТУҒИЛГАНДА ҚИЛИНАДИГАН АМАЛЛАР ВА ЎҚИЛАДИГАН ДУОЛАР



Бола туғилганда нима қилинади?

Ушбу дуо ўқилади:

اللَّهُمَّ اجْعَلْهُ بَارًّا، وَأَنْبِيَّتُهُ فِي الْإِسْلَامِ نَبَاتًا حَسَنًا

«Аллоҳум-мажъалҳу баррон ва анбитху фил ислами набатан ҳасанан».

Маъноси: «Ё Рабб, ушбу болани солиҳ қилгин ва ҳам яхши ўсмоқ бирла Ислом динида ўстиргин».

Ундан сўнг боланинг ўнг қулоғига азон, чап қулоғига иқомат айтилади, ундан сўнг хурмо билан ё бирор ширин нарсанинг таъми билан бола озиқлантирилади. Бола тукқандан сўнг она ҳаммадан илгари хурмо еса, яхши бўлади. Еттинчи куни болага бирор яхши исм қўйилади. Сочини олиб, сочи вазнича олтин ёки кумуш садақа қилинади ва ушбу кунда ўғил бола бўлса, икки қўй, қиз бола бўлса, бир қўй ақиқа қилинади.



Болани ким эмизади?

Албатта, онаси эмизади, болага онасининг сути ниҳоятда фойдалидир.

Бошқа хотин эмизса ҳам, дуруст бўлади, лекин тани сихат, хушхулқли ва хуштабиат хотин бўлиши лозим. Чунки сут берган хотиннинг хулқи ва табиати эмган болага таъсир қилади.



Бола неча ёшгача эмизилади?
Икки ёшга тўлгунча эмизилади.



Қайси вақтда хатна қилинади?
Етти кундан бошлаб етти ёшгача қайси вақтда хатна қилса бўлаверади. Ундан кейин қилса ҳам бўлади.

ВАСИЯТ



Бир мусулмон киши бетоб бўлса, нима қилади?
Гуноҳларига тавба қилади ва истиғфор айтади. Амал ва ибодатни кўпроқ қилишга зўр беради ва ҳам бирор ишончли табибга ўзини кўрсатади, табиб буюрган ишларни қилишга ва ман этган ишларни қилмасликка интилади.



Бетобнинг дўстлари нима қилишлари лозим?
Бетобнинг ҳолини сўраши ва ёрдамчиси бўлмаса, ёрдам қилиши лозимдир.



Бетоб бўлган киши нима қилиши лозим?
Ворисларига ва бошқа кишиларга васият қилмоғи ва ҳар кимдан розилик истамоғи ва рози бўлмоғи лозим.



Қай тариқа васият қилмоқ вожиб?

Ортидан қолаётган молидан қарзларини беришни ва берилмай қолган закот, ушур ва фитр садақасига ўхшаш вожиб садақаларни беришни, қазо бўлган намоз ва рўзаларнинг фидясини беришни васият қилиши вожибдир.



Қандай нарсаларга васият қилиш суннат?

Ҳар бир мусулмонни яхши ва муттақий бўлишга ва душманларни рози қилишга васият қилиши суннатдир.



Қайси нарсаларга васият қилиш мустаҳаб?

Қолган молидан масжид ва мактаблар биноси қуришга, кўприк ва йўлларни тузатишга ўхшаш амалларга ва фақирларга садақа улашишга васият қилиш мустаҳабдир.



Бетоб киши вафот этса, ворислари нима қилади?

Маййитнинг тариқасидан, яъни қолган молидан аввал кафан ва дафн учун харажатни олади, ундан кейин қолган молларининг уч бўлагидан бир бўлаги билан бошқа васиятларни адо қилади, ундан қолган молни фаройиз китобларида баён қилинган тариқада тақсим қилади.

МАЙЙИТ



Бетоб киши жон беришга яқинлашганда нима қилинади?

Оёқларини қибла тарафга қилиб чалқанчасига ётқизилади. Охирги сўзи имон калимаси бўлсин учун калимаи шаҳодатни талқин қилиб турилади. Ёдига тушириш учун ўлаётган кишининг олдида баланд овоз билан айтиб турадилар. Аммо айтгин, деб амр қилинмайди ва ҳам жони чиққунча олдида Ёсин сураси ўқилади.



Жони чиққандан сўнг нима қилинади?

Кўзларини юмиб, иягини бошига боғлаш ва оғзини ёпиш лозим. Устига бирор нарса ёпиб, юзи беркитилади, хушбўй нарсалар билан маййит атрофига дуд қилинади.

МАЙЙИТНИ ЮВИШ



Ювғучи маййитни қай тариқа ювади?

Қўлига бирор бўз латта ўраб, аввал истинжо қилдиради. Кейин икки қўлига бошқа латта ўраб, оғзи-бурнини ювмасдан таҳорат қилдиради. Сўнгра барча аъзосини ювади, мумкин қадар авратига кўз туширмасликка ҳаракат қилади. Маййитнинг соч, тирноқ ва мўйловлари олинмайди. Соч, соқоллари таралмайди ва ўрилмайди. Бошига ва соқолига хушбўй нарсалар суртилади.



Маййитга кафан қай тариқа бўлади?

Кафанни ёзиб ё сўзлаб билдириш қийин. Кўз билан кўрмагунча яхши фаҳмлаб бўлмайди. Муаллим ва имомлар кафаннинг қай тариқа бўлишини қоғоздан ясаб кўрса-тишлари лозим.



Маййит учун жаноза намози ўқилгандан сўнг нима бўлади?

Имом ёки бошқа бир киши жаноза намозига ҳозир бўлган кишилардан «Бу маййит қандай киши эди?» деб гувоҳлик олади. Шу тариқа савол қилинганда жанозада ҳозир бўлган кишилар: «Ғоятда яхши киши эди», деб яхшилигига шаҳодат берадилар. Ҳар қайсилари «Аллоҳ таоло раҳмат қилиб, жойини жаннатда қилсин», деб дуо қиладилар.

МАЙЙИТНИ УЗАТИШ



Маййитни қай тариқа қабрга олиб бориш лозим?

Кўтариб олиб борилади. Оз бўлганда тўрт киши кўтариш суннатдир ва имом бўлган кишига маййитни бир оз кўтариб бориш, тобутнинг тўрт оёғини машҳур тариқада ушлаб кўтариш суннатдир. Хотин ва қиз тобутининг устига бирор парда ташлаш, лаҳад ичига қўйгунча ўша парда билан қабрнинг устини беркитиб туриш лозим.



Тобут орқасида қабристонга садақа олишни ният қилмасдан, ибрат учун бориш дуруст бўладими?

Мустаҳабдир, савобли бўлади.



Қабристонга қай тариқа борилса яхши?

Дунё сўзидан сўзламасдан ва кулмасдан, тасбеҳ ва таҳлил айтиб, маййитга раҳмат тилаб борилса яхши.



Бировнинг вафотини эшитган киши нима деб дуо қилади?

Ушбу дуони айтади:

إِنَّا لِلَّهِ وَإِنَّا إِلَيْهِ رَاجِعُونَ، اللَّهُمَّ إِنْ كَانَ هَذَا الْمَيِّتُ مُحْسِنًا فَزِدْ فِي إِحْسَانِهِ، وَإِنْ كَانَ مُسِيئًا فَتَجَاوَزْ عَنْهُ

«Инна лиллаҳи ва инна илайҳи рожиъун. Аллоҳумма ин кана ҳазал маййиту муҳсинан фазид фи ихсаниҳи ва ин кана мусиан фатажаваз ʻанҳу».

Маъноси: «Албатта, ҳаммамиз Аллоҳникимиз ва албатта, Аллоҳ таолога қайтамиз. Ё Рабб, агар бу маййит яхши кишилардан бўлса, яхшилиқни зиёда қилгин ва агар гуноҳкор кишилардан бўлса, гуноҳини кечиргин».

МОТАМ, ЙИҒИ ВА ТАЪЗИЯ



Мотам нима?

Маййитни соғиниб, ғамгин бўлиб йиғлаш.




Йиғи нима?

Қичқириб-қичқириб маййитни мақтай-мақтай йиғлаш.



Ушбу ишлар дуруст бўладими?

Мотам дурустдир, аммо йиғи қилиш дуруст эмас. Йиғи жоҳилият замонидан қолган одатдир.



Маййит учун ғамгин бўлиб ёқаларини йиртиш, бошларига уриш, сочларини юлиш тўғрими?

Асло дуруст бўлмайди, ҳаромдир.



Таъзия нима?

Маййитнинг яқин кишиси ила ғамгинлик суратида кўришиш таъзиядир. «Марҳум ғоятда яхши киши эди, Аллоҳ таоло раҳмат қилиб, жойини жаннатда қилсин», деб маййитни мадҳ ва ҳам дуо қилиш; «Энди қолганларимизга Худо хайрлик берсин, кўп йиғлама, сабр қилгин, ҳар қайсимиз бу дунёда мусофирмиз, оқибат ҳаммамиз ўша ерга борамиз, Аллоҳ таоло ҳар биримизга жаннатда кўришмоқликни насиб айласин», демақдир.

ҚАБРИСТОНГА БОРИБ ЗИЁРАТ ҚИЛИШ



Ўлган кишининг қабри олдига бориб зиёрат қилиш дуруст бўладими?

Дуруст бўлади. Ибратланмоқ учун қабристонга бориб ўтириш ғоятда маъноли мустаҳаблардан ҳисобланади.



Қайси кунлари қабристонга зиёрат учун бориш авлороқ?

Пайшанба, жума кунлари бориш авлороқдир, демишлар.



Қабрлар олдига қай тариқа борилади?

Таҳорат қилиб, одоб ва тавозеъ ила борилади.



Қабрлар олдига бориб етгандан сўнг нима қилинади?

Тик туриб ушбу айтилади:

السَّلَامُ عَلَيْكُمْ يَا أَهْلَ الْقُبُورِ وَالْدِّيَارِ، رَحِمَ اللَّهُ الْمُسْتَقْدِمِينَ مِنَّا
وَالْمُتَأَخِّرِينَ مِنْكُمْ، أَنْتُمْ لَنَا سَلَفٌ وَنَحْنُ لَكُمْ خَلْفٌ، وَإِنَّا إِن
شَاءَ اللَّهُ بِكُمْ لَاحِقُونَ، نَسْأَلُ اللَّهَ لَنَا وَلكُمْ الْعَافِيَةَ

«Ассаламу ғалайкум йа аҳлал қубури вад-дийари роҳималлоҳул мустақдимийна минна вал мутааххирина минкум. Антум лана салафун ва наҳну лакум холафун ва инна иншааллоху

бикум лаҳиқун. Нас’алуллоҳа лана ва лакумул ъафийах».

Маъноси: «Эй қабристон аҳли, сизларга Аллоҳ таолонинг саломи бўлсин, Аллоҳ таоло дунёдан аввал кетган сизларга, кейинда қолган бизларга раҳмат қилгай. Сизлар бизлардан илгариги кишиларсиз, бизлар сўнгра қолган кишилармиз, албатта тезлик бирла бизлар ҳам сизларга етурмиз. Аллоҳ таолодан ўзларимиз ва ҳам сизлар учун саломатлик ва офият тилаб қоламиз».

Сўнг ўзи хоҳлаган қабрнинг олдига бориб оёқ кийимини ечиб, маййитнинг юзи ва кўкраги тўғрисига келиб, қиблага орқа ўтириб, қабрга рўпара бўлиб ўтириб, хоҳлаганича Қуръон ўқиб, савобини ўзи хоҳлаган маййитларнинг арвоҳига ва қабристондаги ҳамма маййитларнинг арвоҳига ҳадя қилади.



Қабристонда қай тариқа юрилади?

Гўё тирик кишилар орасида юргандек тавозеъ ва одоб билан, ҳеч бир қабрни босмасдан, ўзининг ҳам бир замонда улардек қабристонга келиб дафн қилинишини ва у ерда бўладиган савол ва ҳисобларни, қиёмат кунларини, жаннат ва жаҳаннамни хотирига келтириб, ғоятда тафаккур ва андиша қилади. «Ё Рабб, ушбу маййитларнинг арвоҳини раҳмат қилгил ва гуноҳларини мағфират қилгил, мен заиф бандага тавфиқ ва ҳидоят бериб, яхши амаллар қилмоқни насиб этгил. Ҳамма бор гуноҳларимни кечиргил», деб гуноҳларини юмшатиб, йиғлаб, кўп дуолар қилишга ғоятда жидду жаҳд қилади. Маййитларнинг руҳларига қабр олдига келган киши маълум бўлар эмиш. Улар учун

ўқилган Қуръоннинг ва берилган садақанинг савоби уларга етар, дуо қилган кишини улар ҳам дуои хайр қилар эмишлар.



Қабристонга бормасдан уйда ё масжидда ўқиб ҳады қилган Қуръоннинг савоби уларга етадими?

Албатта, етса керак.



Арвоҳга Қуръон ўқиб бағишланганда нима деб дуо қилинади?

Бундай дуо қилинади:

اللَّهُمَّ بَلِّغْ ثَوَابَ مَا قُرِئَ فِي هَذِهِ السَّاعَةِ الشَّرِيفَةِ مِنْ كِتَابِكَ
الْكَرِيمِ إِلَى أَرْوَاحِ جَمِيعِ الْمُسْلِمِينَ كَأَفَّةٍ وَعَامَّةً، خُصُوصًا مِنْهُمْ
إِلَى أَرْوَاحِ أَقْرَبَائِي وَأَصْدِقَائِي الَّذِينَ أَدَّكُرُهُمْ بِلِسَانِي

«Аллоҳумма баллиғ саваба ма қуриъа фи ҳазиҳис-соъатиш-шарифати мин китабикал карими ила арваҳи жамиъил муслимина каф-фатан ва ъамматан, хусусан минҳум ила арваҳи ақробаи ва асдиқои аллазина азқуруҳум билисаний».

Маъноси: «Ё Рабб, қадрли китобингдан ушбу шариф соатда ўқиганимнинг савобини мусулмон маййитларнинг руҳларига етказгин. Хусусан, ҳозир зикр қилинган ўзимга яқин қариндош ва дўстларимнинг руҳларига етказгин».

Бу дуонинг ўқигандан сўнг ўзи хеш ва дўст тутган маййитларнинг исмлари ва оталарининг исмлари бир-бир зикр қилади. Масалан, ушбу тариқа: «Ё Рабб, ушбу ўқилмиш Қуръоннинг савобини отам

фалончи фалон ўғлининг ва дўстим фалончи фалон ўғлининг руҳи шарифларига етказгин».

ЯМИН, ҚАСАМ, ОНТ



Ямин нима демақдир?

Онт этмоқ ва қасамёд қилмоқ, демақдир.



Нима билан қасамёд қилинади?

Биллоҳи, Валлоҳи, Таллоҳи, деб Аллоҳ таоло исми билан қасамёд қилинади.



Ой, қуёш, Қуръон, пайғамбар, Каъба каби Аллоҳ таолодан бошқа нарсалар ила қасамёд қилиш дуруст бўладими?

Дуруст бўлмайди.



Қасам неча турлидир?

Уч турлидир: ҳақлик қасами, алдов қасами, аҳд қасами.



Ҳақлик қасами қанақа?

Ҳақ ишга қасамёд қилишдир. Масалан, бўлган ишга «Биллоҳи, бўлди», деб ва бўлмаган ишга «Биллоҳи, бўлмади», деб қасамёд қилиш каби.



Ушбу тарика ҳақ ишга қасамёд қилиш дуруст бўладими?

Зарур бўлганда дуруст бўлади, лекин зарур бўлмаганда арзимас ишлар учун қасамёд қилишдан сақланиш лозим. Чунки ҳар бир ишга

қасамёд қилиш Аллоҳ таоло исмини таҳқир ва хор этиш бўлади.



Қасам билан айтилган сўзга ишониш керакми?

Албатта. Диёнатли ва комил мусулмон кишининг қасамига ишониш лозим, чунки комил мусулмон киши ҳар ишга қасамёд қилавермайди.



Алдов қасам қанақадир?

Ёлғон ва ноҳақ ишга қасамёд этишдир. Масалан, бўлмаган ишни «Биллоҳи, бўлди», деб ва бўлган ишни «Биллоҳи, бўлмади», деб қасамёд қилиш каби.



Ушбу тариқа қасам дуруст бўладими?

Ҳеч ҳам дуруст бўлмайди, ғоятда катта гуноҳдир. Ёлғон ишга қасамёд қилган киши дунёда ва охиратда ҳам хор бўлади, офати дунёда ҳам зоҳир бўлмасдан қолмайди.



Бир кишининг дилига бир иш бўлди, деб ўрнашиб қолган бўлса ва ўша ишни бўлган гумон қилиб «Биллоҳи, шу иш бўлди», деб қасамёд қилса, лекин аслида у иш бўлмаган бўлса, гуноҳкор бўладими?

Уямин «яминилағу»дир. Хатолик ила, хотирадан унутиш ила бўлгани учун гуноҳкор бўлмаса ҳам, Аллоҳ таолодан афв сўраши умидлидир. Лекин шундай шубҳали қасамни ёд қилмаслик лозим.



Аҳд қасами қанақа қасам?

Келажак замонда бир-ишни қиламан ва ё қилмасман, деб қасамёд қилишдир. Ушбу тариқа қасам одамлар орасида гоятда кўпдир. Масалан, «Биллоҳи, фалон ишни қиламан ёки қилмайман», деб қасамёд қилиш кабидир.



Ушбу тариқа қасамёд қилиш дуруст бўладими?

Ҳалол, фарз ва вожиб бўлган ишни қилиш учун бўлса, дуруст бўлади. Масалан, «Биллоҳи, хотин оламан, намоз ўқийман ва қурбонлик қиламан», деб қасамёд қилса бўлади.



Агар бир киши шунақа қасамёд этса, нима қилиши лозим?

Аҳдига вафо қилмоғи лозим. Яъни, нима иш учун қасамёд қилган бўлса, ўша ишни адо этмоғи лозим. Аҳдига вафо қилмаса, хонис, яъни гуноҳкор бўлади. Хонис бўлган киши каффорат қилади.



Қай тариқа каффорат қилади?

Қул озод қилади, унга кучи етмаса, ўн фақир ва бир мискинга тўйгулик таом ёки таомнинг пулини беради, унга ҳам қодир бўлмаса, каффорат учун ният қилиб уч кун пайдарпай рўза тутаяди.



Бир киши бир ҳаром ишни қиламан, деб ёки фарз ё вожибни қилмайман, деб қасамёд қилса, нима бўлади?

Аҳдига вафо қилмайди, балки хонис бўлиб каффорат беради.

ТУРЛИ ДУОЛАР

اللَّهُمَّ إِنِّي أَسْأَلُكَ بِاسْمِكَ الْعَافِيَةِ فِي الدُّنْيَا وَالْآخِرَةِ. اللَّهُمَّ
أَسَلَمْتُ نَفْسِي إِلَيْكَ، وَفَوَّضْتُ أَمْرِي إِلَيْكَ، وَرَضِيتُ بِكَ رَبًّا،
وَبِمُحَمَّدٍ نَبِيًّا، وَبِإِسْلَامٍ دِينًا

1. Уйқуга ётаётганда ушбу дуо ўқилади:

«Аллоҳумма инни ас’алука бисмикал офийата фид-дунйа вал ахироти. Аллоҳумма асламту нафси илайка ва фаввазту амри илайка ва розийту бика роббан ва бимуҳаммадин сол-лаллоҳу ʔалайҳи васаллама набиййан ва бил ислами дийнан».

Маъноси: «Ё Рабб, мен фақат Сенинг исминг хурмати ила дунёда ва охиратда саломатлик ва офият талаб қилурман. Ё Рабб, мен ўзимни ва ҳар бир ишимни Сенга топширдим ва ҳам Сени Худо-йим ва Муҳаммад алайҳиссаломни пайғамбарим ва Исломни диним, деб эътиқод қилганман».

2. Уйқудан тураётганда ушбу дуо ўқилади:

الْحَمْدُ لِلَّهِ الَّذِي أَحْيَانَا بَعْدَ مَا أَمَاتَنَا وَإِلَيْهِ النُّشُورُ، اللَّهُمَّ افْتَحْ
لِي هَذَا الْيَوْمَ بِالْخَيْرِ وَالْحَسَنَاتِ وَاحْفَظْنِي فِيهِ مِنَ الشَّرُورِ
وَالسَّيِّئَاتِ

«Алҳамду лиллаҳиллазий аҳйана баъда ма аматана ва илайҳин-нушур. Аллоҳум-мафтаҳ ли

ҳазал йавма бил хуйури вал ҳасанати ваҳфазни фийҳи минаш шурури вас саййиати».

Маъноси: «Мени уйқуга кетказиб, яна турғизган Аллоҳга ҳамдлар бўлсин. Қиёмат кунида ҳар бир ўлик тирилиб Аллоҳ таоло хузурига келадилар. Эй Аллоҳ, ўша куни менга яхшилик қилгин ва яхшилик ила очгин ва мени ёмонликдан сақлагин».

3. Кийим кийганда ушбу дуо ўқилади:

الْحَمْدُ لِلَّهِ الَّذِي كَسَانِي هَذَا الثَّوْبَ وَرَزَقْنِيهِ جَعَلَ اللَّهُ لِي خَيْرًا
وَلَا شَرًّا

«Алҳамду лиллаҳиллазий касани ҳазас савба ва розақнихи жаъалаллоҳу ли хойрон ва ла шаррон».

Маъноси: «Менга бу либосни насиб этиб кийдирган Аллоҳ таолога ҳамд бўлсин. Бу либосни Аллоҳ таоло менинг учун хайрли қилсин».

4. Таом ейишдан ёки ичимлик ичишдан фориғ бўлгандан сўнг ушбу дуо ўқилади:

الْحَمْدُ لِلَّهِ الَّذِي أَطْعَمَنَا وَسَقَانَا وَجَعَلَنَا مُسْلِمِينَ

«Алҳамду лиллаҳиллазий атъамана ва сақона ва жаъалана муслимин».

Маъноси: «Бизни тўйдирган ва чанқоғимизни қондирган ва ҳам Ислом аҳли тоифасидан қилган Аллоҳ таолога ҳамд бўлсин».

5. Уйдан кўчага чиқаётганда ушбу дуо ўқилади:

أَعُوذُ بِاللَّهِ مِنْ أَظْلَمَ أَحَدًا أَوْ يُظْلَمَ أَحَدٌ عَلَيَّ، لَا حَوْلَ وَلَا قُوَّةَ
إِلَّا بِاللَّهِ الْعَلِيِّ الْعَظِيمِ، تَوَكَّلْتُ عَلَى اللَّهِ تَعَالَى وَإِلَيْهِ أُنِيبُ

«Аъзузу биллаҳи мин азлима аҳадан ав йузлама аҳадун ʔалаййа ла ҳавла ва ла қуввата илла биллаҳил ʔалиййил ʔазим, таваккалту ʔалаллоҳи таʔала ва илайҳи униб».

Маъноси: «Дунёда ва охиратда раҳмат қилувчи Аллоҳнинг исми иродаси ила уйдан чиқаман. ʔзимни ҳар кишига зулм қилишдан ва ҳар кишидан мазлум бўлишдан (асрашни сўраб) Аллоҳ таолога сиғинаман, ҳар бир ҳолда ва ҳар бир қувват фақат у улуғ Аллоҳ таолодандир. Мен Аллоҳ таолога таваккал қилдим ва ҳам Унга инобат қилдим (яъни, Унга қайтдим)».

6. Бир ишга киришган вақтда ушбу дуо ўқилади:

رَبَّنَا آتِنَا مِنْ لَدُنْكَ رَحْمَةً وَهَيِّئْ لَنَا مِنْ أَمْرِنَا رَشَدًا، رَبِّ اشْرَحْ لِي صَدْرِي وَيَسِّرْ لِي أَمْرِي

«Роббана атина мин ладунка роҳматан ва ҳаййиъ лана мин амрина рошадан. Роббиш-роҳ ли содри ва йассир ли амри».

Маъноси: «Бу ишни дунёда ва охиратда раҳмат қилувчи Аллоҳнинг исми билан бошлайман. Эй Парвардигор, бизга ишларимизда раҳматликни ато қилгин ва ҳам бизга ишимизда раҳматликни тайёр қилгин. Эй Аллоҳ, кўнглимни очиқ қилгин ва ҳам ишимни енгил қилгин».

7. Бир киши билан кўришганда ушбу дуо ўқилади:

اللَّهُمَّ أَجْمِعْ بَيْنَنَا بِالْخَيْرِ وَالْإِسْلَامِ وَاللَّفْ بَيْنَنَا بِإِحْسَانِ الْكَلَامِ

«Аллоҳумма ажмиъ байнана бил хойри вал ислам ва алиф байнана би ихсанил калам».

Маъноси: «Ё Рабб, бизларни яхшилик ва саломатлик билан кўриштиргил ва хуш сўзлик ила улфат қилдиргил».

8. Бир ерда ёки бир мажлисда ўтиргандан сўнг ушбу дуо ўқилади:

اللَّهُمَّ أَنْزِلْنِي مُنْزَلًا مُبَارَكًا وَأَنْتَ خَيْرُ الْمُنْزِلِينَ

«Аллоҳумма анзилни мунзалан мубаракан ва анта хойрул мунзилин».

Маъноси: «Ё Рабб, мени муборак ўринга туширгил, Сен хайрлик тушургувчисан».

9. Бир зарар-зиён кўрилса, ушбу ояти карима ўқилади:

عَسَى رَبُّنَا أَنْ يُبَدِّلَنَا خَيْرًا مِنْهَا إِنَّا إِلَى رَبِّنَا رَاغِبُونَ

«Аса роббуна ан йубдилана хойрон минҳа инна ила роббина роғибун».

Маъноси: «Шоядки, Парвардигоримиз бизнинг ҳолимизни бу ҳолдан яхшироқ ҳолга айлантирса. Албатта, бизлар Парвардигоримизга рағбат ва майл қилувчидирмиз».

10. Бирор мақсади ҳосил бўлганда ушбу дуо ўқилади:

الْحَمْدُ لِلَّهِ الَّذِي بِحُكْمَتِهِ وَقَدْرَتِهِ تَتِمُّ الصَّالِحَاتُ

«Алҳамду лиллаҳиллазий би ҳикматиҳи ва қудротиҳи татиммус солиҳат».

Маъноси: «Ҳар бир яхшилик Аллоҳ таолога хосдир, ҳар бир яхши ишлар Унинг ҳикмати ва қудрати бирла ҳосил бўлур».

11. Мақсуди ҳосил бўлган ҳолда ушбу дуо ўқилади:

الْحَمْدُ لِلَّهِ عَلَى كُلِّ حَالٍ فَإِنَّهُ مُحَوَّلُ الْأَحْوَالِ

«Алҳамду лиллаҳи ʔала кулли ҳалин фа иннаҳу муҳаввилул аҳвали».

Маъноси: «Ҳар бир ҳолда Аллоҳ таолога ҳамд лозимдир, чунки Аллоҳ таоло бир ҳолни бошқа ҳолга алиштирувчидир».

12. Ғамгин бўлган ҳолда ушбу дуо ўқилади:

اللَّهُمَّ إِنِّي عَبْدُكَ، وَابْنُ عَبْدِكَ، رَضِيتُ حُكْمَكَ وَقَضَائِكَ، أَسْأَلُكَ أَنْ تَذْهَبَ عَنِّي غَمِّي وَحُزْنِي وَأَنْ تَرْزُقَنِي يَسِيرًا عُسْرِي

«Аллоҳумма инни ʔабдука вабну ʔабдика ро-зийту ҳукмака ва қозоака асʼалука ан тазҳаба ʔанни ғамми ва ҳузни ва ан тарзуқони йасиран ʔусри».

Маъноси: «Ё Рабб, албатта мен Сенинг банданг-ман, ҳам банданг ўғлидирман, сенинг ҳукмингга, тақдирингга розидирман, менинг кўнглимдан ғам ва андуҳни кетказишингни ва ҳам ғамдан сўнгра шодлик беришингни тилайман».

13. Янги ойни кўрганда уч марта «Аллоҳу акбар», деб ушбу дуо ўқилади:

اللَّهُمَّ أَهْلُهُ عَلَيْنَا بِالْأَمْنِ وَالسَّلَامَةِ وَالْإِسْلَامِ، اللَّهُمَّ اجْعَلْهُ هَالًا حَيْرٍ وَرُشْدٍ

«Аллоҳумма аҳиллаҳу ʔалайна бил амни вас саламати вал ислами. Аллоҳуммажʔалҳу ҳилала хойрин ва рушдин».

Маъноси: «Аллоҳ буюқдир. Ё Рабб, бу ойни биз-ларга эминлик ва имон ила саломатлик ва мусулмон-лик ила туғдиргил, яхшилик ва тўғрилиқ ойи қилгил».

14. Осмон гулдираганда ва чақмоқ чаққанда бу дуо ўқилади:

اللَّهُمَّ لَا تَقْتُلْنَا بِغَضَبِكَ وَلَا تَهْلِكْنَا بَعْدَإِبِكَ وَعَافِنَا بِرَحْمَتِكَ

«Аллоҳумма ла тақтулна биғазобика ва ла таҳликна би ʔазабика ва ʔафина бироҳматика».

Маъноси: «Ё Рабб, бизларни аччиғинг ила ўлдирмагин ва азобинг ила ҳалок қилмагин ва раҳматинг ила бизларга сиҳат ва офият қилгил».

15. Ёмғир ёққанда ушбу дуо ўқилади:

اللَّهُمَّ اجْعَلْهُ سَقِيًّا هَنِيئًا نَافِعًا، اللَّهُمَّ اجْعَلْهُ صَيِّبَ رَحْمَةٍ وَلَا تَجْعَلْهُ صَيِّبَ عَذَابٍ

«Аллоҳуммажъалҳу сақйян ҳаниян нофиъан. Аллоҳуммажъалҳу сойба роҳматин ва ла тажъалҳу сойба ʔазобин».

Маъноси: «Ё Рабб, бу ёмғирни раҳмат ёмғири қилгин, азоб ёмғири қилмагин».

16. Дарс ўқишдан илгари ушбу дуо ўқилади:

اللَّهُمَّ ارْزُقْنَا عِلْمًا نَافِعًا وَحِفْظًا كَامِلًا وَذِهْنًا شَامِلًا وَفَهْمًا ذَكِيًّا

وَتَوْفِيقًا لِتَحْصِيلِ الْعُلُومِ، اللَّهُمَّ أَخْرِجْنَا مِنَ الظُّلُمَاتِ الْجَهْلِ

وَالْوَهْمِ وَأَكْرِمْنَا بِنُورِ الْعِلْمِ وَالْفَهْمِ، اللَّهُمَّ افْتَحْ لَنَا أَبْوَابَ عِلْمِكَ

وَانشُرْ عَلَيْنَا خَزَائِنَ رَحْمَتِكَ بِرَحْمَتِكَ يَا أَرْحَمَ الرَّاحِمِينَ

«Аллоҳуммарзукна ʔилман нофиъан ва ҳифзон комилан ва зеҳнан шомилан ва фаҳман закийян ва тавфиқон литаҳсиллил ʔулуми. Аллоҳумма аҳрижна мираз зулуматил жаҳли вал ваҳми ва акримна би нурил ʔилми вал фаҳми. Аллоҳуммафтаҳ лана абваба ʔилмика ваншур ʔалайна хозайна роҳматик. Бироҳматика йа арҳамар роҳимин».

Маъноси: Ё Рабб бизни манфаатли илм, мукамал ҳифз, ўткир зеҳн ва фаҳм-фаросат билан ризқ-

лантиргин ҳамда илм хосил қилишлиқда кўмак бергин. Ё Рабб бизни адашишлиқ ва жаҳолат зулматидан чиқаргин. Бизни фаҳм-фаросат ва илм нури ила икром қилгин. Ё Рабб бизларга илминг эшикларини очгин. Бизни устимизга раҳматинг хазиналарини сочиб қўйгин. Эй раҳм қилувчиларнинг раҳмлироғи, Сенинг Раҳматинг билан. Омийн.

17. Дарс тамом бўлгандан сўнг ушбу дуо ўқилади:

الْحَمْدُ لِلَّهِ الَّذِي أَخْرَجَنَا مِنَ الظُّلُمَاتِ الْجَهْلِ وَالْوَهْمِ وَتَوَزَّ قُلُوبَنَا بِنُورِ الْعِلْمِ
وَالْفَهْمِ، اللَّهُمَّ اغْفِرْ لَنَا وَلِوَالِدَيْنَا وَلَا تُسْتَاذِنَا وَسَلِّمْ دِينَنَا وَدُنيَانَا وَاجْعَلْ
مَلِكَنَا سَالِمًا وَرَوْوْفًا لَنَا بِحَقِّ نَبِيِّنَا مُحَمَّدٍ الْمُصْطَفَى صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ

«Алҳамду лиллаҳиллазий ахрожана миназ зулуматил жаҳли вал ваҳми ва наввир қулубана би нурил ғилми вал фаҳми. Аллоҳуммағфир лана вали валидина вали устазина ва саллим динана ва дуняна ваҷъал маликана солиман ва рауфан лана би ҳаққи набиййина Муҳаммадинил мустофа соллаллоҳу ғалайҳи васаллам».

Маъноси: Бизни адашишлиқ ва жаҳолат зулматидан чиқарган Аллоҳ таолога ҳамд бўлсин. Фаҳм-фаросат ва илм нури билан қалбларимизни нурлантиргин. Ё Рабб бизни, ота-оналаримизни ва устозларимизни мағфират қилгин. Динимиз ва дунёимизни саломат қилгин. Пайғамбаримиз (с.а.в.) ҳаққи хурматларидан раҳбаримизни саломат-ва уни бизга нисбатан раҳмли қилгин.

* * *

Лаҳулҳамду вал минна зарурийати динийа эътиқодийа вал ғамалийага муштамал бўлган китоб мустатаб «Ибодати Исломия» зийурит тибо ила музаййин бўлиб, толибин киромига мушаррада еткурди.

МУНДАРИЖА

Муаллиф ҳақида.....	3
---------------------	---

БИРИНЧИ ҚИСМ

Дин ва шариат.....	4
Имон ва Ислом.....	5
Амал.....	5
Балоғат ва оқиллик.....	9
Ибодат.....	11
Имон ва иқрор.....	11
Имон калимаси.....	12
Аллоҳ таолога имон.....	13
Тафаккур ва ташаккур.....	20
Фаришталар.....	21
Пайғамбарлар.....	22
Пайғамбарларнинг мўъжизалари.....	23
Пайғамбарларнинг саноғи.....	24
Аллоҳ таолонинг муқаддас китоблари.....	25
Қуръон – Каломи шариф.....	26
Тақдир ва қазо.....	27
Бандаларнинг феъл-атвори.....	29
Замоннинг охири.....	30
Қиёмат кунининг шарҳи.....	32
Жаннат ва жаҳаннам.....	34
Гуноҳкорлар.....	35
Ҳазрати Одам (а.с.) ва Ҳавво.....	36
Муҳаммад алайҳиссалом.....	36
Муҳаммад алайҳиссаломнинг мўъжизалари.....	40
Саҳобалар.....	42

Халифалар.....	42
Аҳли сунна вал жамоа	43
Шариат ҳукмлари	45
Мужтаҳид.....	46

ИККИНЧИ ҚИСМ

Поклик.....	49
Таҳорат.....	50
Таҳорат фарзлари.....	50
Таҳорат суннатлари.....	51
Таҳоратнинг мустаҳаблари	52
Таҳорат дуолари.....	52
Таҳоратдаги макруҳ амаллар	56
Таҳоратни бузувчи амаллар.....	56
Таҳоратсиз киши	56
Маҳси ёки этикка масҳ тортиш	57
Ғул.....	59
Ғулнинг сабаблари.....	60
Жунуб.....	60
Ҳайз ва нифос.....	61
Узрли одам.....	62
Таяммум.....	63
Нажосат.....	65
Покланиш.....	66
Қудуқнинг тозаланиши.....	67
Истибро ва истинжо.....	68
Тоза сув.....	69
Аврат аъзолар.....	70

УЧИНЧИ ҚИСМ

Намоз ўқиш қоидалари.....	72
Намоз шартлари.....	73
Намоз вақтлари.....	74
Макруҳ вақтлар.....	75
Қибла.....	76
Қиблани аниқламоқ.....	76
Ният.....	77
Азон ва иқомат.....	78
Азоннинг мустаҳаблари.....	80
Азон дуоси.....	81
Намоз зикрлари.....	81
Икки ракатли намоз.....	87
Тўрт ракатли намоз баёни.....	88
Аёллар намози.....	89
Тасбеҳ ва дуо.....	90
Намоз шартлари.....	93
Намоз рукнлари.....	93
Намоз вожиблари.....	93
Намоз суннатлари.....	94
Намоз мустаҳаблари.....	95
Намоз пайтидаги макруҳ ҳолатлар.....	96
Намозни бузувчи амаллар.....	96
Намознинг мубоҳ амаллари.....	97
Намоз пайтида таҳоратнинг бузилиши.....	97
Заиф ва ногирон кишилар баёни.....	98

ТЎРТИНЧИ ҚИСМ

Жамоат баёни.....	100
Имомликка ҳақли кишилар.....	104
Мудрик ва масбуқ.....	105
Масжид ва жамоат.....	108
Қазо намози.....	111
Саждаи сахв.....	114
Намозда унутмоқ.....	116
Тиловат саждаси.....	119
Муқим ва мусофир.....	123
Мусофирларнинг ҳукмлари.....	126
Жума намози.....	128
Жуманинг хутбалари.....	130
Ҳайит кунлари.....	133
Ҳайит намозлари.....	135
Ҳайит намозининг ўқилиши.....	137
Қурбон ҳайити кунлари.....	139
Ташриқ такбири.....	140
Таровиҳ намози.....	141
Жаноза намози.....	146
Нафл намозлари.....	150

БЕШИНЧИ ҚИСМ

Рўза, закот, ҳаж.....	159
Рўзанинг суннат, макруҳ ва муфсидлари.....	162
Қазо ва каффорат.....	163
Рўза фидяси.....	167
Назр ва нафл рўзалар.....	169
Рўза тутиш макруҳ бўлган кунлар.....	170
Ой кўриб рўзага кириш.....	171

Эътикоф баёни	173
Закот.....	175
Закот бериладиган моллар	177
Пул ва савдо молларининг нисоблари	179
Хайвонларнинг нисоблари	181
Нисобига йил тўлмоқ баёни.....	183
Закот нияти	184
Закот бериладиган кишилар.....	185
Закот бериб бўлмайдиган кишилар	187
Ушур.....	188
Фитр садақаси.....	189
Фидя.....	193
Нафл садақа	195
Қурбонлик	197
Қурбонлик сўйишнинг йўли.....	200
Назр ва ақиқа.....	202
Ҳаж.....	204
Ҳаж амаллари.....	207
Эҳромли киши.....	209
Ҳожилар Маккаи Мукаррамада қиладиган амаллар.....	210
Мадинаи Мунавварага бориш.....	214
Бола туғилганда қилинадиган амаллар ва ўқиладиган дуолар	215
Васият	216
Маййит.....	218
Маййитни ювиш	218
Маййитни узатиш.....	219
Мотам, йиғи ва таъзия.....	221
Қабристонга бориб зиёрат қилиш	222
Ямин, қасам, онт	225
Турли дуолар.....	228

Диний-маърифий нашр

Аҳмад ҲОДИЙ МАҚСУДИЙ

ИБОДАТИ ИСЛОМИЯ

Муҳаррир: *Бобомурод Эралиев*
Бадий муҳаррир: *Отабек Муҳаммадиев*
Техник муҳаррир: *Аббос Турсунов*
Саҳифаловчи: *Толибжон Қодиров*
Мусаҳҳиҳ: *Олим Жўраев*

Нашр. лиц. № 154. 14.08.09.

Ўсишга 06.09.2019 й. да рухсат этилди.
Бичими 60x90 $\frac{1}{16}$. PT Serif гарнитураси. Офсет босма.
15,0 шартли босма тобоқ. 12,5 нашр тобоғи.
Адади 10000 нусха. 19-360 рақамли буюртма.
Баҳоси шартнома асосида.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий
коммуникациялар агентлиги
«O'zbekiston» НМИУ ДУКда чоп этилди.
Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй.